

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

НАРГИЗ ҚУРБОНОВА

ЧОРИЗМНИНГ
ТУРКИСТОНДАГИ АГРАР
СИЁСАТИ ВА УНГА
ҚАРШИ КУРАШ
(Фаргона водийси мисолида)

*Туркистонда хошга!
Соғиниб, оллоҳнинг тилдаб
муваффақдод. Шайх*

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2014

УЎК: 94(575.121)

КБК: 63.3 (5Ў)

Қ - 80

Қурбонова, Наргиз

Чоризмнинг Туркистондаги аграр сиёсати ва унга қарши кураш /
Н.Қурбонова. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 164 б.

Мазкур монографияда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивидаги ҳужжатлар, қўлёзма асарлар, вақтли матбуотда эълон қилинган мақолалар асосида чоризмнинг Туркистондаги аграр сиёсати ва унга қарши кураш (Фарғона водийси мисолида) тарихи ёритиб берилган.

Монографияда Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олгандан сўнг Фарғона вилоятининг тузилиши ва бу ерларда мустамлакачилик бошқарув тизимининг шаклланиши, вилоятда ер-сув муносабатлари, Фарғона вилоятида Россия империясининг аграр сиёсати амалга оширилиши, аҳолини кўчириш ва унинг оқибатлари, вилоятни Россиянинг хом ашё базасига айлантириш амалиёти ва деҳқонлар аҳволининг оғирлашишига оид батафсил маълумотлар келтирилади. Шунингдек, муаллиф ушбу асарида Фарғона вилоятида Россия империясининг мустамлакачилик аграр сиёсатига қарши курашлар, Андижон, Ўш уездлари деҳқонларининг галаёнлари, Қўқон, Марғилон, Наманган уездига деҳқонларнинг норозиликларининг кучайишини тадқиқ қилишни ва илмий хулосалар чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Монография олий ўқув юртлирининг тарих факультети талабалари, шунингдек, Ўзбекистоннинг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тарихини ўрганаётган тадқиқотчилар, мустамлакачиликка қарши кураш тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

И.А.АЛИМОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,

тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Х.Э.ЮНУСОВА, тарих фанлари доктори

Ж.Х.ИСМОИЛОВА, тарих фанлари доктори

О.КОМИЛОВ, тарих фанлари номзоди, доцент

Монография Андижон машинасозлик институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-27-233-1

© Н.Н.Қурбонова, “Чоризмнинг Туркистондаги аграр сиёсати ва унга қарши кураш” (Фарғона водийси мисолида). “Янги аср авлоди”, 2014 йил.

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтдан бери ўтган йиллар давомида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида бир қатор ўзгаришлар бўлдики, Ватан тарихини холис ўрганиш ва ундан олинган сабоқларни мустақил тафаккурга эга бўлган, миллий ғоя асослари атрофида жипслаша оладиган ёш авлодга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу бо-рада тарихий ҳақиқат, миллий ўзликни англашни кучайтириш ва мустаҳкамлаш вазифалари катта аҳамият касб эт-моқда.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ёш авлодни мустақилликка ишонч ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарих фанининг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1998 йил 28 июнда республиканинг бир гуруҳ тарихчи олимлари билан учрашувидан сўнг тарихий ҳақиқатни тиклаш ҳаракатининг кенг дастури ҳам жамиятнинг маънавий-ахлоқий такомилга эришувида ўзига хос катта аҳамият касб этди¹.

Ўзбекистон тарихидаги муҳим масалалардан бири Россиянинг Туркистонни босиб олиши, ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар ва унинг аҳоли ижтимоий турмуш тарзига ўтказган кўп тарафлама таъсири масаласини тўғри ва асосли таърифлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «ҳаққоний тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаш мум-

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. Т. 7. – Б.132-154.

кин эмас»¹, шунингдек, «ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»² экан, Ўзбекистон тарихининг Россия империяси мустамлакачилиги даври билан боғлиқ саҳифаларига, мустақиллик учун кураш тарихига бугунги кун нуқтаи назаридан, миллий истиқлол мафкураси асосида баҳо бериш долзарб аҳамият касб этади.

Чоризмнинг Туркистондаги аграр сиёсати мисолида турли соҳалардаги сиёсатини буюк давлатчилик ва шовинистик ёндашувлар асосида биринчилардан бўлиб рус зобитлари ва турли мартабаларга эга бўлган амалдорлар ёрита бошлаган. Совет даврида эса Туркистон, жумладан, Фарғона водийси халқларининг тарихий ўтмиши, мустамлакачиликка, Россия империясининг аграр сиёсатига қарши кураш тарихи ҳам жорий этилган сиёсий талабларга ва мафкурага мос ҳолда ёритилган. Фақатгина мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқининг турли даврлардаги тарихини, миллий озодлик кураши тарихини ҳаққоний тарзда ёритиш имконияти пайдо бўлди.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли республикада миллий истиқлол мафкурасига янгича ёндашувлар бўйича мукамал асарлар чоп этилди. Аввало, Х.З.Зиёевнинг мавзуга яқин бўлган қатор ишлари тадқиқот мавзусини ёритишда катта аҳамият касб этганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Муаллиф ўзининг “Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи” деб номланган китобида Фарғона водийсидаги ҳаракатларга бир бобда тўхталиб, қўзғолон иштирокчиларининг исм-шарифларини ҳам келтиради.³

Н.А.Абдурахимованинг қатор илмий ишларида ҳам Туркистонда империянинг мустамлакачилик сиёсати билан боғлиқ жараён таҳлил этилади. Муаллифнинг сўнгги ишларидан бирида Туркистон ўлкасини бошқариш низоми ва Рос-

¹ Ўша асар.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2011. – Б.4.

³ Зиёев Х. “Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи”. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 184–189.

сия империясининг кўчириш сиёсати, ўлкадаги иқтисодий вазиятга рус банкларининг аралашуви ва уларнинг натижалари ёритиб берилади¹. Ш.Фафоров ҳам ўлкага аҳолини кўчириш сиёсатини таҳлил этади. Муаллиф асосан XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати, унинг мустамлакачилик моҳияти ва оқибатларини таҳлил этади².

Н.У.Мусаев ўз монографиясида Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгач, ўлкага савдо-сотиқ капиталининг кириб келиши, ўлканинг метрополияга қарамлиги кучайиб, савдо-сотиқ буржуазияси минтақани метрополиянинг хом ашё базасига айлантиришидаги ролини тадқиқ этади. Шу ўринда муаллиф Фарғона водийсида пахта экиладиган майдонлар 30 йил ичида 3 баробардан зиёд кўпайганини таъкидлаб ўтади. Табиийки, Н.Мусаев деҳқонлар аҳволидаги салбий ўзгаришларни ҳам таърифлаган³.

Ф.Исҳоқов эса Россия империясининг бошқарув, кўчириш сиёсатини таҳлил этади ва ўзлаштирилган ерларнинг кўчириб келтирилган деҳқонларга берилиши маҳаллий деҳқонларнинг нафақат иқтисодий аҳволи оғирлашишига, балки жамоавий норозилигига ҳам олиб келганлигини алоҳида таъкидлайди⁴.

Ж.Исмоилованинг монографиясида эса Фарғона водийсида содир бўлган миллий озодлик кураши, асосан, 1916 йилги қўзғолон мисолида батафсил тадқиқ этилган. Муал-

¹ Абдурахимова Н. Становление и особенности экономической политики России в Туркестане во второй половине XIX – начале XX в веках. // Историческое пространство. Проблемы истории СНГ. – М.: Наука 2008. – № 1-4. – С. 62-88.

² Фафоров Ш. Тарих ва тақдир. Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 2006. 223 б.

³ Мусаев Н. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг шаклланиши. – Тошкент: IQTISOD – MOLIYA, 2008. 22 б.

⁴ Исҳоқов Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867–1917 гг.). – Тошкент: „ART FLEX“, 2009. – Б.70.

лиф ўз асарида Фарғона водийсидаги қўзғолоннинг сиёсий ва ижтимоий сабаблари, қўзғолон жараёни ва унинг тарихий аҳамиятини архив манбалари асосида таҳлил қилиб беради¹.

Шундай қилиб, мазкур мавзу илмий-тарихий адабиётларда Туркистон миқёсида кейинги йилларда тобора чуқурроқ ўрганилаётган бўлса-да, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида чоризмнинг аграр сиёсати ва унга қарши деҳқонларнинг кураши Ўзбекистон тарихшунослигида ҳали алоҳида ёритилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур мавзунини Фарғона вилояти мисолида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгач, Фарғона вилоятида бошқарув тизими Туркистон ўлкасининг бошқа вилоятларидаги бошқарув тизимидан тузилиши жиҳатидан ҳам, бошқариш услублари жиҳатидан ҳам туб аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига нисбатан олиб борилган ижтимоий сиёсат ва жазо чоралари билан фарқ қилган. Бу борада шуни қайд этиш лозимки, илгари ҳам пахта, пилла, мева ҳамда сабзаёт маҳсулотлари етиштириш бўйича ўлкада етакчи бўлган Фарғона водийсини Россиянинг саноатига хизмат қиладиган қишлоқ хўжалик хом ашё базасига айлантириш ва водийда метрополиядан кўчиб келадиган аҳолини ер билан имтиёзли таъминлаш мақсадида вилоятда ер-сув муносабатларининг тубдан ислоҳ қилиниши маҳаллий деҳқонлар орасида ерсизлар, кам ерга эга бўлганлар салмоғи ошишига, туб миллатга мансуб қишлоқ аҳолисининг ижтимоий аҳволи ниҳоятда оғирлашишига олиб келди.

Монографияда XIX аср иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида аниқроғи 1876–1917 йиллари Россия империяси мустамлакачилари Қўқон хонлигини босиб олиб, Туркистонда, жумладан, босиб олинган Қўқон хонлиги ҳудудида ташкил қилинган Фарғона вилоятида мустамлакачилик сиё-

¹ Исмоилова Ж. Фарғона водийсида миллий озодлик курашлари (1916 йил қўзғолони мисолида). – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2003. 336 б.

сатини олиб бориши, ўлка бойликларини талашни оқибатида водий аҳолисининг моддий аҳволи оғирлашиши, мустамлакачилик зулмига, адолатсиз аграр сиёсатга қарши деҳқонлар ғалаёнлари, қўзғолонлари тарихини илмий таҳлил қилиш мақсад қилиб олинди.

Биринчидан, Туркистон миқёсида маҳаллий аҳолининг, жумладан, деҳқонларнинг миллий-озодлик курашини ёритишнинг илмий, сиёсий ва мафкуравий аҳамиятини эътироф қилган ҳолда таъкидлаш мумкинки, ўлканинг Фарғона водийсидек айрим минтақаларида содир бўлган курашларни алоҳида ва батафсил таҳлил этиш жуда зарур эди.

Иккинчидан, Фарғона водийси деҳқонларининг Россия империясининг аграр сиёсатига қарши курашда иштирокини ёритиш асосида тарихий ҳақиқатни аниқлаш ва тиклаш нафақат илмий, балки мафкуравий зарурият билан белгиланади, чунки деҳқонларнинг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлари Ўзбекистон мустақилликка эришган давргача алоҳида тарихий муаммо сифатида ўтмиш шароит тақозосига кўра ўрганилмаган.

Россия империяси томонидан Қўқон хонлиги босиб олиниб, Фарғона вилояти ташкил қилингандан кейин водийдаги ер-сув муносабатлари рус тадбиркорлари, Россия империясидан кўчириб келтирилган деҳқонлар (крестьянлар) манфаатига мос равишда ислоҳ қилинганлиги, сувдан фойдаланишнинг янги тартиб-қоидалари, янги ер солиғи ва тўловларининг жорий қилинганлиги қишлоқларда кам ерли ва ерсиз деҳқонлар сони ортишига, уларнинг ижтимоий аҳволи оғирлашишига олиб келганлиги, деҳқонларнинг империянинг аграр сиёсатидан норозилигини келтириб чиқарилганлиги монографияда таҳлил қилинди.

Туркистон ўлкаси, жумладан, Фарғона вилоятининг метрополия саноати учун пахта толаси, пилла ва бошқа хом ашё манбаига айлантирилиши маҳаллий деҳқонларга кўп азоб-уқубатлар келтиргани, ерли туб аҳолининг империяга қарши қўзғолон кўтаришга мажбур қилганлигини аниқ манбалар асосида илмий таҳлил қилиш монография олдига қўйилган мақсаднинг тўлиқ моҳиятини очиб беради.

Муаллиф ушбу қўлёзмани нашрга тайёрлашда ўзларининг назарий, илмий, услубий маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган тарих фанлари доктори, профессор Р.Ҳ. Муртазаева, тарих фанлари доктори, профессор И.А. Алимов, тарих фанлари доктори У.С. Абдуллаев, тарих фанлари доктори Х.Э. Юнусова, тарих фанлари доктори Ж.Х. Исмоилова, тарих фанлари номзоди Д. Ийманова, тарих фанлари номзоди доцент О. Комиловларга самимий миннатдорчилигини билдиради.

Муаллиф монография бўйича ҳар қандай фикр-мулоҳаза ва таклифларни бажонидил қабул қилади.

I БОБ. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИ БОСИБ ОЛГАНДАН СЎНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АҲВОЛИ

1.1. Фарғона вилоятининг тузилиши ва мустамлакачилик бошқарув тизимининг шаклланиши

Марказий Осиё стратегик мавқега, иқтисодий-сиёсий салоҳиятга эга эканлиги туфайли Россия империяси Ўрта Осиё хонликлари билан XVIII асрдан дипломатик муносабатларни йўлга қўйишга интилиб келган эди. Лекин ташқи сиёсий-ҳарбий ва ички қарама-қаршилиқлар, Россиядаги кучли халқ қўзғолонлари, Европанинг бир қатор мамлакатлари билан урушлар, Англиянинг доимий қаршилиги Россия ҳукуматининг Марказий Осиёга кириб боришини биров секинлаштирган эди. Шундай бўлса-да, 1853 йилнинг июль ойида рус қўшинлари иккинчи уринишда Қўқон хонлигига қарашли Оқмачит қалъасини¹, кейинги йилларда Еттисув, Иссиққўл, Авлиёота ва Чимкентни эгаллади. 1865 йилнинг март ойига келиб, Туркистон вилояти (маъмурий маркази – Чимкент шаҳри) тузилди ва Оренбург генерал-губернаторлигининг таркибига киритилди. Айни ўша вақтда Янги Қўқон ҳарбий чизиғи (Новококандская линия) яратилди ва Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори этиб генерал М.Г.Черняев тайинланди.

Россиянинг Марказий Осиёдаги истилочилик йўналиши шу тарзда белгиланиши Қўқон хонлиги, Бухоро амирлигининг кучларини бирлаштиришни талаб қилса-да, улар ўзаро урушлар ва ички низолар гирдобида қолган эди. Қўқон хони Худоёрхон мамлакатдаги қўзғолонларни, Бухоро амирининг хуружларини бартараф эта олмасдан, 1845 йилдан 1875 йилгача уч марта тахтдан айрилиб яна тахтни эгаллаган эди. 1875 йил ёз ва куз ойларида содир бўлган халқ қўзғолонлари рус истилочиларига, жумладан, Туркистон генерал-губернаторлигига қарши қаратилганини билса ҳам, Худоёр-

¹ Перовский фортига айлантирилди.

хон рус қўшинларидан қўзғолонни бостиришни илтимос қилган эди. Бундан фойдаланган генерал М.Д.Скобелев қўмондонлигидаги қўшинлар Андижон, Марғилон, Наманган, Қўқон шаҳарларида ва жуда кўп қишлоқларда маҳаллий аҳолини қириб ташлади. Петербургда бўлган К.П.Кауфман 1876 йил 2 февралда Тошкентга телеграмма жўнатиб, унда Қўқон хонлиги йўқ қилиниб, унинг ўрнида маркази Янги Марғилон шаҳри бўлган Фарғона вилоятини ташкил қилишни буюради. 1876 йил 8 февралда рус қўшинлари Қўқон шаҳрини эгаллади ва 10 кундан кейин, яъни 19 февралда империя ҳарбий вазири Д.Милютин собиқ Қўқон хонлигининг ўрнида Фарғона вилояти тузилганини эълон қилди¹. Яна бир ҳафтадан кейин – 25 февралда Россия императорининг бу ҳақдаги фармони чиқди ва генерал-майор М.Скобелев Туркистон генерал-губернаторлигининг таркибидаги янги, ҳар жиҳатдан бой Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори этиб тайинланди².

Фарғона вилоятида Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш ва Чуст уездлари тузилди. Фарғона вилоятининг майдони 125470 кв.верст, аҳолиси 1.572.214 киши бўлган. Фарғона вилояти Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш ва Чуст уездларига бўлинган. Фарғона вилояти таркибидаги Қўқон уездининг майдони 12894 кв. верст, аҳолиси 360.267 киши. Марғилон уездининг майдони 5089 кв. верст, аҳолиси 321.860 киши, Андижон уезди 21648 кв. верст, аҳолиси 739.514 киши. Наманган уездининг майдони 26978 кв. верст, аҳолиси 763.789 киши, Ўш уездининг майдони 95237 кв. верст, аҳолиси 161.640 киши бўлган.³

1912 йилда М.Скобелевнинг вафот этганига 30 йил тўлиши муносабати билан Марғилон уездига генерал Скобелев

¹ Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд // Ижодий гуруҳ раҳбари тарих фанлари доктори проф. М.А.Бобоҳўжаев. – Тошкент: Фан, 1994. – Б.144.

² ЎзР Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), И – 276 - фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 8-варақ.

³ ЎзРМДА И – 276 – фонд, 4-рўйхат, 18-иш, 2 варақ.

номи берилган, лекин кўп ҳолларда уезднинг эски номи қўлланилган. Хўжанд ва унга яқин қишлоқлар Фарғона водийсига қарашли бўлса ҳам, 1867 йилда тузилган Сирдарё вилоятига киритилди. Қўзғолонлар мунтазам бўлиб турганлиги сабабли Конибодом атрофидаги бир қанча қишлоқлардан иборат Чимён уезди 1876 йили ташкил этилиб (1879 йилдан Исфара уезди деб номланган), Фарғона вилоятининг таркибига киритилди. Хўжанд уезди эса 1886 йилда Самарқанд вилоятининг таркибига ўтказилди¹. Бундан 5 йил илгари Чимён (Исфара) уезди йўқ қилинди, унинг ҳудуди эса Қўқон ва Марғилон уездлари ўртасида тақсимланди. Натижада, Фарғона вилоятида 6 та уезд қолди.

Россиядан Туркистонга русларни кўчириш, вилоятларда пахтачилик ва саноат тармоқларини ривожлантириш амалиёти тобора кенгайётган, айтилиши вақтда маҳаллий аҳолига, айниқса, деҳқонларга нисбатан мустамлакачилик зулми ошиб боргани сари маҳаллий халқлар норозилиги ўсаётганини сезган ўлка маъмурияти тегишли қарши чораларни қўллаб турди. Бошқа вилоятларга қараганда Фарғона вилоятининг моддий ишлаб чиқариш салоҳияти юқорилиги ва туб жой аҳолисининг салмоғи катталиги, қўзғолонларда қатнашиш ва рус қўшинларига қарши кураш тажрибаси бойроқлиги Туркистон генерал-губернаторини вилоятда бошқарув тизимини такомиллаштиришга, ҳудуднинг ва туб жой аҳолисининг асосий хусусиятларини ҳисобга олишга ҳамда унга ана шу омиллардан келиб чиқиб ёндашишга ундади. Масалан, Фарғона водийсига оиласи билан кўчиб келган рус аҳолиси ўзбошимчалик билан қирғизларнинг ерларини эгаллаб олганлар. Натижада, 1900 йилларнинг бошида маҳаллий аҳоли билан кўчиб келган рус крестьянлари ўртасида тўқнашувлар кучайиб кетган².

¹ Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – первой четверти XX вв. – Ташкент: Университет, 1999. – С.57.

² Пясковский А.В. Революция 1905–1907 годов в Туркестане. – М.: АН СССР, 1958. – С. 38.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, Фарғона вилоятида туб аҳолининг иқтисодий, савдо-сотиқ ва бошқа анъанавий алоқаларидан қатъи назар, кейинроқ йўқ қилинган Чимён (Исфара) уездидан бошқа 6 та асосий уездлар, уларнинг таркибида 613 та қишлоқ жамоасидан иборат 91 та волост тузилди¹. Мазкур вилоятнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шунда эдики, мустамлакачи маъмурият ташкил қилган уездлар ҳудудида – Андижон, Жалолобод, Марғилон, Қўқон, Наманган, Ўзган, Ўш, Чуст каби катта-кичик шаҳарлар бор эди. Бу шаҳарлар илгаридан ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш тармоқлари, маданий ҳаёти ривожланганлиги билан Марказий Осиёда ва қўшни мамлакатларда яхши маълум эди.

Фарғона водийси босиб олинганга қадар вилоят ҳудудида яшовчи аҳолининг 70 % дан ортиқроғини ўзбеклар, 16 %ини қирғизлар, қолган қисмини тожиклар, уйғурлар, дунганлар ва бошқа элат вакиллари ташкил қилган. Фарғона вилоятининг туб аҳолиси бошқа вилоятлар аҳолисидан 2 млн. нафар кишидан ортиқроқ эди². Бу вилоятнинг қишлоқларида рус қўшинлари бостириб келишидан ва Россиядан рус деҳқонларини бу ҳудудга кўчириб келтириш бошлангандан аввал ҳам деҳқончиликка яроқли эркакларнинг етишмовчилиги сезиларли бўлган.

Шунга қарамасдан, маҳаллий аҳоли ҳисобига озиқ-овқат, от-уловлар билан таъминланадиган рус қўшинлари Ўш уезди билан Хитой чегарасини қўриқлаш ҳамда Шарқий Туркистоннинг мусулмон аҳолиси билан алоқаларни бар-тараф этиш ёки назорат остига олиш учун жойлаштирилди. Чегарага яқин ҳудудларда ғарбий Сибирдан кўчирилиб келтирилган казаклар жойлаштирилди.

¹ Касымбеков К.Ф. Из истории народных движений в Фергане в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: Фан, 1978. – С.10.

² Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября // Отв. ред. академик АН Уз К.Б.Житов, докт. ист.наук. Х.З.Зияев. – Ташкент: Фан, 1973. – С.10.

Метрополиянинг ҳукмронлари, йирик капиталистлари, айниқса, Туркистон генерал-губернатори Фарғона водийсининг иқтисодий, ижтимоий имкониятларини империя манфаатларига бўйсундиришга ҳамда туб аҳолини итбаткорликда ушлаб туришга интиланган ҳолда бошқа вилоятлардан фарқли ўлароқ, бошқарув тизимини бир қатор чоратадбирлар билан мустақкамлашга ҳаракат қилди. Бу чоратадбирлар қаторида Фарғона вилоятининг Наманган, Ўш, Қўқон, Андижон, Янги Марғилон, Исфара шаҳарларида ҳарбий гарнизонларни, Жалолобод, Асака, Ўзган, Чуст шаҳарларида ҳибсхоналарни, 4 та қамоқхона – Янги Марғилонда, Қўқонда, Наманганда ва Ўшда барпо қилингани¹, барча шаҳарларда полиция муассасаларини, уезд марказларида қўриқчилар хизмати вакилларининг идораларини ҳамда қишлоқларда миршаблар хизматининг ташкил этилиши, қишлоқ жойларга кўчириб келтирилган европа миллатига мансуб аҳолининг (немислар истисно қилинган) вояга етган эркакларининг ҳар бирига биттадан милтиқ, 10 донадан патрон берилгани бўлди².

Бошқарув тизимини яратиш ва унда мустамлакачилик ҳукмронлигига хизмат қиладиган ўзгартиришларни амалга ошириш ниятида ўлканинг ва Фарғона вилоятининг туб аҳолиси орасида тарихан шаклланган анъаналарни, урфодатларни, ижтимоий ҳаётдаги қоида ва меъёрларни ҳам қатъий назорат остига олишга катта эътибор берилган. Шу мақсадда анъанавий шарият қонунларига риоя қилиб, маҳкама ишини олиб борувчи қозиларнинг обрў-эътиборини пасайтириш ва уларни мумкин қадар Россияда амалда бўлган фуқаролик ҳамда ҳарбий судлар билан алмаштириш вазифаси қўйилган эди. Вилоят ҳарбий губернатори ва уезд бошлиқлари ўз ихтиёридаги ҳудудда маъмурий, фуқаролик иш-

¹ Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – первой четверти XX вв. – Ташкент: Университет, 1999. – С.46.

² Галузо П.Г. Вооружение русских переселенцев // Коммунистическая мысль, 1926. №5. – С.16.

лари, солиқлар, савдо-сотиқ масалалари бўйича аксарият ҳолларда лозим топган ҳукмини чиқариш ваколатларига эга бўлганлар¹. Ўлканинг генерал-губернатори эса деярли чекланмаган ваколатларга эга эди. Биринчи генерал-губернатор К.П.Кауфман туб аҳоли орасида «ярим подшо» деб аталганлиги бежиз эмас эди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Туркистон ўлкасини бошқаришда Кауфмандек моҳир сиёсатчи, дипломат, бешафқат мустамлакачи, қаттиққўл генерал-губернатор бўлмаган.

Бундан ташқари, XIX асрнинг 80–90-йилларида телеграф алоқасининг ўрнатилиши, темир йўлларнинг ўтказилиши империя ҳукуматиغا Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини жадаллаштириш, зарур бўлганда қўшимча ҳарбий қисмларни етказишни тезлаштириш ва ўлканинг турли ҳудудларидан тезкор ахборот, маълумотларни олиш имкониятлари билан бирга, мустамлакани бошқараётган барча амалдорларни назорат қилишга шарт-шароит яратди. Лекин бу ўлка туб аҳолисининг аҳволини биров бўлса-да енгилаштиришга омил бўлган эмас.

Туркистонда, жумладан, туб аҳолисининг аксарияти ўтроқ яшаган Фарғона водийсида бошқарувни мустамлакага хос тарзда ва талаб этилаётган даражада йўлга қўйиш ҳамда маҳаллий бошқарув халқнинг «ўз қўлида» эканлигини намойиш этиш учун волостларда, қишлоқларда маҳаллий миллат вакиллари бўлган зодагон, бой одамлар бошлиқ этиб тайинланган. Лекин бу тайинлаш оқсоқолларни «сайлаш» тадбирлари билан ниқобланган. Бундай иккиюзламачиликнинг сабаби – волост, қишлоқ раҳбарлигига аҳоли ҳурмат қиладиган, лекин мустамлака идораларига содиқлиги шубҳали одамлар эмас, балки қишлоқ, волост аҳолисининг мустамлакачилик амалиётига қарши чиқишига йўл қўймайдиган, ер-сув муносабатларини ўзгартиришларга қаршилик қилишни бартараф эта оладиган ва

¹ Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.157.

энг муҳими, аҳолидан барча солиқларни, тўловларни ундира оладиган кишилар керак эди. Натижада, мустамлакачи амалдорлар назорати остида ўтадиган бундай «сайловлар»-да зодагонлар, бойлар орасида нопок рақобат ҳам, «назоратчилар» таъмагирлик қилгани, пора олганидан ҳам кўз юмадиганлар, мақбул бўлмаган одамлар волост ёки қишлоқ оқсоқоллигига ўтиб қолса, унда «сайлов» натижалари бе-кор қилиниб, бундай лавозимларга ўзи билган одамларни тайинлар эди¹.

Волост бошқарувчисини ва қишлоқ оқсоқолларини «сайлаш» аслида тайинлаш, қишлоқ ҳудудларини волостларга, қишлоқ жамоаларига бўлиш маҳаллий кўп миллатли аҳолининг уруғ, қабила анъаналарини, ижтимоий муносабатларини, хўжалик алоқаларини, бойларнинг аҳолига таъсири-ни заифлаштиришга ва айни пайтда ўтроқ аҳоли ҳамда кўчманчи чорвадорлардан (уларнинг кўчма жамоалари тартибли сон билан ҳисобда турган: 1 - сонли, 8 - сонли овул ва ҳ.к.) солиқларни, турли тўловларни ундириш ишини йўлга қўйишга, назоратни ўрнатишга қаратилган эди. Туркистонни 1908–1909 йилларда тафтиш қилган граф К.К.Пален кўчманчи аҳоли (қирғизлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, туркманлар) яшовчи ҳудудларда волост ва овуллар барпо этилганини оқлаб, «кўп сонли уруғнинг ягона сардор қўли остида бирлашиши чўлда осойишталикни сақлаб, турмушни енгиллаштириши мумкин», деб ёзган².

Туб аҳолига нисбатан жорий этилган ташқи бошқарув органларининг бошлиқларини бу тарзда «сайлаш», табиийки, жиддий муаммоларни келтириб чиқарар эди. Бу ҳақда Туркистонни тафтиш қилган империя ҳукумати комиссияларининг раҳбарлари Ф.К.Гирс, К.К.Пален, Н.П.Игнатъев ҳамда Туркистон генерал-губернаторлари Н.И.Гродеков, А.Н.Куропаткин ва бир қатор бошқа амалдорлар алоҳида

¹ ЎзР МДА, И – 1-фонд, 22-рўйхат, 440-иш, 10-11 варақлар.

² Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором графом К.К.Паленом. Сельское управление: русское и туземное. СПб., 1910. – С.9.

таъкидлаб ўтганлар. Масалан, 35 йил мобайнида Туркистонда бошқарув идораларида турли лавозимларда ишлаган Н.С.Ликошин ўз хотираларида мустамлакачи амалдорлар волост, қишлоқ оқсоқоллари, овул бийлари ва оддий аҳоли ўртасида содир бўлаётган можароларда, тўқнашувларда ҳаммавақт рус ҳокимиятига содиқ бўлган зодагонларнинг, бойларнинг тарафини олганлигини қайд этган¹. Шунингдек, маҳаллий қозилар ҳақида ҳам ўта салбий мулоҳазани билдириб, Н.С.Ликошин «Мен хизмат юзасидан халқ қозилари билан мунтазам учрашиб, уларнинг маҳаллий бойларга мойиллиги борлигига кундан-кун ишончим ортди ва бу унсурлар халқ қозисининг яқин кўмаги остида камбағалларни эзишади; шундай ҳоллар ҳам рўй берадики, бой камбағалга зулм қилади, қози эса камбағални ҳимоя қилмайди», деб ёзган эди².

Маҳаллий «ўз-ўзини бошқариш» тизимидаги жиддий нуқсонлар ҳақида Ф.К.Гирсининг хулосаларидан қуйидагиларни келтириш жоиздир:

биринчидан, волост бошқарувчиси бўлишга интилиш, бир томондан, анча катта маош билан, иккинчи томондан эса бошқарувчининг ихтиёрида бутун волост бўйича солиқ, тўловларни йиғиш ва бу борада ғайриқонуний тўловларни ундириш ҳамда йиғилган пулни ғазнага ўз вақтида топширмаслик, ҳатто яшириш мумкинлиги билан изоҳланади;

иккинчидан, волост бошқарувчиси ўзига берилган ҳокимиятдан фойдаланиб, 3 рублгача бўлган жаримани қўллаши мумкин. Бундай пуллар миқдорини, айниқса, кўчманчи аҳоли орасида назорат этиш мутлақо мумкин эмас;

учинчидан, барча вилоятларда, жумладан, Фарғона вилоятида ҳам ҳар уч йилда волост бошқарувчиларининг 35 %

¹ Левтеева Л.Г. Присоединение Средней Азии к России в мемуарных источниках (историография проблемы). – Ташкент: 1986. – С.65.

² Левтеева Л.Г. Присоединение Средней Азии к России в мемуарных источниках (историография проблемы). – Ташкент: 1986. – С.65.

таъвозимидан бўшатишган, яъни ҳар бир учинчи волостда
нинг бошқарувчи тайинланган¹.

Бундай ҳолат ҳукм суриши ва мустамлакачиларнинг ама-
лий фаолияти натижасида келиб чиқадиган барча оғирлик-
лар, азоб-уқубатлар деҳқонларнинг, кўчманчи чорвадорлар-
нинг елкаларига тушар эди.

Лекин бутун ўлкада бошқарув тизимининг моҳиятини,
асосан, Туркистон генерал-губернатори (айни вақтда Тур-
кистон Ҳарбий округининг кўмондони), вилоятларнинг
Ҳарбий губернаторлари ва уезд бошлиқларининг эга бўлган
ҳуқуқлари, ваколатлари ҳамда амалий фаолияти белгилар
эди. Айна чоқда Россия империясининг мустамлакаларидан
фақат Туркистон ва Кавказ бошқаруви империя ҳарбий ва-
зирлигига, қолганлари ички ишлар вазирлигига бўйсунар
эди. Ўлка, вилоятлар, барча уездлар бошлиқлари ҳарбий-
лардан тайинлангани ҳам бежиз эмас эди. Ўлканинг бирин-
чи генерал-губернатори К.П.Кауфман ўзининг чекланмаган
ҳуқуқ, ваколатларидан ниҳоятда самарали фойдаланди. Тур-
кистонда мустамлакачиларнинг мақсадларига мувофиқ Бу-
хоро ва Хива хонлиқларининг стратегик жиҳатдан аҳами-
ятли ҳудудлари босиб олинди ва шу ҳудудларда Зарафшон
округи (кейинроқ Самарқанд вилояти), Амударё бўлими
ҳамда Каспийорти ҳарбий бўлими, кейин шу номдаги вило-
ят тузилди. Хонлиқлар устидан иқтисодий, савдо-сотиқ, бож
ва ташқи сиёсат масалалари бўйича Россия назорати (про-
текторати) ўрнатилди. Мазкур «ярим подшо» бошчилигида
Туркистонда барқарор маъмурий-ҳудудий бошқарув тизи-
ми яратилди ва мулкчилик, ер-сув муносабатлари ислоҳ
қилинди, туб аҳолини империяга меҳнат қилишга, солиқ-
ларни, тўловларни сўзсиз тўлашга, итоаткорликда бўлмо-
ғига эришиш усуллари жорий қилинди. Кауфмандан кейин-
ги генерал-губернаторларнинг мақоми кам бўлган эмас, ле-
кин мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда унга тенг

¹ Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в
Туркестане. – Ташкент: Университет, 1999. – С.38.

келадигани бўлмаган, чунки император Александр II фармойиши билан унга «барча сиёсий, чегаравий ва савдо ишларини ҳал қилиш, чегарадош мамлакатлар билан музокара-ларни олиб бориш ва битимларга, келишувларга имзо чекиш ҳамда қарорларнинг шартларини муҳокама қилиш учун ишончли шахсларни юбориш» ваколатлари берилган эди¹.

Бундан шу нарса аён бўладигани, айти 1876–1882 йилларда Фарғона водийсига Россиядан йирик сармоядорларнинг маблағлари кўплаб жалб қилиниши, рус деҳқонларининг кўчириб келтириши ва уларнинг имтиёзли шартлар билан жойлаштирилиши, водийнинг йирик пахтачилик ва пиллачилик базасига айлантирилиши бошланган, яъни Россия империясининг аграр сиёсати ишлаб чиқилган ва уни амалга оширишга фаол киришилган. Бу сиёсат ўлкага, айтиқса, туб аҳолиси зич, лекин қишлоқ хўжалик ерлари етишмайдиган Фарғона водийсига русийзабон аҳолини кўчириб келтириш амалиёти билан бевосита боғлиқ бўлгани учун Россия империяси бу ерда, биринчи навбатда, ер-сув муносабатларини ҳамда туб қишлоқ аҳолисидан солиқларни ундиришни мустамлакачилик режаларига кўра ўзгартириш зарур, деб ҳисоблаган. Яратилган бошқарув тизими ҳам, қуролли ва полиция кучлари ҳам бундай оғир вазифани бажаришга мослаштирилган эди.

Хулоса қилиб, умумлаштирган ҳолда қайд қилиш лозимки, Марказий Осиёнинг ниҳоятда ривожланган, қишлоқ хўжалик ва саноат салоҳияти бой, ишлаб чиқариш имкониятлари кўп, катта стратегик аҳамиятга эга минтақаси бўлмиш Фарғона водийси забт этилганидан кейин Россиянинг сиёсий-ҳарбий раҳбарияти тузилаётган Фарғона вилоятида мустамлакачи бошқарув тизимини ҳамда сиёсий-ижтимоий кураш тажрибасига эга кўп миллатли аҳолини қатъий назорат қилиш тартибинини ўлканинг бошқа вилоятларидан кўра анча мукамалроқ бўлишига интилган. Шунга кўра, волостлардан бош-

¹ ЎзР МДА. И – 1-фонд, 34-рўйхат, 78-иш, 21-варақ.

қа барча бошқарув идоралари буюк давлатчилик, улуғ русчилик руҳи билан ўзини кўрсатган ҳарбий зобитларга берилган. Вилоят ва уездлар бошлиқлари жуда кенг ваколатларга, ҳатто жиноятчи деб ҳисобланган маҳаллий вакилларни қатл қилиш, қамоққа ташлаш ва ҳ.к. ҳуқуқларга эга бўлишган. Вилоятнинг барча уездларида полиция, қўриқлаш, махфий қидирув маҳкамалари, қамоқ уйлар (арестный дом), айғоқчилар тармоғи, йирик шаҳарларда ҳарбий гарнизонлар, қамоқхоналар, қишлоқлар орасида эса отлиқ патруллар хизмат қилишган. Фарғона вилоятини қисқа вақт ичида Россиянинг пахта, ипак ва бошқа хом ашё базасига айлантириш учун бу ерга метрополиядан саноатчилар, йирик савдогарлар, сармоя ва тижорат банклари келиши ташкил этилди. Бундан ташқари, мустамлакачилик тузумининг яна бир ишончли таянчини барпо қилиш ва қишлоқ хўжалигида тегишли ислохотларни амалга ошириш учун вилоятга русларни кўчиришга киришилди.

1.2. Фарғона вилоятида ер-сув муносабатлари

Туркистоннинг бошқа минтақаларига қараганда Фарғона водийсида генерал-губернатордан тортиб уезд бошлиқларигача мустамлакалаштириш иши, жумладан, қишлоқ хўжалиги метрополиянинг манфаатларига хизмат қиладиган даражада унумлироқ бўлишига қаратилган сиёсатни анча тажрибага эга бўлган ҳолда амалга оширишга киришилган. Қўқон хонлиги даврида водийдаги ер-сув муносабатлари адолатли ёки замон талабларига мос эди, деб ҳисоблаш хато бўлар эди. Маълумки, айнан ер-сув муносабатларига оид ва бошқа турдаги ижтимоий муаммолар, зиддиятлар деҳқонларнинг, кўчманчи қирғиз аҳолисининг исёнларига, ғалаёнларига сабаб бўлган.

Фарғона водийсида мустамлакачилик ҳукмронлигини ўрнатган Россия империяси минтақанинг қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларини, зиддиятларини бартараф қилишга эмас, балки унинг имкониятларини, салоҳиятини Россиянинг капиталистик ривожланиш йўлига ўтган енгил,

озиқ-овқат ва бошқа саноат соҳаларининг пахта толасига, ипак, тери, жун, мева ва сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш томон йўналтиришга ҳаракат қилган.

Бу борада туб аҳолининг қуйи табақалари янги ҳокимият сиёсатига, ер-сув муносабатлари ўзгартирилишига, водийга рус аҳолисини кўчиришга, жорий этилажак солиқ ва тўловларга қаршилигини синдириш мақсадида мустамлака бошқарув идоралари маҳаллий йирик ер эгаларини, бой савдогарларни, қозиларни ва мусулмон пешволарини ўз томонига жалб эта бошлади. Айни шуларнинг орасидан волост бошқарувчилари, қозилар, қишлоқ оқсоқоллари, овул бийлари, рус-тузем мактаблари ўқитувчилари тайинланар эди. Тарихий адабиётларда қайд этилганидек, мулкларнинг ва вақфларнинг эгаларига деҳқонлардан олинадиган йиғим ўрнига, давлат томонидан бериладиган муайян миқдордаги нафақа белгилаш таклиф этилди. Бундан кўзланган мақсад «маҳаллий аҳолининг энг хавfli қисмини вақф ва мулк эгаларига нафақа берадиган рус маъмуриятига бевосита қарам қилиб қўйиш эди»¹.

Чоризм ва унинг кўрсатмаларига биноан мустамлакачилик бошқарув идоралари амалга оширган ер-сув муносабатларидаги ўзгаришлар ва, умуман, аграр сиёсат, биринчи навбатда ўлкани, айниқса, Фарғона водийсини, метрополиянинг пахта, пилла, бошқа қишлоқ хўжалик хом ашё базасига ҳамда рус аҳолисининг янги яшаш маконига айлантиришга қаратилганлиги маълум.

Айни вақтда водийда, умуман, Туркистон ўлкасида Россия империясининг аграр сиёсати бу минтақада жойлаштирилган рус қўшинларини, мустамлакачилик бошқарув идораларини молиялаштириш ҳамда кўчириб келтириладиган аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни туб аҳолидан ундириладиган солиқлар, тўловлар билан қоплаш масалаларини қамраб олган эди. Бундай боғ-

¹ Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 24.

лиқлик амалда нафақат қишлоқда, овулда, балки шаҳарда ҳам маҳаллий аҳолининг моддий аҳволини оғирлаштирибгина қолмасдан, бошқа салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарар эди.

Шу муносабат билан қайд этиш зарурки, Туркистонда, жумладан, Фарғона водийсида ер-сув муносабатлари мустамлакачиликдан илгари ҳам жуда қолоқ, патриархал-феодал даражасида бўлмаган, чунки XIX асрнинг биринчи ярмида бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган пахта тозалаш, ёғ-мой, кўнчилик заводлари, ипак, чит ва бошқа турли газламаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд эди. Масалан, Фарғона вилоятининг Андижон уездида бир оилага 2 десятина ер тўғри келган, аҳоли зичлиги ҳам шунга яраша бўлган, ҳар кв. верстга 250 киши тўғри келган, Закаспий вилоятининг Манғишлоқ уездида эса 0,3 киши тўғри келган. Бундан В.Юферов Фарғона вилоятининг ишлаб чиқаришдаги салоҳияти юқори эканлигини алоҳида таъкидлайди¹. Завод, корхона эгаларининг аксарияти номаҳаллий миллатларга мансуб бўлиб, ўзларига қарашли катта экин ерларига ҳам эга бўлишган. Лекин йирик тадбиркорлар орасида ҳатто XX асрнинг бошларида туб аҳолининг вакиллари жуда оз бўлганини «Ҳайрул умури авсатуҳо» («Ҳар ишда меъёр бўлиши керак») номли мақоласида Маҳмудхўжа Беҳбудий афсус билан қайд этган².

Шундай бўлса-да, ўлкада умуман қишлоқ хўжалик ва шаҳар иқтисодиёти, ишлаб чиқариш кучлари тобора капиталистик тус олаётганини инкор этиб бўлмайди. Албатта, Россиядан Туркистонга, шунингдек, Фарғона водийсига янги асбоб-ускуналарни, янги технологияларни келтириш, банклар, акциядорлик жамиятлари, биржалар, селекция станцияларини барпо этиш ва бошқа янгиликлар жорий қилиш иқти-

¹ Сельскохозяйственный обзор Туркестанского края. Составитель В.И. Юферев. – Ташкент: Электро-паровая типография штаба Туркестанского воен. округа, 1911. – С.25.

² Алиев А. Маҳмудхўжа Беҳбудий. – Тошкент: 1994. – Б.23-24.

содиётни, товар ишлаб чиқариш ривожини тезлаштиради. Бироқ XIX асрнинг иккинчи ярмигача Туркистонда, асосан, савдо-судхўрлик капитали ҳукмрон эди, деган хулосалар (П.Галузо, В.Лаврентьев)¹ гарчи Туркистон аграр ўлка бўлса ҳам ҳақиқий аҳволни акс эттирган, деб бўлмайди.

Юқорида зикр этилган аграр сиёсатнинг асосий мақсадларини кўзлаган ҳолда Россия империяси Фарғона водийсида ер-сув муносабатларини мустамлакачилик йўналишида ўзгартиришни бош вазифа сифатида белгилаган.

Илгари ўлкада ер мулкчилигининг учта шакли, яъни амлок (давлат, аниқроғи хон) мулки бўлган ерлар, хусусий мулкчилик ерлари (мулки-хур, мулки-ушр, мулки-қарош), вақф ерлари (масжид, мадраса, бошқа диний муассасаларнинг мулки) мавжуд бўлган. Амлок мулкчилигидаги ерлар танҳо қилиниши амалиёти натижасида зодагонларга, дин пешволарига, лашкарбошиларга, амалдорларга инъом қилинар ва секин-аста хусусий мулк мақомига ўтар эди. Фақат вақф ерлари сотилмас ва гаровга берилмас эди. Туркистоннинг бошқа вилоятларига қараганда Фарғона вилоятида вақф ерларнинг салмоғи 6-7 фоизга кўпроқ эди².

Фарғона водийсида деҳқончилик ерларининг аксарияти суғориладиган бўлгани сабабли турли сув иншоотларининг қурилиши, таъмирланиши ва улардан фойдаланиш жамоат иштирокида амалга оширилган. Лекин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида оғир қўл меҳнати жуда катта ўрин тутган, замонавий техника, асбоб-ускуналар деярли йўқ эди, чорикорлар, мардикорларнинг ер эгалари билан муносабатлари ҳаммавақт ҳам адолатли бўлган, дейиш қийин.

Шундай шароитларда ер-сув муносабатлари Россия саноати эҳтиёжларига ва кўчириб келтирилаётган аҳолини

¹ Галузо П. Туркестан – колония. – С. 66; Лаврентьев В. Капитализм в Туркестане. – М.: Госиздат, 1928. – С. 9-10.

² Проект всеподданейшего отчета генерал-губернатора К.П.Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7 ноября 1867 - 25 марта 1881 гг. СПб., 1885. 256 с.; История Узбекской ССР. Т.1. Кн.2-я. – Т.: 1956. – С.19.

имтиёзли жойлаштиришга мослаштирилди. Биринчи навбатда, йирик ер эгаларининг ижтимоий ва сиёсий мавқеини пасайтириш мақсадида ҳамда мустамлакачилик режаларини амалга оширишни кўзлаб, ерлар давлат мулкига айлантирилди. К.Кауфман қайд этганидек, катта вақф ерларида истиқомат этган деҳқон аҳолиси ўлпон қондасига бўйсундирилди.¹ 1880 йилда «Ижтимоий ўлпон ва ер тузилиши тўғрисида» тўплам чиқарилди². Кейинроқ 1880–1890 йилларда Россия империясининг мустамлакачи идоралари вақф мулкларини «тартибга солиш», қайта рўйхатдан ўтказиш баҳонаси билан Фарғона водийсида ва бутун Туркистонда жуда кўп вақфларни ноқонуний деб топди, шундай ерлар, иморатлар мустамлакачи ҳокимликнинг ихтиёрига ўтди. Бу ерлар ижарачи деҳқонларга берилган ва бу ерлардан давлат ер солиғи олган. Бироқ суғориладиган деҳқончиликни кўчириб келтириладиган рус деҳқонлари ҳам, бошқарув хизматчилари ҳам мутлақо билмаган. Шундай бўлса-да, маҳаллий қишлоқ аҳолисига тегишли суғориладиган ерлар ва яйловлар тортиб олинди, рус деҳқонларига, казакларга берилиши кенгайиб борди.

Туб аҳолининг йирик ва ўрта ер эгаларидан маъмурий йўллар билан тортиб олинган ерлар маҳаллий деҳқонларга ижара сифатида ҳокимият идоралари томонидан (уезд бошлиқлари, волост бошқарувчилари билан келишилган ҳолда) берилар эди. Маҳаллий аҳолининг ерлари махсус солиқлар билан қамраб олинди жорий этилди. Лекин кўчирилган аҳолининг кўпчилиги қишлоқ ҳудудларида жойлаштирилиши ва илгаридан водийда деҳқончиликка яроқли ерларнинг танқислиги оқибатида Фарғона вилояти ташкил этилган дастлабки йиллардаёқ ер-сув муносабатлари мураккаблашди ҳамда маҳаллий аҳолининг норозилигини янада кучлироқ қўзғайди.

¹ Проект отчета К.П.Кауфмана за 1867–1881 гг. – С.257.

² Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши... –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.25.

Масалан, вазият янада кескин тус олишини баргараф қилиш мақсадида Андижон уезди аҳолисининг бир гуруҳ эътиборли вакиллари 1876 йил 10 октябрда Туркистон генерал-губернаторига шикоят мактуби йўллади. Мактубда янги ҳокимият туб аҳолига қўпол, ҳақоратли муносабатда бўлаётгани, мулкӣ ҳуқуқларни ва ислом шариятини ҳурмат қилмаётгани ҳақида ёзилди¹. Бундай мактублар бир қатор масалаларни қамраб ёзилар, барчаси ижтимоий манфаатларни кўзлар эди. Масалан, Фарғона вилояти ташкил этилганидан сўнг бир йил ўтар-ўтмас бундай амалиёт Қўқон ва Марғилон уездларидаги барча туб аҳолининг газабига сабаб бўлган. Қўқон уездининг бошлиғи майор Батищев 1877 йил 22 августда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига қуйидагиларни ёзган: «Марғилонга бораётганимда Қўқон уездига қарашли Бардон қишлоғининг аҳолиси 18 августда Оренбург қўшинига мансуб казакларнинг сотняси (казак қўшинида ҳарбий бўлинма – Н.Қ.) қишлоқдан ўтаётиб турли ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилганлиги ҳақида арз этди. Казаклар мазкур қишлоқда ва Қўқондан Марғилонгача йўлдаги бошқа қишлоқларда эркак аҳоли далада ва бозорда бўлганидан фойдаланиб, уйларга бостириб кирган ва ҳар хил буюмларни, ҳовлилардаги бедани ташиб чиқиб, кўпгина қовун полизларини вайрон этган. Зўрлик билан олинган буюмларнинг ва жабрланган уй эгаларининг рўйхатини Сизга юбормоқдаман»². Бу каби воқеалар архив ҳужжатларида кўплаб акс эттирилган.

Туркистонда, жумладан, Фарғона водийсида, мустамлакачи ҳокимият идоралари ер-сув муносабатларини ўзгартириш жараёнида маҳаллий деҳқонларга ва шаҳарларда яшовчи ер эгаларига зарар етказмаслигини ваъда қилган ҳолда аслида ерни ва сув иншоотларини ўзининг ихтиёрига ўтказишга, давлат мулкига айлантиришга интилишган. Агар

¹ ЎзР МДА. И - 19 - фонд, 1 - рўйхат, 10450-иш, 1-1 (орқа) -варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19 - фонд, 1 - рўйхат, 10568-иш, 1-2-варақлар.

К.Кауфман тақдим этган 1873 йилги лойиҳа бўйича амлок мулкчилигидаги ерларни уларда меҳнат қилаётган деҳқонларга фойдаланишга (мулк сифатида эмас, ижара шартлари асосида – Н.К.) берилиши назарда тутилган ариқлардаги, каналлардаги, дарёлардаги ва кўллардаги сув давлат мулки, деб қайд қилинган бўлса, 1875 йилда қабул қилинган ва фақат Фарғона вилоятида қўлланилган «Ижтимоий ўлпон ва ер масалалари бўйича қоидалар тўплами»да¹ ҳокимият идоралари нафақат хусусий мулкка, балки вақфга тегишли ерларни ҳам турли йўллар билан камайтиришган, мулкчиликнинг шаклини ва ҳатто вақф ерлари келтирган деҳқонлардан қанча пулни мактабларга, масжид ва мадрасаларга сарфлаш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Сувдан фойдаланиш муаммоси бўйича эса суғориладиган ер эгалари ёки қишлоқлар бўлганда бошқарув идораларининг аралашинишга ҳақли эканлиги ва ҳал қилувчи мавқеи кўрсатилган эди.

Шу тарзда Туркистондаги қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ва сув манбалари иншоотлари мустамлакачилик мақсадларига бўйсундирилди. Маҳаллий деҳқонлар, юқори табақага мансуб йирик ва ўрта ер эгалари ўзларига тегишли ерларнинг анчагина қисмидан маҳрум бўлибгина қолмасдан, сувдан фойдаланиш масаласида ҳам мустамлакачи идораларга қарам бўлиб қолди. Бу ҳам етмагандай, 1881 йилда Туркистон ўлкасининг сенатори Ф.Гирс бошчилигида ўтказилган тафтиш хулосалар натижасига кўра ер мулкчилиги жиддий ўзгартирилиши зарурлиги қайд этилди. Гирснинг мулоҳазаси бўйича ўлкада «ҳозир мавжуд бўлган ер мулкчилиги ҳақидаги лойиҳани қонун билан тасдиқлаб, ўтроқ аҳолининг ҳақиқий ихтиёридаги ерларни хусусий мулк ҳуқуқи асосида шу аҳолига мансублигини белгиланган ўлпон ва йиғимлардан озод қилмаслик шарт билан расмийлаштириш зарур. Масалани шундай йўсинда ҳал қилиш маҳаллий шароитларга ва талабларга мос келади, адолатни таъминлайди ва эҳтиёт-

¹ Проект отчета К.П.Кауфмана за 1867–1881 г. – 261 с.

корлик тақозо этилади». Шунингдек, Ф.Гирс бошчилигида ўтказилган тафтишнинг хулосаси бўйича, 1881 йилги ер-ўлка тузилиши ҳақидаги лойиҳа Туркистон ўлкасида қўлланиши мумкин эмас эди, «чунки у халқ онгига, аҳолининг йиллар мобайнида шаклланган турмушига ва иқтисодий шароитларига мос эмас»¹.

Бироқ 1884 йил 1-3 майда Гирснинг ҳисоботини муҳокама қилган махсус давлат комиссияси унинг таклифларини маъқулламасдан, Туркистон маҳаллий аҳолисининг ихтиёридаги ерларни доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида қолдириш ҳақида қарор қилиб, мулкчилик масаласини четлаб ўтди. Худди шу қоида 1886 йилда қабул қилинган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»да сақланган ҳолда, кўчманчи аҳоли фойдаланаётган ерлар давлат мулки эканлиги яна бир бор таъкидланди.

Ўтроқ аҳолига доимий ва ворислик асосида ерлардан фойдаланиш ҳуқуқининг белгиланиши илгаридан мустаҳкамланиб келган анъаналарга, тартибларга очиқдан-очиқ зид бўлмаганлиги сабабли ўлкада, жумладан, Фарғона водийсида тез орада адолатсиз хусусий ер мулкчилиги шаклланди. Оқибатда жуда кўп деҳқонлар амалда фойдаланган ерларидан маҳрум бўлди ёки катта қисмидан айрилди.

Бундай оқибатларни ва ўлкада ер-сув муносабатларини ўзгартириш Россия империясининг мустамлакачилик мақсадларига бўйсундирилганини эътиборга олмасдан, империя сенатори К.К.Пален «1886 йил 12 июнь Туркистон низоми аҳоли банд қилиб турган барча ерларни қишлоқ жамоаларига, мавжуд маҳаллий одатларга кўра, бутунлай мулкчилик ҳуқуқларида тасдиқлаб, бу ерларни жамоавий фойдаланишга ёки хонадон – ворисликка тақдим этмоқда. Шу низомнинг 261-моддаси буни қатъий тасдиқламоқда, чунки аҳолига ер участкаларини сотиш ҳуқуқини бермоқда. Шундай қилиб, ўтроқ туб аҳоли қонун бўйича ўзи фой-

¹ Гирс Ф.К. Отчет ревизующего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Гирса. СПб., 1888. – С. 461.

даланаётган ерларнинг тўлалигича мулк эгасидир» – деб ёзган эди¹.

Бу мулоҳоза ҳақиқий аҳволдан узоқ бўлса-да, муаллиф ўлкада тафтиш ўтказилган вақтда Фарғона вилоятининг фақатгина Андижон уездида 9943, Марғилон уездида 13767 нафар мутлақо ерсиз деҳқонлар бўлганини қайд қилган². А.Кривошеин эса Фарғона вилоятининг айрим уездарида ерсиз деҳқонларнинг салмоғи 30%ни ташкил этаётганини ўз ҳисоботида кўрсатган³. Гирснинг ҳисоботини муҳокама қилган комиссия эса қишлоқ хўжалик ерларини маҳаллий аҳолига доимий фойдаланишга беришни маъқуллаган, лекин тўлиқ мулкчилик ҳуқуқи ҳақида ҳеч қандай фикр билдирмаган. Фақат 1900 йилда ер мулкчилиги тўғрисидаги қонунларга бир неча қўшимчалар киритилди ва уларга кўра, нафақат суғориладиган ерлар, балки лалми ноқулай ерлар ҳам алоҳида деҳқонларга эмас, қишлоқ жамоаларига бириктирилиши лозим эди⁴.

Айни вақтда, Туркистонни бошқариш ҳақидаги низомнинг 261-моддаси бўйича туб аҳоли орасида ерни бир эгадан бошқа эгага ўтказиш тартиби, бу ерни мерос қолдириш ёки бўлиш масалалари ҳар бир жойда, ҳудудда риоя қилинаётган одатдаги шартлар асосида амалга оширилиши лозим эди. Лекин ери бор йирик зодагонларни, қишлоқ ва шаҳарлик бойларни ҳисобга олганда ҳам туб аҳолининг хусусий мулкчилик ҳуқуқида қишлоқ хўжалик ерларининг майдони мустамлакачилик ўрнатилганидан кейинги 20 йилда бир неча баробар камайди. Шундан кейин ҳам Туркистонни бошқариш ҳақидаги Низомга 1900 йилда киритилган қўшим-

¹ Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Материалы к характеристике народного хозяйства Туркестана, часть I, отдел I. СПб., 1912. – С. 171.

² Ўша асар. 173-б.

³ Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством в Туркестанском крае в 1912 г. Приложение к всеподданнейшему докладу. СПб., 1912. – С.57.

⁴ Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. – С.106.

чалар ва 1903 йил 10 июлда қабул қилинган европа миллатига мансуб аҳолини кўчиришга оид қонун, айниқса, 1910 йилги туб аҳолидан «ортиқча ерларни тортиб олиш тўғрисидаги қонун»¹ ўлкада ер-сув муносабатларини ниҳоятда мураккаблаштиришга, маҳаллий деҳқонларнинг, бутун туб жой аҳолининг иқтисодий, ижтимоий аҳолини янада оғирлаштиришга олиб келди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш зарурки, ер масаласини Россия империяси тўла ўз ихтиёрига олган ҳолда сувга мулкчилик, сувдан фойдаланиш муаммолари ҳал этилмаган бўлса-да, мустамлакачилик идоралари бу борада ўта кўпол ва малакасиз ёндашувлар билан аралашиб турди. Буни тасдиқловчи мисоллар жуда кўп. Масалан, «Қўқон уездининг бошлиғи Фарғона вилоятининг ҳарбий губернаторига юборган рапортида 1912 йилнинг ёзида Чорвоқ Тўдопа қишлоғи ва Диқон Тўда қишлоғи деҳқонларининг ўртасида сувдан фойдаланиш масаласи бўйича жиддий тўқнашувлар бўлгани қайд қилинган. Биринчи қишлоқнинг аҳолиси деярли 489 десятина суғориладиган ерга эга бўлиб, катта ариқнинг сувидан ўндан бирини олган, иккинчи қишлоқнинг деҳқонлари 945 десятина, яъни деярли икки баробар кўпроқ ерга эга бўлиб, сувнинг ўндан тўққиз қисмини олишган. Сувни адолатли тақсимлаш учун махсус иншоотни қуриш харажатларини Чорвоқ Тўдопаликлар ўз зиммасига олишга тайёр, лекин Диқон Тўда қишлоғининг аҳолиси иншоотнинг барпо этилишига қарши бўлмоқда»². Ҳарбий губернаторнинг жавобини архив ҳужжатлари орасидан аниқлашнинг иложи бўлмади.

Бундан ҳам хунук ва аянчли ҳоллар содир бўлиб турган. 1904 йил 12 июнда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига Қўқон уезди Водил қишлоғининг деҳқонлари Отабой Назаров, Абдуқодирхўжа Абдужабборов, Йўлдошхўжа Тиллахонов, Исманқул Мавлонқулов, Ўтабой Турдиқулов ва бошқалар йўллаган шикоятда қуйидагилар ёзилган: «Ўтган май

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 12 - рўйхат, 186-иш, 36-37-варақлар.

² ЎзРМДА. И - 19-фонд, 4 - рўйхат, 573-иш, 4-4-варақ орқаси.

ойининг 29-куни Фарғона вилоятининг ирригация бўлими мудирига Муллабой Бобомуҳаммад Мусаев деган кимса далаларимизга сув берадиган ўқариқни биздан ноқонуний тортиб олган ва бундай ўзбошимчалиги учун Муҳаммад Мусоевга волост бошқарувчиси, қишлоқ оқсоқоли ва элликбоши ер беришган. Бундан фойдаланиб, у камбағаллардан сувни тортиб олди, шунинг учун 20 таноблаб экинлар нобуд бўлмоқда ва экишга тайёрлаб қўйилган 400 таноб ер сувсиз қолиши мумкин.

Шикоятимиз оқибатлари қуйидагича: район миршаби маҳаллий маъмурлардан воқеа тафсилотларини билган ҳолда Янги Марғилонга мурожаат қилганимиз учун (олдин биз унга ҳам, Қўқон уезди бошлиғига ҳам арзимизни етказганимиз, бироқ улар эътибор беришмади) бизлардан 4 кишини 7 кунга авахтага, 7 кишининг ҳар бирини 10 рубль миқдориди жарима тўлашга ҳукм қилди. Ирригация ишлари бўйича мутахассис Усачев жаноблари бошлиқларнинг буйруғи билан шикоятимизни текширишга келганда, Йўлдошхўжа Тиллахонов ўз уйидан бир оқшомга жой бергани учун 7 кунга қамалди. Олий ҳукмдор чиқарган қонунлар олдида камбағаллар ва бойлар баробар, тенг. Бироқ амалдорлар бир қаллобга хайрихоҳлик кўрсатиши ва, айниқса, бегуноҳ одамларни қамашга, жарима тўлашга мажбурлаши адолат томайилларига зид...»¹. Шу каби аризаларни, шикоятларни акс эттирган архив ҳужжатлари кўп.

Сувга мулкчилик ҳуқуқи, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш масалалари, асосан, маъмурий услублар билан варақ аҳолисининг ҳамда маҳаллий бойларнинг фойдасига ҳал этилар эди. Илгари ариқ оқсоқоллари, мироблар деҳқонлар томонидан сайланган бўлса, энди мустамлакачи маъмурлар томонидан тайинланадиган бўлди. Фарғона водийси босиб олинганидан кейин бу муҳим масалага чуқурроқ ёндашилиб, 1878 йилда К.П.Кауфман тасдиқлаган «Туркистон ўлкасида ирригация бўйича Муваққат қоидалар» эълон қилинди. Бу

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 729-иш, 22-23 (орқа)-варақлар.

қоидаларда «ариқлардаги, каналлардаги ва дарёлардаги сув фазнага тегишли, аҳолига ундан фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилади», дейилган эди¹.

Мазкур қоидаларда белгиланган шартларга кўра водийнинг суғориладиган деҳқончилик ҳудудларида мавжуд анъаналар бўйича сувдан фойдаланилади, – деб белгиланган эди². «Муваққат қоидалар» маҳаллий аҳолининг жуда катта норозиликни кўзга ташлади. Масалан, 1879 йилнинг кузида Марғилон уезди деҳқонлари ёз ойларида жўхори экилган дала-ларга зарур вақтда сув берилмагани ва оқибатда ҳосилдор-лик паст бўлганига қарамасдан, уезд бошлиғи аввал белги-ланган хирож тўловларини талаб қилаётгани ҳақида Фар-фона вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Аб-рамовга арз қилишган³. У тегишли чора кўрмаганидан ке-йин 1880 йил январиде деҳқонлар К.П.Кауфманга шикоят юборишган. Генерал-губернатор деҳқонларнинг шикояти юзасидан масалани ўрганиб чиқишни А.К.Абрамовга топ-ширди⁴ ва Марғилон уездининг бошлиғи Алексеев ҳамда унинг ёрдамчиси поручик Забусов ўз лавозимларидан чет-латилди⁵. «Муваққат қоидалар» эса 1882 йилда бекор қилин-ди. Лекин юқорида зикр қилинган шарт Туркистон ўлкаси-ни бошқариш тўғрисидаги Низомнинг 256-моддасида так-роран қайд этилган.

Сувдан фойдаланиш масаласини мустамлакачи идоралар пахта етиштириладиган ҳудудларда қаттиқ назорат қилга-ни ҳолда рус сармоядорларига, кўчириб келтирилган рус деҳқонларига қарашли ерларни сув билан таъминлашга жид-дий эътибор беришган. Пахтачиликни ривожлантириш му-

¹ Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября // Отв.ред. К.Е.Житов, Х.З.Зияев. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 21.

² Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). –Ташкент: Госиздат, 1967. – С.109.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 336 – иш, 23 варақ.

⁴ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 336 – иш, 27 варақ.

⁵ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 336 – иш, 1 варақ.

носабати билан янги ерларни ўзлаштириш зарурияти йирик суғориш иншоотлари барпо қилишни тақозо этар эди. Бу ишларда рус корчалонларининг маблағлари ва маҳаллий аҳолининг деярли текин меҳнатидан фойдаланиш амалиёти авж олди. Бироқ сувга мулкчилик ҳуқуқи аниқ белгиланмаганлиги, сувдан фойдаланишдаги жуда кўп зиддиятлар, адолатсиз ёндашувлар туб аҳоли норозилигининг кучайишига, исёнларига ва қўзғолонларига сабаб бўлаётганини ҳал этишга эмас, балки ўлканинг пахтачилик минтақаларида, аввало, Фарғона водийсида сув манбаларини, суғориш тизимларини ва сувдан фойдаланиш тартибини метрополиянинг манфаатларига мос ҳолда бошқариш учун Россия империяси сув ҳақида янги қонунларни ишлаб чиқишга зўр берди. Бу масала 1907 йилнинг декабрь ойида Тошкентда ўтган сув техниклари (гидротехниклар)нинг съездида атрофлича муҳокама қилинди. Кейин империя ҳукумати миқёсида ҳам бундай қонун зарурлиги бир неча бор қайд этилди ва 1910 йилда сув ҳақидаги қонун лойиҳасини тузиш бошланди, лекин бу иш охирига етказилмади. Шунга қарамасдан, Россиянинг йирик сармоядорлари Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини намоён этишган ва турли минтақаларда янги ерларни суғоришга катта маблағлар сарфлашга тайёрлигини билдиришган. Масалан, Москва тўқимачилик саноати эгаларининг вакили муҳандис-технолог А.И.Кузнецов Фарғона вилоятида 300 минг десятинагача¹ ерларни суғоришга хусусий маблағларни таклиф қилган². Бироқ бу борада Россия империясининг 50 йиллик ҳукмронлиги деярли ҳеч қандай ўзгаришларга олиб келмади. Фақат подшога қарашли Мурғоб воҳасида 25 минг десятина ва Мирзачўлда 12 минг десятина ерлар суғориладиган деҳқончиликка киритилди³.

¹ Бир десятина 1,09 гектарга тенг.

² Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). –Ташкент: Госиздат, 1967. – С.115

³ Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). –Ташкент: Госиздат, 1967. – С.115.

Шундай қилиб, хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Туркистонда, хусусан, Фарғона водийсида ер-сув муносабатлари Россиянинг мустамлакачилик ҳукмронлиги ўрнатилишидан илгари адолатли, зиддиятларсиз бўлган дейиш мумкин эмас. Йирик ва ўрта ер эгалари ҳам, бутунлай ерсизлар ҳам, вақф ерларига эга мадрасалар, масжидлар ҳам бўлган. Яйлов ерлардан қишлоқ аҳолиси жамоатчилик асосида фойдаланар эди. Турли суғориш иншоотлари ер эгаларидан олинган махсус йиғимлар ҳисобига ва ҳашар йўли билан барпо этилар эди. Солиқлар, тўловлар, биринчи навбатда, кам ерга эга бўлганларга, чорикорларга, мардикорларга оғирлик қилар эди.

Мустамлакачилик тизими ўрнатилганидан кейинги биринчи даврдаёқ маҳаллий аҳолининг етакчи қатлами бўлган шаҳарда ва қишлоқда зодагонларнинг, бойларнинг, зиёлиларнинг нуфузини, таъсирини пасайтиришга, иложи борица чеклашга қаратилган чоралар қаторига, аввало, уларнинг моддий имкониятларини камайитиришга катта аҳамият берилди. Бу борада вақф эгалари ҳам четда қолмади. Уларнинг нафақат ерлари, балки иморатларининг аксарияти турли баҳоналар билан мусодара қилинди. Умуман, деҳқончиликка ва чорвачиликка, Россиядан кўчиб келаётган насларнинг аҳолини жойлаштиришга яроқли ерлар, кўчманчи аҳоли фойдаланаётган катта яйловлар ғазна (давлат) мулки деб эълон қилинди. Маҳаллий зодагонларнинг, йирик бойларнинг ва уламоларнинг мулкчилигидаги ерларнинг миқдори камайтирилди. Кейин мусодара қилинган ерларнинг бир қисми шу ерларда меҳнат қилаётган деҳқонларга махсус шароитлар асосида доимий фойдаланишга берилди. Лекин ер ҳақидаги қонунларда, Туркистонни бошқариш тўғрисидаги низомда (1886 й.) ва 1900 йил унга киритилган қўшимчаларда маҳаллий деҳқонларга ерни хусусий мулк сифатида берилиши қайд этилмаган. Оқибатда меҳнат қуролларига, от-уловларга, пул маблағларига эга бўлмаганлар судхўрларга, ҳосилни олиб-сотувчиларга қарам бўлиб қолишар эди. Ерсиз қолган деҳқонлар батраклик, чоракорлик, мардикорлик қилиб умр кечиришга мажбур бўлишган. Сув масаласи

бўйича эса мустамлакачилик даврида ҳал этилмаган барча муаммолар маъмурий йўл билан ечишга ҳаракат қилинган.

Айни пайтда, ер-сув муносабатларининг мустамлакачилик мақсадларида ўзгартирилиши Туркистон иқтисодиётининг метрополия манфаатларига бўйсунушига олиб келди. Шу билан боғлиқ ҳолда ўлкада, айниқса, Фарғона водийсида (қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг илгариги вақтлардан етишмовчилиги, туб аҳолининг 85% дан ортиғи қишлоқда яшаши, насроний аҳолининг кўчириб келтирилиши, солиқлар, турли йиғимлар ҳажмининг оширилиши ва турларининг кўпайтирилиши, миллий камситиш ҳамда бошқа сабаблар таъсирида мустамлакачилик сиёсати маҳаллий деҳқонларнинг, миллий зиёлиларнинг норозилигига, турли шакллардаги қаршилигига учраган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳукмрон ҳокимият ҳарбий қўшинларга, полиция кучларига ва милтиқлар билан қуролланган рус қишлоқ аҳолисининг мададига таяниб, тобора дағаллашиб ва кучайиб борди, чунки Туркистонни метрополиянинг хом ашё базасига айлантиришни империянинг иқтисодий, ижтимоий аҳволи ва ташқи сиёсий шароитлари тақозо қилар эди.

II БОБ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ АГРАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

2.1. Аҳолини кўчириш сиёсатининг Фарғона вилоятида амалга оширилиши ва унинг оқибатлари

Россия империяси Марказий Осиёга ҳарбий юришларни бошлаганда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ўз таъсирини ўрнатиш билан бирга, бошқа муҳим мақсадларни ҳам кўзлаган эди. Булар қишлоқ хўжалик хом ашёсини, айниқса, пахта, пилла етиштириш салоҳияти ва ер ости қазилмаларига эга бўлган ҳудудларни қўлга киритиш, забт этилган ҳудудларни Россиянинг тайёр маҳсулотлари учун йирик бозорга айлантириш, туб аҳолидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш ҳамда стратегик (Хитой ва Эрон билан янги чегараларга чиқиш, Афғонистон чегараларига бевосита яқинлашиш) вазифаларидан иборат эди.

Мустамлакачилик ва совет даври тарихшунослигидаги маълумотларни ўқиб, Россиянинг Марказий Осиёга интилиши бу бепоён ҳудудга метрополиядан «ортиқча» аграр аҳолини кўчириш зарурияти билан ҳам боғлиқлиги борасида эса шуни айтиш лозимки, агар империянинг ички губернияларида ҳақиқатан ҳам аграр аҳолиси ўта кўпайиб кетган бўлса, ортиқчасини Россиянинг Узоқ Шарқига, Сибирга, Шимолий районларга, Волга бўйига кўчиришига ҳеч қандай тўсиқ бўлмаган. Бундан ташқари, метрополияда «ортиқча» аграр аҳоли масаласи 1861 йилда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинганидан кейин яққол гавдаланди, деган хулоса асосли бўлса, қайси сабабларга кўра рус ҳукумати XIX асрнинг 50-йилларидаёқ Орол бўйига, Каспийортига, Оқмачитга, Еттисувга Урал ва Сибир казакларини ҳамда минглаб рус крестьянларини кўчирди.

Аслида Россия империясининг олий сиёсий ва ҳарбий доиралари Марказий Осиёнинг босиб олинадиган ҳудудларида мустамлака сиёсатини юритиш, мамлакатни хом ашё ва табиий бойликлар манбаига айлантириш учун фақатги-

на қуролли кучларга, ҳарбий - маъмурий бошқарув тизими-га таяниб бўлмаслигини яхши билишган, чунки минтақа-нинг туб аҳолиси тарихан шаклланган миллийлигини, қад-риятларини ўзга давлатлардан ҳимоя қилишга, тобе бўлмас-ликка ҳаракат қилишга руҳан тайёр эканлиги ҳам маълум эди.

Айнан шунинг учун Марказий Осиёни забт этиш режа-ларини ишлаб чиқиш билан бирга, босиб олинадиган ер-ларга, биринчи навбатда, ярим ҳарбий ҳаёт кечирувчи ка-закларни, кейин кўчириб келтирилган (рус, украин) аҳоли-ни имтиёзли шартлар билан жойлаштириш ҳам кўзда ту-тилган. Маҳаллий аҳолининг ғалаёнлари юзага келадиган бўлса, доимо қуролларга (қилич, милтиқ) эга казаклар би-лан бирга кўчириб келтирилган аҳоли ҳам қуролланиб, му-стаҳкам ва ишончли таянч бўлиши керак эди.

Россия империясининг ўлкадаги иқтисодий-ижтимоий сиёсати, чунончи, кўчириш сиёсатига бағишланган асарлар муаллифларининг аксарияти, айниқса, Россия империяси-нинг амалдорлари Туркистонга аҳолини кўчириш зарурия-тини 1861 йилда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилиниши оқибатида ички губернияларда гўёки ортиқча аграр аҳоли пайдо бўлиши ва шу аҳолини янги ҳудудларга кўчириш эҳти-ёжи билан изоҳлашган. Лекин бундай мулоҳазани ҳатто қисман ҳам тўғри дейиш қийин. Чунки биринчидан, Россия империяси Марказий Осиё ҳудудларидан илгари босиб олин-ган Кавказга, асосан, казакларни ва кам сонли шаҳарлик насроний аҳолини кўчирган; иккинчидан, крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинишидан анча олдин, XIX асрнинг 50-йилларида рус қўшинлари Қўқон хонлигига (Оролбўйи, Казали, Оқмачит, Иссиқкўл ҳавзаси, Тоқмоқ, Пишпек, Ет-тисув) ва Хива хонлигига қарашли (Манғишлоқ ярим оро-ли, Каспийбўйи) ҳудудларни босиб олиши ортидан кўплаб рус аҳолиси кўчирилиб, қишлоқ жойларига жуда қулай ша-роитларда, метрополияда ҳеч қачон бўлмаган имтиёзлар билан жойлаштирилди; учинчидан, агар Россияда крепост-нойликнинг йўқ қилиниши натижасида айрим губерниялар-да қишлоқ аҳолиси ҳаддан ташқари ортиқча бўлиб қолса ва

Россия империясининг Марказий Осиёга нисбатан ғаразли, истилочилик интилиши бўлмаса, унда ортиқча аҳоли муаммосини аҳолиси кам губернияларга, Узоқ Шарққа, Шарқий Сибирга кўчириш йўли билан ҳал қилиши мумкин эди. Лекин бу борада Марказий Осиёга хос омиллар устунлик қилган. Агар Кавказни забт этиш Россия учун иқтисодий жиҳатдан нефтга эга бўлишни, стратегик жиҳатдан эса Эрон ва Туркия билан чегарадош бўлишни ҳамда Каспий денгизда ўз маъқеига эга бўлишни таъминласа, Марказий Осиёда мустамлакачилик ҳукмронлигини ўрнатиш, аввало, метрополиянинг саноати учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик хом ашёсини (пахта толаси, пилла, чорвачилик маҳсулотлари) ва минерал бойликларни ўзлаштириш, метрополиянинг тайёр маҳсулотини сотиш учун янги бозор очиш ҳамда Афғонистон чегараларига илк бор чиқиш, Эрон ва Хитой чегараларига эса яна бир томондан яқинлашиш имкониятини берар эди. Шу боис, «ортиқча» аҳолини кўчириш сиёсати бу ерда стратегик жиҳатдан мустаҳкамланиб олиш учун зарур эди.¹

Рус қўшинлари Қўқон ва Хива хонликларининг каттагина ҳудудларини забт этгач, 1865 йил 2 мартда империя ҳукуматининг фармонига биноан маъмурий маркази Чимкент (ҳозирги Шимкент) шаҳри бўлган Туркистон вилояти тuzилди ва Оренбург генерал-губернаторлигининг таркибига киритилди.

Айни шу вақтда «Новококандская линия» деб номланган ҳарбий режа амалга оширила бошланди ва Тошкент шаҳри босиб олингач, бу шаҳар мазкур вилоятнинг, 14 ойдан кейин эса Туркистон ўлкасининг маъмурий маркази бўлиб қолди.

Фарғона водийсининг ҳамда Бухоро амирлиги, Хива хонлигининг янги ҳудудларини босиб олиш билан машғул бўлган Россия империяси ва мустамлакачи амалдорлар 1881 йилга

¹ Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: IQTISOD – MOLIYA, 2008. 12 б.

ча Туркистонга Россиядан тобора кўп миқдорда кўчиб келаётган аҳоли сонини, ижтимоий ёки миллий таркибини назорат қилишмаган. Лекин аҳоли кўчиб келишига ва ҳарбий жиҳатдан муҳим ҳисобланган жойларда казакларнинг ва бошқа насронийларнинг посёлкаларини барпо этишга аҳамият берилган. Дастлаб ўлкага русларни кўчириб келтириш сиёсати мажбурий амалга оширилган. Бироқ кейинчалик ихтиёрий кўчиб келувчиларнинг сони кўпайиб борди¹. Ўз хоҳиши ва янги ўлкада бой бўлиш умиди билан кўчиб келаётган рус аҳолиси орасида шаҳар ва қишлоқ камбағаллари кўп бўлган. Фарғона вилоятининг уезд бошлиқлари ҳам кўчиб келаётган славян аҳолиси орасида камбағаллар, қашшоқлар жуда кўп бўлганлиги уларни жойлаштириш масаласини оғирлаштираётганини қайд қилишган². Андижон уездининг бошлиғи Фарғона вилоятининг ҳарбий губернаторига 1910 йил сентябрь ойида бундай деб ёзган эди: «...Россиянинг турли губернияларида сарсон-саргардон бўлганидан ва люмпенларга айланганидан кейин Туркистонга кўчиб келганларнинг катта қисми отларга ҳам, ерга ҳам эга эмас, лекин муҳими, ўрнашиб олмоқчи. Рус крестьянларининг маҳаллий аҳолига муносабатини яхши деб бўлмайди. Аксарият ҳолларда туб аҳолига менсимай қарашади ва кўпинча ҳеч бир асосиз ҳақорат қилишади»³.

Шунга ва кўпгина бошқа далилларга кўра таъкидлаш мумкинки, П.Г.Галузонинг ўша сиёсийлашган «Вооружение русских переселенцев в Средней Азии» номли мақоласида Туркистонга асосан ўзига тўқ крестьянлар кўчирилган», – деб ёзгани ҳақиқий манзарадан узоқ эди. Лекин «маҳаллий аҳолидан ерни тортиб олиш ҳисобига ва уддабуронлиги туфайли улар бой бўлишди» ва «ҳар бир янги рус посёлкаси

¹ Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: IQTISOD – MOIYA, 2008. 12 б.

² ЎЗР МДА. И - 34 - фонди, 4 - рўйхат, 12374-иш, 27-28-варақлар.

³ Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867–1917 гг.). – Ташкент: “ART FLEX”, 2009. – С.125.

Туркистонда рус қўшинларининг бир батальонига тенгдир»¹, деган мулоҳазалари жуда тўғри.

Россия ҳукуматининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати билан боғлиқ яна бир муҳим масала ҳақида фикримизни билдириб ўтиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Гап – мазкур сиёсатнинг тарихий даврлаштириш тўғрисида. Бу борада бир қатор тадқиқотчилар таклиф қилган даврлаштиришни рад этмаган ҳолда биз фақат турли даврлардаги аҳолини кўчириш сиёсатини таърифлашдаги етарли асосланмаган айрим мулоҳазаларни таҳлил қилиб ўтмоқчимиз. Масалан, иқтисодчи олим А.М.Аминов 1868–1891 йилларда (уни биринчи давр бўлган, деб ҳисоблаб) империя ҳукумати рус аҳолисини Туркистонга кўчиришга салбий муносабатда бўлгани сабабли бу жараён суст ривожланган, кўчиришнинг биринчи даври 1868 йилдан бошланган ва 1885 йилгача аҳолини кўчириш, жойлаштириш бўйича ҳеч қандай қонун-қоидалар бўлмаган, – деб ёзган эди².

Аслида 1-сонли форт (илгари Оқмачит, кейин Перовский, ҳозирги Қизил Ўрда) ташкил этилаётган вақтданоқ рус аҳолисини кўчириш ва шароитга кўра яхшироқ жойлаштириш бошланган эди. 1847 йилдан эса Еттисувга Сибир казак қўшинининг икки полкини келтириш билан ярим ҳарбий турмуш тарзига эга казак аҳолисини бўлажак Туркистон ўлкасига кўчириш бошланган. Бу даврда ҳукуматнинг даъватига жавобан ва аксарият ҳолларда ўз ташаббуси билан кўчаётган насроний аҳолининг оқими қатъий назорат этилган ва маълум даражада бошқарилган. Кўчиб келаётган насроний аҳоли барча солиқлардан озод қилинган ҳолда шаҳарларда уй-жой, иш, қишлоқ ҳудудларда эса маҳаллий аҳолидан тортиб олинган суғориладиган ерлар ва яйловлар билан таъминланган. Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман 1873 йилда ҳукуматга йўллаган расмий ҳуж-

¹ Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане... – М.: АН СССР, 1991. – С. 8.

² Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период)... – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. – С. 137.

жатда рус аҳолисини Оренбургдан Тошкентгача ва Тошкентдан Верний (ҳозирги Алмати) орқали Семипалатинсккача бўлган ҳудудларда жойлаштиришни таклиф қилган эди¹.

Бу таклиф 1876 йилда Фарғона водийси босиб олинганидан кейин анча тўлдирилган ҳолда қабул қилинди. Гап шундаки, Кауфман юқорида кўрсатилган иккинчи йўналишни, яъни Тошкентдан Семипалатинсккача бўлган ҳудудни афзалроқ деб ҳисоблаган бўлса, энди Қўқон хонлиги йўқ қилингандан ва Бухоро амирлиги, Хива хонлиги устида Россиянинг протекторати ўрнатилганидан кейин ўлкани қишлоқ хўжалик хом ашёси, манбаига айлантиришга, биринчи навбатда, эса пахта етиштиришга имкониятлар кўпайганидан кейин рус аҳолисини иложи борича Оренбургдан Тошкент ва Хўжанд орқали Ўш ва Жалолободгача ҳамда Хаваст (у вақтда Урсатьевск) орқали Жиззах, Самарқанд, Амударё бўлимигача бўлган икки йўналиш бўйлаб кўчириш устувор бўлиб қолди. Шу билан бирга, казаклар фақат Афғонистон, Эрон ва Хитой билан чегарадош ҳудудларда жойлашиши мумкинлиги ҳамда ўлкага кўчиб келаётган немис аҳолисига милтиқлар берилмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Россия императори 1881 йил 10 июлда аҳолини кўчиришга дахлдор илк ҳужжатни – «Крестьянларни ғазнага тааллуқли бўш ерларга кўчириш ҳақидаги муваққат қоидалар»ни имзолади. Бу қоидаларга кўра ва яқин келажакда ўлкага наслоний аҳоли янада кўпроқ кўчиб келишини назарда тутиб, империя ҳукумати ва Туркистон генерал-губернатори оиладаги эркакларнинг ҳар бирига 10 десятинадан ер, маълум миқдорда моддий ёрдам беришга қарор қилди². Лекин Россияда расмий православ черкови томонидан XVII асрнинг охирларидан сиқувга, тазйиққа дучор бўлган диний бузғунчилар (раскольниклар, староверлар) илгари ғарбга кетишар эди, энди эса улар ва турли секталарга мансуб славянлар, шунингдек, баптист, меннонит секталар аъзоси бўлган не-

¹ ЎЗР МДА. И - 1-фонд, 2-рўйхат, 1905-иш, 3-варақ.

² ЎЗР МДА. И - 1-фонд, 10-рўйхат, 603- иш, 7-варақ.

мислар Марказий Осиёдан паноҳ топишга интилишди. XIX асрнинг 80-йилларида россиялик меннонитларнинг 30 та оиласи Хива хонининг рухсати билан Амударё яқинига жойлашгани маълум. Лекин насроний бўлса ҳам православ эътиқодига мансуб бўлмаганларни Россия империяси Туркистондаги мустамлакачилик тузумининг, амалиётининг таянчи бўлишига шубҳаланиб, 1883 йилда аҳолини кўчириш ҳақида янги қоидалар қабул қилди. Бундан буён ўлкага фақат православ эътиқодига мансуб руслар (украинлар, белоруслар) кўчиш бўйича рухсат олиши мумкин эди. Шу билан бирга, кўчиб келган рус оиласига қишлоқларда, айниқса, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида бериладиган ер майдони камайтирилди¹.

Умуман, подшо ва империя ҳукумати Туркистонга насроний (православ) аҳолини кўчириш масаласи бўйича 1886, 1889, 1892, 1903, 1910 йилларда махсус қонун-қоидаларни қабул қилиб, ўлкага ташкилий равишда Россиянинг иқтисодий ва ижтимоий қолоқ губернияларидан рус миллатига ва православ эътиқодига мансуб крестьянларни, шаҳарлик ишчиларни кўпроқ келтиришга интилди. Бироқ губерниялардаги оғир иқтисодий аҳвол ҳамда рус аҳолиси орасида буюк давлатчилик, улуғ русчилик кайфияти кенг тарқалганлиги ҳамда Россияга тобе минтақада маҳаллий аҳоли ҳисобига тез бойиб кетиш илинжи жуда кўп одамларни ҳеч қандай рухсатсиз Марказий Осиёга кўчишга ундаган. Масалан, Фарғона вилояти пахта тозалаш, ёғ-мой, пиллачилик, тўқимачилик, нефть, тоғ-кон соҳаларида олдинда бўлиб, бу ердаги қишлоқларда истиқомат қилаётган рус деҳқонларининг аҳволи бошқа ердагиларнинг аҳволидан анча яхшилиги билан ажралиб турар эди. Масалан, Андижон уездидаги Николаевское селоси ва Наманган уездидаги Успенское селосида ҳар бир хўжаликка 14,5 десятина экинга яроқли ҳамда 3 десятина яйлов ерлар тўғри келган².

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 3-рўйхат, 706-иш, 2-варақ.

² Фафоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. –Тошкент: Фан, 2006 – С.121.

1889 йилга келиб ўлкада ерсиз ва кам ерли деҳқонлар, тадбиркорларнинг сони шу қадар ортиб кетдики, Россия ҳукумати ўша йилнинг 13 июлида қишлоқ аҳолисининг давлат ерларига келиб ўрнашишини назорат этувчи қонунни эълон қилди. Шундан сўнг бир муддат тўхтаган кўчириш сиёсати 1892 йилги Тошкент, 1898 йилги Андижон қўзғолонларидан сўнг яна кучайиб кетди¹. Натижада, аҳолини кўчириш идораларининг моддий ёрдами туфайли Туркистонга кўчиб келган русларнинг сони ўзбошимчалик қилиб келганларнинг сонидан атиги 2-3 баробар ортиқ, айрим йилларда эса камроқ бўлган. Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Самарқанд, Каспийорти, Фарғона вилоятларида кўчиб келганлар учун маҳаллий аҳолидан тортиб олинган 6000 десятина ер ажратиб берилган². Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқламоқда:

1-жадвал³

Ўрта Осиёга кўчиб келганлар сони

Т/р	Йиллар	Кўчиб келганлар сони	Ўзбошимчалик билан кўчиб келганларнинг кўчиб келганлар орасидаги салмоғи (% ҳисобида)
1	1896	178400	38
2	1897	169 000	39,1
3	1898	148 000	40
4	1899	170 000	46
5	1900	166 000	31
6	1901	89 000	34
7	1902	82 000	35
8	1903	94 000	33
9	1904	40 000	90
10	1905	64 000	76
11	1906	139 000	51
12	1907	427 000	20
13	1908	664777	48
14	1909	619 000	48

¹ Исхаков Ф. Центральная Азия и Россия в XVIII – нач. XX вв. – Ташкент: OZDAVMATBUOTLITL, 2009. – С. 136.

² Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867–1917гг.). –Ташкент: Фан, 1997. – С. 69.

³ ЎЗР МДА. И - 16-фонд, 1-руйхат, 574-иш, 9-14-варақлар.

Келтирилган рақамларга кўра, биринчидан, 1897–1903 йилларда Туркистонга метрополиядан аҳолини кўчириш расман ман этилган бўлса-да, кўчириш жараёни бироз су-сайди, лекин тўхтагани йўқ ҳамда ўзбошимчалик билан бо-радиган манзилини аниқ билмасдан кўчиб келганлар ҳамон 30% дан ортиқ бўлган; иккинчидан, Андижон қўзғолонидан кейин Россия ҳукумати ўз қарорига хилоф тарзда Фарғона вилоятига кўплаб рус аҳолисини кўчирган ва маҳаллий аҳоли яшаган Марғилон, Андижон уездларида бир қанча қишлоқ-ларнинг ўрнида рус посёлкаларини ташкил қилган; учинчи-дан, аҳолини кўчириш жараёнини тартибга солиш ва кўчиб келаётганларнинг миллий, ижтимоий таркибини назорат қилиш мақсадида махсус бошқарма тузилган бўлса-да, Рос-сияда сиёсий-ижтимоий вазият кескинлашган 1905–1907 йил-ларда ва П.Столипиннинг аграр ислоҳотлари муносабати билан ўлкага рус аҳолисининг кўчиши бениҳоя ошди, ўзбо-шимчалик билан кўчиб келганларнинг салмоғи эса 56-90 фоизгача етди. Айти шулар маҳаллий аҳолига нисбатан до-имо зўравонлик қилиб келишган.

Россия империяси ўз манфаатларини кўзлаб Туркистон-га аҳолини нафақат Россиядан кўчириб келтириш билан кифояланди, балки Қўқон хонлиги йўқ қилинганидан сўнг Шарқий Туркистонни (ҳозирги Шинжон – Уйғур автоном райони) ўз таркибига киритишга ҳаракат қилаётган Хитой ҳукумати билан 1881 йилда битим тузиб, Еттисув вилояти-га ва Фарғона вилоятининг Андижон, Ўш уездларига уй-ғур, дунган аҳолисининг кўчишига ҳам рози бўлган. Бирги-на 1883 йилда Шарқий Туркистондан 60 мингдан ортиқ уй-ғурлар, дунганлар ва бошқа мусулмонлар кўчиб келди, ле-кин мустамлакачи идоралар уларга фақат чегарадан ўтишга ижозат берган, жойлаштириш, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш эса тўлиқ маҳаллий аҳолининг зиммасига тушган. 1894 йилда Каспийорти вилоятига Туркиядан қочиб келган арманилар 5-6 йил мобайнида Ашхабод, Самарқанд, Қўқон, Андижон ва бошқа шаҳарларга кўчиб ўтишди¹. Хитой ҳукм-

¹ ЎзР МДА. И - 16-фонд, 2-рўйхат, 1905-иш, 3-варақ.

рон доираларининг қатагон сиёсатидан қутулиш илинжида Қашқарнинг ўзидан Фарғона вилоятига мусулмон қочоқларнинг оқими XX асрнинг бошларида яна ошди. 1904 йилда – 14556 нафар; 1905 йилда – 13337 нафар, 1907 йилда – 25056 нафар, 1909 йилда – 12725 нафар, 1911–1912 йилларда – 53637 нафар ўзбек, уйғур, дунган, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллатларга мансуб мусулмонлар кўчиб келишди¹. Уларни жойлаштириш вазифаси ҳам даҳа ва қишлоқ оқсоқолларига топширилган эди.

Ўлканинг Фарғона водийсидек деҳқончилик, айниқса, пахтачилик, пиллачилик ривожланган минтақаларида рус аҳолиси сонининг ортиб бориши, рус деҳқонларига солиқлар соҳасида берилган имтиёзлар ўрни маҳаллий деҳқонлардан ундириладиган қўшимча солиқлар, турли йиғимлар билан қопланиши, ерсизлик ва доимий таҳқирланиш туб аҳолининг исёнларига, норозилик намойишларига ва катта-кичик қўзғолонларига асосий сабаб бўлган.

Ўлка халқлари мустамлакачиликни итоаткорлик билан қабул қилмаслигини ва кўчиб келаётган аҳоли буюк давлатчилик кайфияти билан маҳаллий аҳоли норозилигини қўзғатганини билган ҳолда Россия империяси ва Туркистон маъмурияти Тошкент (1892 й.), Андижон (1898 й.) қўзғолонларидан анча илгарироқ рус қишлоқ аҳолисини оддий милтиқлар («бердан») билан қуроллантиришга, рус (украин, белорус) посёлкаларида жанговар отрядларини ташкил қилишга ва мусулмонлар орасидан ҳокимият учун шубҳали, хавфли шахсларни мунтазам аниқлашга, кузатишга катта аҳамият беришган. Бунга маҳаллий оқсоқоллар ҳам жалб этилар эди.

Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг 1882 йил 19 октябрда Марғилон уездининг бошлиғига йўллаган ёзма фармойишида Яукесак-Бўстон волостида содир бўлаётган ғалаёнларни бостириш ва ташкилотчиларини аниқлаб, ҳибсга олиш буюрилган. Шунингдек, ғалаёнларнинг олдини олмагани учун Учқўрғон районининг мудирини штабс-

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 9829-иш, 8-варақ.

капитан Дановскийни жавобгарликка тортиш топширилган¹.

Андижон уездининг бошлиғи 1887 йил 16 августда Фаргона вилоятининг ҳарбий губернаторига Андижон шаҳрида, Ойим волостида рус ҳокимиятига қарши ташвиқот олиб борилаётгани ва маҳаллий аҳоли орасида шубҳали одамлар ташкилотчилик фаолияти юритаётгани ҳақида маълумот берган².

Андижон қўзғолонидан кейин Фаргона вилоятининг янги ҳарбий губернатори генерал-майор Чайковский Россия императорига юборган ҳисоботида сиёсий вазият ҳақида хусусан, қуйидагиларни ёзган: «Минтақада мингтепалик эшоннинг 1898 йил 18 май ғалаёнидан кейин тинчлик ҳукм сурмоқда ва нохуш кайфиятлар йўқ. Эшоннинг ниятлари маҳаллий аҳоли орасида чуқур илдиз отишга улгурмади ва бу қабих ишнинг беақл қатнашчилари кўп бўлмади. Аҳоли инсонпарвар бошқарувни ва империянинг қудратини яхши англади... Лекин бизга қарши кайфиятнинг қўққисдан намоён бўлиш хавфи сақланмоқда ва шунинг учун рус маъмурияти маҳаллий аҳоли ҳаётининг барча соҳаларини назорат қилишни кучайтириши зарур. Афсуски, шундай зарурий вазифанинг бажарилиши вилоятда ўта кам сонли маъмурий лавозимлар мавжудлиги билан қийинлашмоқда. 1/2 миллион аҳолиси бор бешта уездда маъмурий-полиция назоратини ташкил этувчи атиги 17 киши бор, улардан фақатгина 7 киши (участка нозирлари) маҳаллий аҳоли орасида яшайди; қолган 10 таси шаҳарларда туради... Волост бошқарувчилари ва қишлоқ оқсоқоллари полиция вазифасини бажариш учун зарур даражада ишончли ва мустақил эмас... Вилоятга деҳқончилик билан шуғулланувчи русларни империянинг ички губернияларидан иложи борича кўпроқ кўчириш керак»³.

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 721-иш, 22-23-варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 242-иш, 14-15-варақлар.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 2-рўйхат, 632-иш, 1-2-варақлар.

Россия империяси ва ўлка маъмурияти Туркистон маҳаллий аҳолисининг аҳволи оғирлашгани ва кўчиб келаётган рус аҳолиси ўлкада ўзини ҳақиқий хўжайиндай тутгани сари пайдо бўлаётган муаммоларни адолатли ҳал қилиш ўрнига туб халқларга нисбатан куч ишлатиш, қатагон амалиётини кенгайтириш ва рус православ аҳолисига қурол бериш чораларини қўллади. Бу жараён Николай II 1903 йил 10 июнда тасдиқлаган «Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига қишлоқларда ва шаҳарда яшовчиларни кўнгилли равишда кўчириш тўғрисидаги қоидалар»ни¹ қабул қилиши билан янада авж олди.

Бу борада олиб борилган ишлар шундай даражага етдики, уезд бошлиқлари ўз буйруқлари билан норозилик изҳор қилган, от ва араваларини мустамлакачи идоралар ишига беришдан бош тортган ёки ерларини рус крестьянларидан ҳимоя этган деҳқонларни ҳеч қандай судларсиз маълум муддатга қамашган. Масалан, Наманган уездининг бошлиғи вазифасини бажарувчи капитан Богаевский 1912 йил 13 августда 64 нафар деҳқоннинг ҳар бирини 20 суткага қамаш тўғрисида қарор чиқарган².

Биринчи жаҳон уруши арафасида, 1914 йил 28 июлда, Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори ўлка генерал-губернаторига юборган номада, хусусан, қуйидаги мулоҳазалар баён қилинган: «Ўш уездининг бошлиғи бугун менга жўнатган телеграммада уруш бошланиши эҳтимоли ва қўшинлар чиқаралиши муносабати билан туб аҳоли қўзғолон кўтариши мумкинлиги ҳақида хавотирли миш-мишлар пайдо бўлганини ёзиб, шунинг учун рус аҳолисини қўриқлаш мақсадида русларга қурол беришга ижозат сўрамоқда... Рус аҳолисининг айби билан маҳаллий аҳоли ғазабланган. Сизга маълумки, қўзғолонни туб аҳоли ҳамон ёдида сақлаётганидан Андижон уездининг бошлиғи ҳам шундай хаво-

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 36698-иш, 3-варақ. Туркестанские ведомости, 1903. №57. 17 (30) июля.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 2-рўйхат, 9493-иш, 233-варақ.

тирни билдирди. Шунинг учун уруш даврида озроқ қўшинни Андижон, Ўш ва Қўқон шаҳарларида қолдиришни ҳамда Андижонга дарҳол Скобелев шаҳрида жойлашган сотнялардан бирини кўчиришни илтимос қиламан»¹.

Урушнинг биринчи кунларида Фарғона ҳарбий губернатори уезд бошлиқларига рус посёлкаларидаги аҳолига ва уларнинг командаларига “бердан” милтиқлари ва ўқлар бериш юзасидан буйруқ юборди². 1914 йил 12 августда эса генерал-губернатор вазифасини бажарувчи генерал-лейтенант Флуг барча вилоят ҳарбий губернаторларига «Зарур бўлганда рус аҳолисининг ўзини-ўзи мудофаа қилишини ташкил этиш ҳақида мулоҳазаларингизни тақдим қилишингизни сўрайман. Қуролдан фойдаланиш, уни сақлаш ва беғона қўлларга ўтиб кетмаслигини таъминлашни назарда тутиш зарур»³ – деб ёзган эди.

Шу ойнинг ўзида ҳар бир рус посёлкасида (немисларга ва бошқа насларга аҳолига қурол берилмаган) 8-12 кишидан иборат алоҳида командалар тузилди ва қуролланди⁴.

1915 йилдан бошлаб Туркистонга минглаб чет эл ҳарбий асирлари (венгерлар, славаклар, руминлар, поляклар, немислар, турклар ва бошқалар) келтирилди ва асосан қишлоқ ҳудудларига жойлаштирилди, шунингдек, ҳарбий фронт яқинидаги минтақалардан қочоқлар кела бошлади. Туб аҳолидан мажбурий ҳарбий солиқ олиш ҳам жорий этилди. Бу ҳам маҳаллий аҳолига жуда оғир юк бўлиб тушди. Ҳарбий фронтда мағлубиятга учраётган Россия империяси ҳарбий-сиёсий инқироздан қутулиш мақсадида бошқа чоралар қаторида Туркистондан туб миллатларга мансуб 19-43 ёшдаги эркакларни фронт ортида мудофаани ташкил этишга ва саноатда ишлашга жалб қилишни лозим топди ҳамда 1916 йил 25 июнда бу ҳақида подшонинг фармони эълон қилинди. Ўлкада бу фармоннинг амалий ижросини таъминлаш

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 4-варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 22-варақ.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 144-иш, 15-варақ.

⁴ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 133-варақ.

генерал Галкинга топширилди. Туркистондан 250 минг иш-чини, жумладан, Фарғона вилоятидан 77 минг кишини¹ империянинг ғарбий минтақаларига жўнатиш лозим эди. Фармоннинг амалга оширилиши ўлкада умумхалқ қўзғолонининг бошланишига туртки ҳам, сабаблардан бири ҳам бўлди. Фарғона водийсида 1916 йилги қўзғолон билан боғлиқ воқеалар кейинги бобда батафсил таърифланади.

Шу ўринда масаланинг айрим муҳим томонларини ёритиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, подшонинг фармонини тайёрлашда ўлканинг мустамлакачи бошқарув идоралари фаол қатнашган ва зарурий маълумотларни империя ҳукуматига тақдим этган. Шу маълумотларга кўра, Туркистон туб аҳолиси эркакларининг сони 1916 йил бошларида деярли 3,5 миллион (3332200) кишини ташкил қилган. Демак, Россияга жўнатилиши лозим бўлган 250 минг ишчи ўлкадаги туб аҳолиси эркаклари умумий сонининг 8 фоизига² яқин. 1914 йил маълумотлари бўйича Фарғона вилоятида эркак аҳоли 1 млн. 172 минг 142 кишини ташкил қилган³. Лекин ўлка бошлиғи Мартсон пахтачилик минтақасида ишчиларни кўпроқ қолдириш ҳақида топшириқ берди ва шунинг учун пахта майдони энг катта бўлган Фарғона вилоятида маълум миқдорда қолдириладиган ишчилар сонини Сирдарё, Еттисув вилоятлари қоплаши белгиланди. Фарғона вилоятидан 50 минг ишчи, яъни 27 мингта камроқ жўнатишга келишилди⁴.

Иккинчидан, Туркистондан Россиянинг ҳаракатдаги армиясига 1915 йилда тузилган туркман полки жалб этилган, метрополиянинг турли саноат тармоқларида ўлканинг илгари ишсизликдан қийналиб юрган минг-минг маҳаллий, мусулмон ишчилари меҳнат қилишган⁵.

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 15-(орқа) варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 16-варақ.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 106-(орқа) варақ.

⁴ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 175-иш, 106-(орқа) варақ.

⁵ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 15-(орқа) варақ.

Учинчидан, фармонни қайси услублар билан ижро қилиш масаласи ҳам муҳокама этилган. Аҳолининг эркаклари сонидан келиб чиқиб, вилоятларга, уездларга ва волостларга мажбуран чақирилувчиларнинг миқдорини белгилаш ёки ҳар бир оиладан ишчи сифатида жўнатиловчиларнинг сонини аниқлаш таклифлари бўлган. Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Гиппиус аҳолининг юқори қатламлари ўз одамларини кўнгилли равишда бермаслигини, руҳонийларнинг оилаларида эса жисмоний жиҳатдан бақувват, ишлашга яроқлилар йўқлигини таъкидлади. Муҳокама сўнгида биринчи таклиф маъқулланди ва айнаи вақтда назорат қилиш учун оилавий рўйхатларни ҳам тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Аҳоли орасида сара, забардаст ишчилар кераклиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлиги қайд қилинди¹.

Андижон қўзғолонидан кейин метрополиядан кўчириб келтирилаётган аҳолининг ижтимоий таркибига эътиборни оширган империя раҳбарияти 1916 йилги қўзғолондан кейин аҳолини кўчириш сиёсатида Туркистон туб халқларининг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини умуман инобатга олмасдан, иқтисодий, ижтимоий ва миллий зуғумни кучайтирди. Лекин энди ўлкада янгича фикрловчи, халқпарвар, миллатпарвар ва тараққиёт истиқболларини чуқур англаган кўп сонли зиёлилар мавжуд эди. Бу эса туб аҳолининг мустамлакачиликка қарши, истиқлол учун кураш тажрибаси анча бойиганлиги билан бирга Туркистонда, жумладан, Фарғона водийсида истибдодга қарши кураш ўта қизгин ва давомли кечишида муҳим омил бўлди.

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 15-(орқа) varaқ.

2.2. Вилоятни Россиянинг хом ашё базасига айлантириш амалиёти ва деҳқонлар аҳволининг оғирлашиши

Туркистон ва Марказий Осиёдаги кўпгина бошқа ҳудудларнинг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва мустамлака сиёсатининг юритилиши бир қанча омиллар ҳамда сабаблар билан белгиланганлиги маълум. Профессор Н.А.Абдурахимова «Россия билан Англиянинг Ўрта Осиёда таъсир кучига эга бўлиш учун кескин рақобатлашуви ҳам муҳим аҳамият касб этгани»ни таъкидлаган эди¹. Шу билан бирга, Россиянинг ташқи сиёсати ва ҳарбий ҳаракатлари XIX асрнинг бошларида, айниқса, 1812 йилги Ватан урушидан сўнг тобора тажовузкорона тус олганини кўрсатувчи далиллар ҳам бир талай. Кавказда, Қўқон хонлигига қарашли Сирдарёнинг қуйи оқимида туташ ҳудудларда ҳарбий истеҳкомлар барпо этиш ҳамда Марказий Осиёда ҳарбий ва иқтисодий жосуслик юритиш ишлари авж олдирилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Россиянинг ҳукмрон доиралари мамлакатда ривожланаётган капиталистик иқтисодиётнинг эҳтиёжларини Европадаги вазиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда қулай ва унумли таъминлашни бош вазифалардан бири ҳисоблашди. Шу муносабат билан ўзининг узоққа мўлжалланган стратегик мақсадларидан воз кечмаган ҳолда империя ҳукумати, биринчи навбатда, метрополия саноатини қишлоқ хўжалик хом ашёси ва бошқа маҳсулотлар билан янги мустамлака ҳисобидан таъминлаш амалиётини кенг авж олдириди.

Бу борада ўлкадаги ҳокимиятга рус қўшинлари ва ярим ҳарбий казаклар билан бирга яна бир таянч барпо қилиш учун насроний аҳолини кўчириб, имтиёзли шароитлар яратиш ва жойлаштириш сиёсати ўтказилди.

¹ Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.7.

Россия империяси, мустамлакачи идоралар Туркистондаги иқтисодий сиёсатни ва у билан боғлиқ барча чораларни, биринчи навбатда, пахтачиликни ривожлантиришга қаратишди. Россиянинг йирик саноатчилари бундан жуда манфаатдор бўлгани учун маблағлар ҳам, ташкилотчилар ҳам топилиши аниқ эди. Метрополиянинг арзон ва нисбатан яқин пахтачилик базасига эга бўлиши Россияда тўқимачилик саноатининг ривожланишига, Америкадан пахтани ташиб келтиришда сарф бўладиган молиявий харажатларни камайтиришга хизмат қилиши тайин эди. Шу омилларни назарда тутган ҳолда К.П.Кауфман бошчилигида 1873 йили ишлаб чиқилган ер ҳақидаги Низомда фақат қонуний ҳужжатлари бўлган кишиларгина ўзларига тегишли ерларни хусусий мулк қилиб олишлари кўзда тутилди. Лойиҳанинг 313-бўлимида истиқомат қилаётган ерларида доимий яшаш ҳуқуқи янги бинолар қурилишига, янги рус қишлоқлари учун ариқлар очишга зарур бўлган ҳолларда бекор қилиниши белгилаб қўйилди¹. Бу вақтда маҳаллий аҳолининг асосий қисмида бундай ҳужжатлар йўқ бўлиб, уларнинг борлигини тасдиқлаш мустамлакачи маъмурларнинг ихтиёрида эди, бу ҳол эса ерларни осонлик билан тортиб олишга имкон берар эди². Айни пайтда, 1892 йилдаги қурғоқчилик, 1905 йилдаги ғалаёнлардан сўнг Россиянинг Европа қисмидан Ўрта Осиёга кўчиб келувчилар сони ортиб борди, ҳатто рус деҳқонлари ўртасида ҳам ўзига тўқ, ўртаҳол деҳқонлар пайдо бўла бошлади³. Масалан, биргина Қўқон шаҳрини кенгайтириш баҳонаси билан маҳаллий аҳолидан 100000 саржин ер тортиб олинган. Янги Марғи-

¹ Абдурахимова Н. А. Становление и особенности экономической политики России в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв // Историческое пространство. Проблемы истории стран СНГ. – М.: Наука, 2008. №1-4. – С.63.

² Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: IQTISOD – MOLIYA, 2008. – Б.9.

³ Пясковский А.В. Революция 1905-1907 годов в Туркестане. – М.: АН СССР, 1958. – С.33.

лон (Фарғона) шаҳрини қуриш учун деҳқонлардан бир неча минг десятина тортиб олинган¹. Оқибатда, ўлканинг туб аҳолисидан ерларнинг аксарият қисми маъмурий чоралар билан тортиб олинди, давлат (ғазна) мулкига айлантирилди. XIX асрнинг 70–80-йилларида ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг фойдаланишида бўлган яйловларнинг бир қисми ҳокимият томонидан мусодара қилинди ҳамда кўчиб келаётган рус аҳолиси томонидан ўзлаштирилиб олинди.

Фарғона водийси босиб олинганидан кейин Россия империяси ўлкада пахтачиликни юксалтириш амалиётига бир қанча ўзгартиришларни киритди. Хусусан, 1864–1878 йилларда Россия империясининг таркибий қисми ҳисобланган Туркистондан келтирилаётган пахта толасига бож тўловлари жорий этилмаган эди. 1879 йилда бундай тўловлар расмийлаштирилди ва 1886 йилгача пахтанинг бир пуди учун 40–45 тийин бож тўлови олинган бўлса, 1887 йилда бундай тўлов 1 рубль 15 тийинга етди, 1903 йилда эса 4 рублгача кўтарилди².

Бундай чоралар ва Туркистонда етиштирилган пахтанинг адолатсиз паст нархларда харид қилиниши Россия тўқимачилик саноатини анча арзон хом ашё билан таъминлаш имкониятини берар эди. Бунинг оқибатида Туркистоннинг бошқа вилоятларига қараганда Фарғона вилоятининг туб аҳолисига жуда кўп қийинчиликлар туғилиши аниқ эди, чунки айти шу вилоятда пахта, пилла етиштиришнинг кўпайтириш истиқболи кенгроқ бўлган.

Ушбу мақсадга эришишда мустамлакачи ҳокимият рус сармоядорларини жалб этишга ҳаракат қилган, ўз навбатида, улар ҳам Туркистонда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик хом ашёсини харид қилиш, қайта ишлашдан манфаатдор эдилар.

¹ Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: IQTISOD – MOLIYA, 2008. – Б.9.

² Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. – С. 126.

Асосий гап Россиянинг ўлкада ҳукмрон бўлганидагина эмас, балки Туркистон пахтасига эга бўлиш орқали камроқ харажат қилиб, кўпроқ даромад олинишида эди. Америка пахтасининг 1 пуди 6 рубль турар эди, Туркистон пахтасининг 1 пуди 3,5 рублдан 5 рублгача бўлган¹. Оқибатда, суғориладиган ерлардан бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, биринчи навбатда, донли экинлар сиқиб чиқарила бошланди. Бу ҳолат Фарғона вилоятида қуйидагича бўлди:

2-жадвал²

Фарғона вилоятида экилган қишлоқ хўжалик экинлари

Т/р	Қишлоқ хўжалик экинлари	1885 й. фоиз хисобида	1905 й. фоиз хисобида	1915 й. фоиз хисобида
	пахта	14	17	44
	дон	26	47	27
	жўхори	22	16	11
	шоли	16	8	7
	беда	15	8	8
	ва бошқалар	7	4	3

Туркистондаги ер-сув муносабатларини мустамлакачилик режаларига кўра ўзгартиришда йўл қўйилган зўравонлик, жиддий хатолар оқибатида бир қанча йиллар мобайнида деҳқончилик инқироз ҳолатида бўлган. Россия империясининг расмий маълумотларига кўра, Туркистонда, айниқса, Фарғона вилоятида пахта етиштириш ҳажми анча камайиб кетди. Масалан, 1878 йилда бу вилоятда барча суғориладиган ерларнинг 10 фоизини пахта экинлари ташкил этган, бироқ пахтачилик деҳқончилик берган соф фойданинг 5-7 фоизини берган. XIX асрнинг 70-йиллари бошларида Фарғона водийсидан Россияга 300 минг пуд пахта толаси олиб кетилган бўлса, 80-йилларнинг бошларида бу кўрсаткич де-

¹ ЎзР МДА. И - 1-4-фонд, 28-рўйхат, 21-варақ.

² Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: IQTISOD – MOLIYA, 2008. – Б. 22.

ярли 20 минг пудга тенг бўлди, яъни 15 баробар камайди¹. Пахтага эътиборнинг ортиб бориши натижасида эса кейинчалик Туркистон вилоятида териб олинган пахтанинг 60 фоизи Фарғона вилоятида етиштирилди².

Аҳволни яхшилаш ва ўлкада пахтачиликни, пиллачиликни ўз қўлига олиш учун Россия капиталистлари, савдогарлари бу ерда банклар, фирмалар, бирлашмалар ташкил этишга, пахтани тозалаш, ёғ-мой заводларини қуришга киришишди. Улар билан бирга бу жараёнда ака-ука Вадьяевлар, Ю. Давидов, Е. Симхаев, Р. Потеляхов ва камчиликни ташкил этувчи маҳаллий тадбиркорлар ҳам қатнашди. Давлатдан ва туб аҳолидан пахтачиликка қулай ҳамда суғоришга яроқли ерларни сотиб олиш XIX асрнинг 80–90-йилларида авж олди. Кейинроқ 1903–1910 йилларда Туркистоннинг туб аҳолисидан «ортиқча» ерларни тортиб олиш чоралари ўтказилди ва бу ерлар ҳам кўчиб келаётган насроний аҳолига бўлиб берилди ҳамда қишлоқ хўжалигига дахлдор россиялик сармоядорларга сотилди. Ўлкада айна пахтачилик, пиллачилик билан шуғулланган ва жуда катта ер эгаларига айланган «Ака-ука Кудринлар ва К°», «Катта Ярославл мануфактураси», Андреев фирмаси, «Беш Бош» фирмаси, Владимир Алексеевнинг корхонаси фаол ишлашган³.

Бу тижорат фирмалари, бирлашмалари билан Россиянинг Полтава, Самара, Нижегород, Москвадаги банклари ҳамкорлик қилган ва ўлкада қишлоқ хўжалик хом ашёсини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, метрополияда қайта ишлаб, Туркистонга тайёр маҳсулот сифатида келтириш масалаларига катта эътибор беришган. Банкларнинг ўзи ҳам маҳаллий деҳқонларга фоизли қарз бериш ва қарзни ўз муддатида

¹ Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – С.28.

² Мусаев Н. XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент: IQTISOD – MOLIYA, 2008. – Б. 22.

³ История Узбекской ССР. Т. II. – С. 58; Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. – С.28.

қайтармаганларнинг ерини гаров ҳисобига олиб, тадбир-корларга сотиш йўли билан бойлигини орттирар эди.

Бундай услубларни Давлат банкининг бўлинмалари ҳам кенг қўллаган. Улар хусусий банкларга, пахтачилик фирмаларига йилига 5,5 фоиз устама шарти билан кредит беришар эди¹. Ўз навбатида, хусусий банклар устама ҳақини 12 фоизга кўтариб, турли фирмаларга, уюшмаларга, пахтани улгуржи олиб-сотиш билан шуғулланадиган тижорат ташкилотларига кредит берган. Айни шулар деҳқонлар билан мулоқотда бўлишган ҳамда вазиятга, мавсумга қараб ва деҳқонлар пулга қанчалик муҳтож эканлигини ҳисобга олиб, уларга 40-60 фоизли, аксарият ҳолларда эса ҳатто 100-150 фоизли устама билан қарзга маблағ беришган². Бўлажак пахта ҳосилини гаровга олиб, деҳқонларга қарз бериш ҳам кенг тарқалган эди. Қийин аҳволдаги деҳқон чигит экиш олдидан ёки ғўзани парваришлаш пайтида хусусий банклардан, тижорат, савдо-сотиқ фирмаларидан бўлажак пахта-нинг ҳар бир пуди ҳисобидан 1-1,5 рубль олар эди. Фарғона вилоятида шундай шартлар асосида деҳқонлар олган қарзлар ҳар йил 32-35 млн. рублни ташкил этган³. Бундай шартларни бажара олмай, етиштирган пахта ҳосилидан маҳрум бўлган ва оиласи билан қашшоқликка ботган деҳқонлар йил сайин кўпайиб борган ҳамда мардикорлар қаторини тўлдирган.

Туркистоннинг деярли барча пахтачилик ривожланган минтақаларида, айниқса, Фарғона водийсида судхўрлар, гистачилар, бойлар ташаббуси билан деҳқонларга зарур озиқ-овқат маҳсулотларини, матоларни, пойабзалларни бўлажак пахта ҳосилининг ҳисобига харид нархларидан юқори баҳоларда сотиш жорий қилинди. Судхўрлар, бой-

¹ Кривошеин А.В. Записки главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – Полтава, 1912. – С.18.

² Касымбеков К.Ф. Из истории народных движений в Фергане в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: Фан, 1978. – С.23.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхати, 320-иш, 1-2-варақлар.

лар муҳтожликка тушиб қолган деҳқонларга қарз сифатида аслида арзон молларни улгуржи нархларда баҳолаб, бўлажак пахта ҳосилининг ҳисобига сотишар эди. Ҳосил йиғимтеримини кутиб турган солиқ йиғувчилар, судхўрлар уни бўлиб олишганидан кейин деҳқонлар кўпинча ҳокимият ёки бойлар, судхўрларга яна қарздор бўлиб қолишар эди.

Бундай вазиятдан айрим маҳаллий бойлар усталик билан фойдаланишган: газнадан суғориладиган 5-10 десятина ерни ижарага олиб, ўзлари унда ҳеч қандай меҳнат қилмасдан, бир нечта бўлақларга бўлиб, ерсиз ёки ери кам деҳқонларга чоракорлик шартлари билан берган.

Бундай амалиёт ўлканинг ҳамма пахтачилик ҳудудларида кузатилган, лекин Фарғона вилоятида жуда кенг қўлланилган ва бирламчи ижарачиларга катта даромад келтирган. Асосий оғирлик ерни улардан ижарага олган чоракорларнинг елкасига тушган. Масалан, XIX асрнинг охирида Фарғона вилоятида 10 десятинадан ортиқ ерга эга бўлган хўжаликлар (шу жумладан насронийларнинг хўжаликлари) 2,4 фоизни ташкил этган, лекин уларнинг ихтиёрида суғориладиган ерларнинг 41,9% бўлган¹. Маҳаллий ва айниқса, насроний ер эгалари пахта етиштириш шarti билан ижарачига ёки чоракорларга ер беришар эди, бироқ суғориладиган ерларда ўта оддий меҳнат қуроллари (ёғоч омон, кетмон) қўлланилган, етиштирилган маҳсулот даллолар, чайқовчилар воситачилигида сотилгани сабабли ҳақиқий меҳнаткаш деярли ҳеч нарсага эга бўлолмас эди. Архив ҳужжатларининг бирида қуйидаги ҳолат акс эттирилган: «Марғилон уездининг турғуни Назархўжа Саид Сўфиев 1896 йилда мазкур тилхатни бердики, у Сўфихўжа Хўжаевдан 20 тиллани қарзга олди ва 10 ойдан кейин қайтариш мажбуриятини қабул қилди. Агар қарз қайтарилмаса, чегараси белгиланган ерини Хўжаевга беради. Тилхатни Марғилон уездининг Саидободлик оқсоқоли тасдиқлаган ва муҳрлаган»².

¹ История Узбекской ССР. Т.1. Кн. вторая. – Ташкент: 1956. – С.222.

² ЎЗР МДА. И - 723-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 879-варақ.

Рус тилида нашр қилинган «Туркистон қишлоқ хўжалиги» жаридасида «Пахтачилик Туркистонда банклар, йирик улгуржи савдогарлар ва, айниқса, маҳаллий воситачилар учун даромад манбаига айланган. Қишлоқ хўжалигининг ўзига бу сердаромад экин келтираётган барча фойдадан шунча оз қисми қоладики, пахтани олиб сотувчилар фойдасига бошқа экинларга «қўшимча нисбий» солиқ жорий этилмаганда, пахтани етиштириш аллақачон тўхтатилар эди», – деган хулоса келтирилган¹.

Е.Федоров ҳам ўзининг асарида Андижон уездидаги Ойимқишлоқ волостида Эргашбой исмли судхўр сифатсиз молларни жуда арзон нархларда олиб, мавсумда деҳқонларга икки - уч баробар қиммат нархларда бўлажак пахта ҳосили гаровига қарзга сотганини қайд этган².

Фарғона вилояти бошқармасининг маълумотлари бўйича, биргина Наманган уездида деҳқонларга майда кредит (50 рублгача) бериш учун ҳар йили 300 минг рубль талаб этилган, аммо шунча пул топишнинг иложи бўлмаган³. Бундан фойдаланган судхўрлар, бошқа сармоядорлар деҳқонларга қарзга пул ёки турли молларни бериб, кузда улардан пахтанинг ҳар бир пудини 1-1 рубль 30 тийиндан баҳолаб олиб, кейин саноатчиларга 2 рубль 30 тийин - 2 рубль 70 тийиндан сотишган⁴.

Пахтачиликни ривожлантириш тобора муҳим аҳамият касб этаётгани Туркистондаги рус қишлоқ аҳолисини ҳам бу вазифани бажаришга жалб этишга ундаган, чунки суғориладиган ерларнинг каттагина қисми хусусий мулк сифатида уларнинг ихтиёрига берилаётган эди. Лекин туб қишлоқ аҳолисидан фарқли ўлароқ, рус аҳолисига бу борада солиқлар эмас, балки бир қатор имтиёзлар қўлланган: улар ери-

¹ Туркестанское сельское хозяйство. – Ташкент: 1911. № 5. – С. 181.

² Федоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. – Ташкент: Узгосиздат, 1925. – С. 11.

³ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 11-рўйхат, 1152-иш, 12-13-варақлар.

⁴ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 11-рўйхат, 1152-иш, 47-варақ.

нинг барча қисмида пахта етиштиришга мажбур этилмас ва ер солиғидан озод қилинар эди, шунингдек, уларнинг судхўрларга, чайқовчиларга мурожаат қилишга ҳожати бўлмаган. Шунинг назарда тутган ҳолда ўлка бошқарув идоралари рус аҳолиси яшовчи посёлкаларга йил сайин пахта экинларига ажратиладиган ер майдони ҳажмини қисқартиришга киришди. Масалан, 1885 йилда Марғилон уездида бундай ер майдони атиги 94 десятинани ташкил этган эди¹.

Натижада, туб қишлоқ аҳолиси орасида чоракорларнинг, ерсизларнинг сони жуда камайиб кетган эди. Вазият тобора оғирлашиб бораётганини Россиянинг ҳукмрон доиралари яхши билган, лекин муаммоларни адолатли ҳал қилишни истамагани учун ўлкада мустамлакачилик сиёсатини кучайтиришга эътибор беришди. Буни қуйидаги ҳужжатнинг мазмунидан ҳам кўриш мумкин. 1909 йил 8 июнда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал - майор Сусанин тасдиқлаган Фарғона вилояти бошқармаси умумий мажлисининг протоколида Туркистон генерал - губернатори маҳкамаси томонидан 1908 йил 1 декабрда юборилган ёзма топшириғи муҳокама қилингани қайд этилиб, унинг матни келтирилган. Ҳужжатда ёзилишича, «ўтроқ туб қишлоқ аҳолисининг орасида йилдан-йилга кам ерлик ва мутлақо ерсизлик юзасидан шикоятлар тобора кўпаймоқда. Буни расмий манбалар ҳам тасдиқламоқда. Масалан, ер-солиқ комиссарларининг ахборотига кўра, Фарғона вилоятининг бир қатор ҳудудларида маҳаллий аҳоли яшайдиган қишлоқларда ерсизлар салмоғи 50 % етмоқда... Ўлканинг бошлиғи туб аҳолига мансуб ерсиз деҳқонларнинг аниқ сонини ўрганишни ва ўтроқ маҳаллий аҳолини яқинлашиб келаётган ер танқислигидан қутқариш бўйича қўлланиши зарур бўлган чораларни кўриб чиқишни буюрди... Уезд бошлиқлари тақдим қилган маълумотларга кўра, Фарғона вилоятида вазият қуйидагича бўлган»²:

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 2-руйхат, 594-иш, 1-варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 2-руйхат, 434-иш, 22-варақ.

**Фарғона вилояти бўйича деҳқон хўжаликлари сони
Кам ер эгалари**

Уездлар- нинг номи	Кам ер эгалари		
	Ерсиз оилаларнинг сони (қўзғалмас мулки йўқлар)	Фақат томорқаларга эгалар	Фақат ер участкаларига ёки бир десятинадан кам ерга эгалар
Андижон	9940	маълумот йўқ, лекин уезд бошлигининг ахбороти бўйича кам ерга эга бўлганларнинг сони ерсизлардан кўпроқ	
Уш	638	3887	5092
Кўкон	793	4311	3
Наманган	7370	-	-
Марғилон	10359	3604	-
Жами:	29100	17097	

Ерсиз оилаларнинг сони камайтирилганини ва бир десятинадан кам ерга эга бўлган оилалар сони сунъий тарзда оширилганини ҳисобга олганда ҳам деҳқонларнинг моддий аҳволи ниҳоятда оғирлашганлигини қайд қилиш мумкин. Юқорида келтирилган рақамларни уезд бошлиқлари атайлаб сохталаштирганини пайқаш мумкин, чунки улар ерсиз ва кам ерга эга деҳқонлар қанча эканлигини кўрсатмайди. Бундан ташқари, туб қишлоқ хонадонлари, одатда, 2-3 оиладан иборат бўлган. Бу солиқларни, тўловларни жорий қилишда ҳисобга олинар, лекин ер билан таъминлашда ёддан чиқаришар, бир ҳовлида яшовчи оилалар битта катта оила деб ҳисобланар эди. Шундай бўлса ҳам катта оилада камида 4 эркак бўлганидан келиб чиқсак, Фарғона вилоятида 1909 йилда 120 мингдан ортиқ оила ерсиз ва деярли 50 минг оила фақат томорқа эгалари бўлган дейиш мумкин.

Аслида бу рақамлар анча кўпроқ бўлгани шубҳасиз, чунки қайд этилаётган ҳужжатда ерсиз ва кам ерга эга деҳқонлар қандай тирикчилик қилаётганига қараб икки гуруҳга бўлинган:

1) чоракорлик, бойларда хизматчи сифатида, ерни ижарага олиш ва ҳ.к;

2) ҳунармандчилик, савдо, чорвачилик, мардикорлик, аравакашлик.

Уездларда бу гуруҳларга мансуб оилаларнинг сони қуйидагича бўлган: Андижон уездида биринчи гуруҳни – 8660; иккинчи гуруҳни – 1280; Қўқон уездида тегишли равишда – 2986 ва 2321; Наманган уездида – 3685 ва 3685; Марғилон уездида 9000 оила, жами эса 24931 оилани ташкил этган. Бу уездда иккинчи гуруҳга мансубларнинг сони аниқланмаган¹. Ҷўш уездида ерсиз деҳқонлар ва шаҳарлик камбағаллар бирга ҳисобга олинганда туб аҳолининг гўёки 14 фоизини ташкил этади, деб кўрсатилган².

Лекин Фарғона вилояти бошқаруви туб қишлоқ аҳолисининг аҳволи оғирлашаётганини тан олса-да, ерга ишлов бериш ва деҳқончилик билан машғул бўлган атиги 24900 дан кўпроқ оилага ёрдам кўрсатиш лозимлигини уқтирди³. Ҷўш уездида лалми ерларда деҳқончилик ривожлантирилса, ерсизлик муаммоси ҳал қилинади. Бунинг учун иқлим шароитлари қулай. Қолган 4 уездда ғазнага қарашли бўш ва фойдаланилмаётган ерларни (масалан, Марғилон уездида Ёзёвон чўли) суғориш орқали нафақат ҳозирги эҳтиёжларни қондириш, балки келажак учун ер захирасини яратиш ҳам мумкин, чунки Фарғонада муҳтож бўлмай ҳаёт кечириш учун маҳаллий оилага (жон бошига) 1,5-2 десятина ер етарли, деб хулоса қилинади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, кўчириб келтирилган аҳолига жон бошига 7-10 десятинадан ер берилган. Бу ҳужжатга ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси генерал-майор Гиппиус, маслаҳатчилари Васильев, Тейх имзо чекишган⁴.

Туркистон ўлкасини тафтиш қилган К.К.Паленнинг 1912 йилда чоп этилган ҳисоботида келтирилишича, биргина Марғилон уездида ерсизлик ва юқори солиқлар оқибатида қашшоқлашган туб миллатли қишлоқ аҳолисининг 62,3 фо-

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 2-рўйхат, 434-иш, 23-варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 2-рўйхат, 434-иш, 25-варақ.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 2-рўйхат, 434-иш, 26-варақ.

⁴ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 2-рўйхат, 434-иш, 25-(орқа) - 26 варақлар.

изини чоракорлар, 25,9 фоизини мардикорлар ташкил этган¹.

Туркистонни, жумладан, Фарғона водийсини Россиянинг хом ашё базасига ва тайёр маҳсулотларни сотиш бозорига айлантириш борасида Россия ва Фарбий Европа мамлакатлари тадбиркорларининг иштирокига катта аҳамият берилган. Пахтани тозалаш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, такомиллаштириш, биринчи навбатда, пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш, янги, юқори ҳосилли пахта навларини, жумладан, Америка навларини жорий қилиш билан боғлиқ бўлди. Шу мақсадда пахтанинг харид нархи бир неча бор оширилди, XIX асрнинг 70-йиллари охирида К.П.Кауфманнинг топшириғига биноан пахтачилик агротехикасини ўрганиш ва сара навларини олиб келиш учун АҚШнинг Техас штатига икки йиллик сафарга Бродский ва Самолевский юборилди. Тошкент яқинида Америка ва Миср пахта навларини синовдан ўтказиш учун махсус ташкил этилган пахта майдони 1884–1890 йилларда 300 десятинадан 58 минг 859 десятинача кенгайтирилди². 1889 йилдаёқ пахтанинг Америка навлари ўлкада юқори ҳосилдорлиги билан етакчи мавқега эга бўлди ва умумий пахта экинларининг ярмини ташкил этди. 1888–1913 йилларда Америка пахта навларини экиш майдони Фарғона вилоятида 34,7 минг десятинадан 274,9 минг десятинача, яъни 7 баробар оширилди³.

Россия империяси томонидан ўлкада ер-сув муносабатларининг мустамлакачилик тарзида ўзгартирилиши, солиқлар ҳажми ва турларининг кўпайтирилиши билан бирга, пахта етиштиришни оширишга қаратилган сиёсат ҳам нафақат деҳқонларга, балки бутун маҳаллий аҳолига ўта салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Метрополиянинг сиёсий доиралари ва капиталистлари Туркистонда пахтачилик учун

¹ Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства Туркестана. СПб., 1909. – С.116.

² Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. – М.: 1991. – С.27.

³ Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 29.

қулай ерларга сув келтириш бўйича зарур харажатлардан қочиб, маҳаллий аҳоли ерларини мусодара қилиш билан бирга, ўлкада анъанавий бўлиб қолган озиқ-овқат экинларидан шоли, оқ жўхори ва мошнинг экин майдонини қисқартириб, уларнинг ўрнига пахта экишни жорий этди. Масалан, Фарғона вилоятида бошоқли экинларнинг ўрнига пахта экиладиган майдонлар 1885 йилда 14 фоизга, 1915 йилда 44 фоизга ошди¹. Натижада, ўлкадаги суғориладиган ерларнинг 20 фоизидан ортиқроғини пахта экинлари эгаллаган эди. XIX асрнинг охирида Фарғона вилоятида бундай кўрсаткич 50–90 фоизга етди².

Пахта ва пилла етиштириш кўпайгани сари уларни бирламчи қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар ҳам кўпайиб борди. Қишлоқ хўжалик хом ашёсини ҳамда бошқа маҳсулотларни Россияга етказиш мақсадида, биринчи навбатда, ҳарбий манфаатларни кўзлаб (айниқса, Андижон қўзғолонидан кейин), Фарғона водийсига 1900–1912 йилларда темир йўл ўтказилди (Ўш ва Жалолободгача). Бироқ Фарғона вилоятига бундан анча олдинроқ метрополиядан дон, газлама, темир буюмлари келтириш кўпайиши муносабати билан озиқ-овқатларнинг чакана нархлари ҳамда пахта солиғи тобора ошиб борганини қайд этиш лозим. Бу борада пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнатни буғдой етиштириш учун сарфланадиган меҳнат билан солиштириш ўртада катта фарқ борлигини яққол тасдиқласа-да, Россиядан келтириладиган буғдойнинг 1 пуди пахтанинг нархидан 1,5–2 рублгагина арзонроқ бўлган³. Деҳқонларнинг хўжаликлари инқирозли аҳволга тушаётганини билган ҳолда мустамлакачи бошқарув идоралари, россиялик тадбиркорлар ва империя банклари Туркистонда озиқ-овқат ва бошқа

¹ Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Ташкент: Фан, 1973. – С.30.

² Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. – С.131.

³ Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Ташкент: Фан, 1973. – С.30.

анъанавий экинлар майдонини қисқартириш ҳисобига пахтачилик учун кўпроқ ер ажратишга интилишган. Дарҳақиқат, XIX асрнинг охирида бошоқли экинлар 803206 десятиანი эгаллаган бўлса, 1916 йилга келиб уларнинг майдони 378090 десятианага тенг бўлган¹. Жумладан, Фарғона водийсида пахтачилик майдони 60 фоизга ортди.

Натижада, пахтачилик эгаллаган ерларнинг майдони 1860 йилларнинг охиридаги салкам 170 минг десятианадан 1916 йилда 680811 десятианага кўпайди. Россиянинг протекторати остида бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида пахтачилик шу йилда 146 минг десятиანი эгаллаган эди². Табиийки, ўлкада етиштирилаётган ва Россияга ташиб кетилган пахтанинг ҳажми ҳам 28 баробар ошди ва 20 млн. пудни ташкил қилди³. 1869 йилда Россиянинг пахта толасига эҳтиёжини Марказий Осиёдан олиб кетилган пахта қарийб 7 фоизини қоплаган бўлса, 1915 йилда бу кўрсаткич 80 фоизни ташкил этди⁴. Шу туфайли Россия пахта масаласида анча мустақил бўлиб қолди. Бундай ҳолатнинг деҳқон учун энг оғир оқибати – кам ер эгаларининг ва еридан маҳрум бўлганларнинг сони ниҳоятда кўпайганлиги бўлди. Фарғона водийсида бу жараён XIX асрнинг 80-йилларида бошланган бўлса-да, Туркистон генерал-губернаторининг девони деҳқонларнинг аҳволига эътибор бериб, 1908 йил 1 декабрда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига йўллаган хатида қуйидагиларни ёзган: «Ўлка бош бошқармасига келлаётган маълумотларга кўра, Туркистон ўтроқ қишлоқ туб (матнда – «туземного» дейилган) аҳолиси йилдан-йилга ерсизликдан тобора қаттиқроқ норози бўлмоқда. Буни рас-

¹ Авазова К.Ш. Развитие банков и фирм в Туркестане во второй половине XIX – начале XX вв. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1997. – С.13.

² Демидов А.П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. – М.: 1926. – С.43.

³ Ўша асар.

⁴ Бюллетень Центрального хлопкового комитета за 1915 год. – М.: 1916. – С. 257.

мий манбалар ҳам тасдиқламоқда. Ер-солиқ комиссарлари Фарғона вилоятининг айрим ҳудудларидаги қишлоқларда ерсизларнинг салмоғи аҳолининг 50 фоизигача етганини билдиришмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ер танқислигининг оқибатини бартараф қилиш йўлини топиш зарурлигини тан олган ҳолда, ўлканинг бош бошлиғи сизга топширилган вилоятнинг қишлоқларида ерсиз деҳқонларнинг сонини жуда ҳаққоний аниқлаш ва кўрилиши лозим бўлган чоралар юзасидан таклифлар билдириш ҳақида топшириқ беради»¹. Шу топшириқни бажариш мобайнида биргина Андижон уездининг волостларида ерсиз деҳқон оилаларнинг сони қуйидагича бўлгани аниқланди: Балиқчи – 474 оила; Ҳакан – 606; Олтинкўл – 317; Ёрбоши – 513; Избоскан – 400; Ҳаққулбод – 783; Норин – 312; Бозорқўрғон – 111; Қўқон қишлоқ – 1387; Мойгир – 93; Наукант – 214; Чўнкент – 59; Кугарт – 69; Ясса – 372; Ўзган – 1176; Жалолобод – 989; Қўрғонтепа – 560; Ойим – 717; Қорасув – 575; Жалақудуқ – 213 оила. Фарғона вилояти бўйича 29100 ерсиз деҳқон оиласи бўлган². XX аср бошларида туб қишлоқ оиласи 8–10 аъзодан иборат бўлгани ҳисобга олинса, фақатгина мазкур уездда қанча одам қашшоқ бўлиб қолганини англаш қийин эмас.

Мустамлакачилик ҳукмронлиги ўрнатилган биринчи йиллариданоқ Россия савдогарлари, саноатчилари Туркистонда кўп миқдорда пилла етиштирилаётганлигидан буюк давлатчилик руҳида фойдаланиб, метрополия учун мутлақо янги бўлган шойи саноатини ривожлантиришга ҳаракат қилишди. Бу борада уларнинг эътиборлари, биринчи навбатда, Фарғона водийсига қаратилган эди. Гап шундаки, Хўжанд ва унинг атрофидаги водийга қарашли ҳудудларни ҳисобга олмаганда ҳам, Фарғона вилоятининг ўзида Туркистон пилласининг 80 фоизи етиштирилар эди. Бу машаққатли иш билан 1902 йилда ипакчилик ҳудудларидаги деҳқонларнинг 253650 хонадондан 91617 таси шуғулланишган, жумладан,

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 434-иш, 1варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 434-иш, 21-22-варақлар.

81764 хонадон қишлоқларда, 9853 хонадон эса шаҳарларда жойлашган эди.¹

Туркистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилган мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўлкада пахтачилик якка-ҳокимлигини ўрнатиш озиқ-овқат муаммосини кескинлаштиришга ва деҳқонлар ҳамда маҳаллий чорвадорларнинг аҳволини оғирлаштиришга олиб келди. Масалан, Фарғона вилояти бошқарувининг 1909 йилги ҳисоботида «маҳаллий чорвачиликнинг ҳолати пахтачилик майдони ўсиши муносабати билан ёмонлашмоқда. Фарғона ҳар йили қарийб 150000 бош чорвани қўшни вилоятлардан, асосан, Етгисувдан олади...»² деб ёзилган.

Бундай шароитда нафақат деҳқонларнинг, балки шаҳарлик туб аҳолининг ҳам моддий аҳволи ёмонлашиб бориши муқаррар эди. Туркистон полиция департаменти ўша кезларида Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган маълумотномаларидан бирида айтилишича, «жосуслик йўли билан аниқланган ва департаментда мавжуд бўлган ахборотлардан кўриниб турибдики, Фарғона вилоятининг туб сарт аҳолиси ҳозир шундай кучли ғазабланган ҳолатдаки, бу ғазаб ҳатто очиқ қўзғолонга айланиши мумкин»³.

Россиянинг Фарғона вилоятини хом ашё базасига айлантириш тажрибаси ва унинг деҳқонлар ижтимоий аҳволига таъсирини тадқиқ қилиш бир қатор хулосаларни билдиришга ундайди.

Биринчидан, Туркистон генерал-губернаторлиги тузилишидан ва Фарғона водийси забт этилишидан илгари ҳам Россия саноатини хом ашё билан таъминлаш Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларида савдо-сотиқни йўлга қўйиш туфайли амалга оширилган. Лекин пахта толаси, асосан, АҚШдан ва қисман Мисрдан келтирилар эди. Бу пахта Марка-

¹ Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Ташкент: Фан, 1973. – С.6.

² Отчет правления Ферганской области за 1909 год – Новый Маргелан, 1910. – С.72.

³ ЎзР МДА. И - 14-фонд, 1-рўйхат, 430-иш, 9-варақ.

зий Осиёникидан анча қимматроқ бўлиб, уни ташиб келтириш кўпгина шарт-шароитларга боғлиқ бўлар ва бунда хавфсизлик мутлақо кафолатланмаган эди. Бу ҳол Россия империяси ва унинг саноатчиларига Россиянинг Қрим урушида (1856 й.) қақшатқич мағлубиятга учраши ва Европада мавқеи ниҳоятда кескин тушиб кетиши даврида, айниқса, жиддий билинди. Шундай вазиятда Россия раҳбарияти ва ҳарбий доиралари Марказий Осиёни истило қилишни таклиф этди ва хом ашёга бой ҳамда империя маҳсулотларини сотиш учун жуда йирик бозорга эга минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Иккинчидан, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёсини етиштиришни кўпайтириш учун мустамлакачилик бошқарувини мустаҳкамлаш билан бирга, ер-сув муносабатларини метрополия манфаатларига мос ҳолда ўзгартириш иши амалга оширилди. Натижада, аввало, суғориладиган ерларнинг катта қисми ҳокимият тасарруфига ўтди, рус амалдорларининг, россиялик сармоядорларнинг, банкларнинг ва водийга кўчириб келтирилган рус деҳқонларининг хусусий мулкига айланди. Бу жараён оқибатида Фарғона вилоятида минг-минг маҳаллий деҳқонлар ерсиз қолди ва чоракорлик, мардикорлик қилишга, шаҳарлардаги корхоналарда энг оғир меҳнатга ёлланишга мажбур бўлишди.

Учинчидан, водийда суғориладиган зироатчилик, айниқса, пахтачилик ривожланишида сув манбаларининг, суғориш тармоқларнинг, сув иншоотларининг устидан хўжайинлик қилувчи мустамлака ҳокимият идоралари, албатта, биринчи навбатда, метрополияга зарур пахта майдонларини кенгайтиришга эътибор беришган. Бу эса қишлоқларда ва қишлоқлар ўртасида сувдан фойдаланиш борасида зиддиятлар кескинлашишига, ҳатто жиддий тўқнашувлар юзага келишига сабаб бўлган. Бундан ташқари деҳқонларнинг томорқа ерлари сувсиз қолиши туб қишлоқ ва, қисман, шаҳар аҳолисининг аҳволига ўта салбий таъсир қилган.

Тўртинчидан, метрополиянинг манфаатларидан келиб чиқилса-да, аввало, Фарғона вилоятида пахтанинг Америка навлари экилиши, уруғчиликнинг илмий асосда ташкил

этилиши, минерал ўғитлардан фойдаланиш йўлга қўйилиши ва пахтани тозалаш ҳамда ёғ-мой заводларида буғли прессларнинг пайдо бўлиши ижобий янгиликлар ҳисобланиши билан бирга, бу борадаги сиёсатнинг туб миллатли аҳоли учун номақбул жиҳатлари ҳам мавжуд эди. Пахтани етиштириш ҳажми кўпайган сари Россия ва қисман айрим чет эл мамлакатлари сармоядорлари, саноатчилари, йирик савдогарлари ўлкада қишлоқ хўжалик хом ашёсини етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва метрополияга етказиш жараёнларини бошқаришар эди. Бу борада улар билан маҳаллий йирик саноатчилар, савдогарлар, бир қанча бойлар ҳамкорлик қилишди. Деҳқонлар эса бўлажак ҳосилни гаровга қўйиб, маҳаллий судхўрлардан қарзга ботиб, воситачиларга қарам бўлиб қолаверди. Шунини ҳам қайд қилиш лозимки, деҳқонлар аҳволининг оғирлашиши пахта, пилла ва бошқа кўпгина маҳсулотларга нархнинг мустамлакачилар томонидан белгиланиши ҳамда метрополиядан келтириладиган тайёр буюмларнинг қиймати номуносив юқори бўлгани билан боғлиқ эди.

III БОБ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ МУСТАМЛАКАЧИЛИК АГРАР СИЁСАТИГА ҚАРШИ КУРАШ

3.1. Андижон ва Ўш уездларида деҳқонларнинг ғалаёнлари

Фарғона водийсини анча вақт босиб олишга шошилмаган Россия империяси 1871–1875 йилларда Қўқонда содир бўлган қўзғолонларни бостириш баҳонаси билан ҳамда Худоёрхон ҳарбий мадад сўраганидан фойдаланиб, Қўқон хонлигини тугатди. Қўқон, Андижон, Ўш ва Наманган рус қўшинлари томонидан жиддий қийинчиликларсиз забт этилишини, биринчидан, Худоёрхон қўшинларини ва халқ оммасини истилочиларга қарши сафарбар этишга қодир бўлмагани билан, иккинчидан, Россия империяси водийни мустамлакага айлантиришни кўп йиллар орзу қилиб ва пухта тайёргарлик кўриб, ҳарбий ҳаракатлар муваффақиятини таъминлагани билан изоҳлаш мумкин.

Фарғона водийсининг туб аҳолиси гарчи мағлуб бўлсада, аммо мусулмон уламолар, зиёлилар иштирокида мустамлакачи ҳокимиятига, унинг буюк давлатчилик сиёсатиغا қаршилигини турли шаклларда намоёиш этди. Бу борада аҳоли, аввало, миллий анъаналарни, ижтимоий бошқарувни сақлаб қолишга, ёт таъсирдан ҳимоя қилишга интилганини қайд этиш зарур. Фарғона вилояти тузилганидан сўнг тез орада Андижон уездининг эл ичида ҳурматга сазовор бир гуруҳ кишилари К.П.Кауфманга ёзма илтимос билан мурожаат қилишган. Бу хатни рус тилига генерал-губернаторнинг таржимони Н.Ибрагимов таржима қилган. Ёзма илтимос ғоят хушомадли сўзлар билан бошланган: «Император, Оқ подшо ҳазрати олийларининг жасур ёрдамчисига, бизнинг қудратли бошлиғимизга, Туркистон генерал-губернаторига...»¹ Мурожаатда «Мы мужики Андижанского уезда....» сўзларидан кейин собиқ хон шариатга риоя қилмасдан халқни

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 1-варақ.

қийнагани оқибатида халқ ундан юз ўгирди ва императорнинг, оқ подшонинг ихтиёрига ўтди, дейилади. Лекин подшонинг қонуни бажарилмаётганлиги сабабли хон давридаги азоблар, зулмлар ҳозир жуда кучайди, шунинг учун оқ подшо қонунлари ўрнига шариатни ўз кучида қолдириши сўралади. Агар оқ подшо қонунларининг ўрнига шариат ҳукм сурса, унда биз оқ подшога итоаткор ва у зотдан миннатдор бўламиз, – дейилган мурожаатнинг охирида¹.

1876 йил 18 октябрда ёзилган мурожаат К.П.Кауфманга юборилган бўлса-да, шу куннинг ўзидаёқ Фарғона вилоятининг биринчи ҳарбий губернатори генерал-майор М.Д.Скобелевга етказилади. Мазкур мурожаатнинг матни юзасидан бу истилочи ўзининг қуйидаги мулоҳазаларини батафсил ёзади: «Ушбу илтимос ҳеч қандай эътиборга лойиқ эмас. Аввало унинг муаллифлари кўрсатилмаган, қолаверса, халқ рус ҳокимиятидан айнан қандай ҳаракат ва сиқувларни кўрмоқда. Эҳтимол, бу одамлар янги тузум билан ҳеч қачон муросага келмас ва ҳукумат улар ҳақида ғамхўрлик қилмаслиги даркордир! Лекин биргина хат фавқулодда муҳимки, бундай одамлар сони йил сайин кўпаймасдан, аксинча, камайиб борсин. Бунга эришиш мумкин – ҳокимият халққа қаттиққўл, лекин адолатли муносабатда бўлса, меҳнаткаш омма (биз ишни тўғри юрита олсак ва виждонан ёндаша билсак) вақт ўтиши билан ўз меҳнатининг самаралари хавфсизлигини рус ҳокимияти таъминлаётганини, албатта, қадрлайди. Бизнинг энг асосий кучимиз айти шундадир, бироқ халқ буни англашига вақт керак... Мазкур мурожаатнинг матни ва каминанинг фикрлари юзасидан барча уездларнинг бошлиқларига хабар етказилсин»². М.Д.Скобелев, шунингдек, Смирнов исмли ҳарбий зобитга «Орзуқулбекка ўхшаган маҳаллийчиларнинг хатти-ҳаракатлари махфий назорат қилиняптими ёки йўқми, аниқланг»³, деб буйруқ беради.

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 1-варақ.

² ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 1-1-(орқа) варақлар.

³ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 2-варақ.

Шуни қайд этиш лозимки, 1870 ва ундан кейинги йилларда шариат билан боғлиқ талаблар фақат Андижон қўзғолони муносабати билан мустамлакачилик идоралари олдига қўйилган эди. Лекин юқорида баён қилинган мурожаат орқали Андижон уездининг ва бутун Фарғона водийсининг мусулмон аҳолиси ўрнатилаётган бошқарув тизимига ва ўз миллати ҳаёти ёт йўналишда ўзгаришига қарши эканини кўрсатди. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори шариатнинг маҳаллий аҳоли орасидаги нуфузини яхши билгани ҳолда таълим ва суд соҳаларида ўзгартиришлар ўтказиб, диний масалаларга эса аралашмасликка даъват этган, лекин К.П.Кауфмандан кейинги даврда масжид ва мадрасалар фаолиятига, вақф мулкларига қўпол равишда аралашувлар оммавий тус олган эди.

Мустамлакачилар раҳбарияти Туркистоннинг барча минтақаларида туб аҳолининг ҳар қандай ғалаёнини бостиришга, сўнгра эса унинг сабаблари, ташкилотчилари, ташаббускорларини аниқлаб, синчиклаб тергов қилишга, рус аҳолиси ва ҳарбийлари тоифасига мансуб бўлмаган гумондорларни жазолашга жиддий аҳамият берган. Бироқ кўпгина ҳужжатли манбалар гувоҳлик беришича, туб аҳоли устидан ўрнатилиб, тобора кучайиб борган сиёсий ҳамда маъмурий назорат Фарғона водийсида бошқа минтақаларга қараганда анча қатъий бўлган. Ҳеч бир бошқа вилоятда ҳали қўлланмаган чора, яъни қишлоқ оқсоқолликлари бўйича «жамият ва давлат тартибига хавф солувчи ёлғон хабарлар, миш-мишлар тарқалишини кузатиш учун махсус одамларни сайлов йўли билан тайинлаш» Фарғона вилоятида 1876 йилнинг октябридан бошлаб амалга оширилди. Масалан, Уйлик оқсоқоллигида шундай кузатувни олиб бориш учун биринчилардан бўлиб Абдукарим оқсоқол Ибрагимхўжаев ва мулла Темирбой Зокирбоев, Олойлик оқсоқоллигида мулла Мирзаолим Абдуазимов ва мулла Содик Болтабоев, Қирлик оқсоқоллигида Усмонали Исроилбеков ва Абдулқосим Мухаммадқосимов, Боботаваккал оқсоқоллигида Мирза Мақ-

суд Муҳаммадраимов ва Холмирзахожи Холмуҳаммедовлар сайландилар¹.

Шундай бўлса-да, Фарғона вилоятида туб аҳоли кўп сонли ва мустамлакачилик тизимига қарши бўлгани нафақат ўлка маъмуриятини, балки Россия империясини ҳам хавотирга солар эди. Шунинг учун Петербург полиция департаменти мунтазам равишда Фарғонадаги вазият тўғрисида ахборот талаб қилар эди. Шундай ахборотларнинг бирида (1877 йил март ойида ҳарбий губернатор имзоси билан юборилган) айтилишича, «Фарғона вилоятидаги туб аҳоли ҳаёти тинч-осойишта. Департаментга етиб борган миш-мишларга Қугарт волостидан кўчиб келган руслар қирғизларнинг ҳазрати Аюб яқинидаги ерларидан бир қисмини тортиб олганлари сабаб уларнинг ўртасида юзага келган можаро асос бўлди, деб ҳисоблайман. Бу воқеага алоҳида жиддийлик билан эътибор берилди. Шахсан ўзим у жойга бордим, генерал-губернаторни хабардор қилдим ва, аминманки, бу муаммо бартараф этилади. Департамент сўровига жавобан айтишим мумкинки, барча уездларнинг бошлиқларига аҳолининг кайфиятини диққат билан кузатиш зарурлиги яна бир бор уқтирилди»². Остига чизиқ тортилган сўзлар шифрлангани ҳам қайд этилган.

Фарғона вилояти тузилганидан кейинги биринчи йилларда водийнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Андижон ва Ўш уездларида мустамлакачи ҳокимиятга, миллий зуғумга қарши кураш анча кескин тус олган ва туб аҳолининг каттагина қисмини қамраган эди. Балки шунинг учун ўлка генерал-губернатори ва Фарғона вилояти ҳарбий губернатори мазкур уездлардаги ижтимоий-сиёсий кураш бошқа ҳудудлардаги туб аҳолига «ибрат» бўлмаслиги ҳамда такрорланмаслиги учун кураш иштирокчиларини, айниқса, етакчиларини беаёв жазолашга жиддий аҳамият берган.

Буни Етимхон етакчилигидаги қўзғолондан кейин содир бўлган айрим воқеалар мисолида кўриш мумкин. 1879 йил

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 26-варақ..

² ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 8304-иш, 10-варақ

18 январда Фарғона вилоятидаги рус қўшинларига йўлланган қўмондон генерал-майор Абрамовнинг 31-сонли буйруғида бундай дейилган эди: «Андижон уездида яшовчи қирғиз Мамир Мирғаниевнинг тузем аҳолисини Рус ҳукумати-ни ағдаришга даъват этганлигида айблови бўйича Туркистон генерал-губернаторининг фармойишига биноан Марфилон шаҳрида дала-ҳарбий суди таъсис этилган эди. 1878 йил 22 декабрда дала-ҳарбий суди Мамир Мирғаниевнинг жиноятларини муҳокама қилиб, уни рус тартиботини барбод қилишга қаратилган фитнада қатнашгани ва тузем аҳолисини қўзғолонга даъват этганини исботлади, бу жиноятни ўзини бош қўмондон ҳамда хон тахтига даъвогар деб эълон қилган Етимхонга подшо ҳукуматига қарши ғалаён кўтариш ва мусулмонлар бошқарувини тиклаш учун қуролли қўзғолонга тўдаларни тўшлашда кўмаклашганликда айбдор, деб топди. Шунинг оқибатида дала-ҳарбий суди судланувчи Мамир Мирғаниевнинг ниятлари амалга тўла оширилмаганлигини ва бу ғаразли ҳаракат олдиндан фош этилганлигини ҳамда жиддий зарарли оқибатлар рўй бермаганлигини... ҳисобга олган ҳолда уни барча ҳуқуқларидан маҳрум қилишга ва рудникларда ўн беш йил ишлаш шарти билан каторга меҳнатига сургун қилиш ҳақида ҳукм чиқарди»¹.

Бироқ мазкур ҳукм Туркистон генерал-губернаторига тасдиқлаш учун юборилганда, К.П.Кауфман унинг мазмунини ҳам, яқунловчи қисмини ҳам тўлиқ ўзгартириб, ўта қаттиққўллигини кўрсатди. Абрамовнинг юқорида тилга олинган буйруғида шу муносабат билан қайд этилишича, «Ўлканинг бош бошлиғи судланувчи қирғиз Мамир Мирғаниевнинг тузем аҳолисини қуролли қўзғолонга қўзғашдаги иштироки ҳар хил ташвиқий варақалар, рус ҳукуматини ағдаришга доир чорловларни тарқатиши, алоҳида тўдани уюштириши ва унга етакчилик қилиши билан тўла амалга оширилган, деб хулоса қилди. Шунингдек, 1878 йил 5 июнда

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-варақ.

Мамир тўдасининг таъқиб этилиши вақтида у волост бошқарувчиси Аттановни ярадор қилди... Генерал-губернатор Мамир Мирғаниевни барча ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ва қатл этишни белгилади. Бу ҳукм Андижон шаҳрида келаётган бозор кунларидан бирида ижро этилиши Андижон ҳарбий бошлиғига топширилди»¹. Андижон уездининг бошлиғи 1879 йил 27 январда Фарғона вилоят бошқарувига йўллаган рапортида Мамир Мирғаниев 25 январь куни соат 12 да дорга осиш йўли билан қатл қилинди»², – дейилган.

Фарғона вилоятининг бошқа уездларига қараганда Андижон ва Ўш уездларида XIX асрнинг 80-йилларидан туб аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи кундан-кун ёмонлашаётгани яққол кўринди. Бунинг сабаблари бевосита мустамлакачилик ҳокимиятининг сиёсати ва амалиёти билан боғлиқ эди.

Биринчидан, Фарғона вилоятининг Хитой билан чегараларини қўриқлаш учун Фарбий Сибирдан келтирилган бир қанча казакларни (кейинроқ казакларнинг оилалари ҳам кўчиб келган) жойлаштириш муносабати билан ўзбек, қирғиз қишлоқлари йўқ қилинди, кўчманчи қирғизларнинг кўпгина ерлари тортиб олинди. Бу амалиётнинг ўзи маҳаллий аҳоли ва янги ҳокимият ўртасида тўқнашувларга, можароларга олиб келди. Бундан ташқари, Фарғона вилоятига, жумладан, Андижон ва Ўш уездларига кўчиб келаётган рус аҳолиси, асосан, суғориладиган зироатчилик ҳудудларига жойлаштирилган, лекин рус амалдорларидан бири қайд этишича, кўчиб келган русларга «буғдой экилган майдонни суғориш зарурлиги ғаройиб туюлган»³.

Иккинчидан, Россия ва Хитой ҳукуматлари ўзаро битим имзолаган (1881 й.) ҳамда 9 млн. тилла рубль эвазига Туркистон ҳудудига, асосан, Еттисув вилоятига, Фарғона ви-

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-(орқа) - 18-варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 23-варақ.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 16-фонд, 34-рўйхат, 1124-иш, 5-варақ.

лоятининг Ўш, Андижон, Марғилон уездларига Шарқий Туркистондан (ҳозирги Шинжон-Уйғур мухтор райони) уйғур, дунган ва бошқа мусулмон аҳолининг кўчишига розилик берилган эди. Лекин кўчиб келадиган мусулмонларга Россия империяси ҳеч қандай имтиёзни, моддий ёрдамни кафолатламаган. Аксинча, 1882–1883 йилларда Фарғона вилоятининг юқорида номлари қайд этилган уездларига 60 мингдан ортиқ¹ уйғур, ўзбек, қирғиз, дунганлар кўчиб келганда, мустамлакачи идоралар уларни фақат турли ҳудудларга йўналтириш билан чекланди. Инсонпарварлик туйғуси тили бир, дини бир маҳаллий аҳолини Шарқий Туркистондан кўчиб келадиган мусулмонларга бошпана, моддий кўмак беришга ундади. Бироқ XX асрнинг бошларида Қашқардан жуда кўп аҳоли Фарғона вилоятига кўчиб келганда, маҳаллий аҳолининг аҳволи ўта оғир бўлгани сабаб жойлапиши, тирикчилик қилиши қийин бўлди. Вилоятда ижтимоий ва иқтисодий вазият қанчалик кескинлашганини тасаввур қилиш учун айтиш мумкинки, рус ва бошқа нарсоний аҳолининг ўлкага оқими камаймаган ҳолда Андижонга, Жалолободга, Ўшга, Ўзганга, Марғилонга ва шу шаҳарлар атрофидаги қишлоқларга Шарқий Туркистондан кўчиб келган мусулмонларнинг сони 1904 й. – 14556, 1905 й. – 13337, 1907 й. – 25056, 1909 й. – 12725, 1911–1912 йй. – 56637 кишини ташкил қилди².

Маҳаллий аҳолининг, биринчи навбатда, деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини оғирлаштирган ҳамда Россия империясига, мустамлакачилик ҳокимиятига қарши ғазабини кучайтирган асосий сабаб ўта адолатсиз иқтисодий сиёсат бўлган. Фарғона вилоятида бу сиёсатнинг иллатлари кўпроқ эди, чунки вилоятни, биринчидан, мумкин қадар тезроқ йирик пахтачилик, пиллачилик базасига айлантириш

¹ ЎзР МДА. И – 16-фонд, 2-рўйхат, 1905-иш, 3-варақ.

² ЎзР МДА. И - 1-фонд, 1-рўйхат, 9829-иш, 5-варақ; Юферов В.И. Труд в хлопковых хозяйствах Туркестана (Опыт характеристики рабочего вопроса в хлопковых районах Туркестанского края). – СПб., 1914. – С.22-23.

амалиёти беаёв олиб борилган; иккинчидан, вилоятда туб аҳоли жуда кўп сонли ва миллий гуруҳ туйғуси ўта кучли бўлганлиги Россия империясини айна шу минтақада насроний аҳолининг салмоғини оширишга ундаган. Бундан ташқари, Россияда XIX асрнинг 90-йилларида қурғоқчилик оқибатида пайдо бўлган очарчиликдан қочиб юз минглаб қишлоқ аҳолиси Туркистон ва чўл ўлкаларига ўзбошимчилик билан кўчган ва натижада бу ерда иқтисодий аҳвол ҳам, миллий муносабатлар ҳам янада кескинлашган¹.

Шундай ҳоллар ва маҳаллий аҳолининг, хусусан, деҳқонларнинг норозилигини, ғазабини келтириб чиқарувчи бошқа сабаблар мунтазам равишда мавжуд бўлган. Мустамлакачилик ҳокимияти деярли 50 мингли қўшинга, бир неча минг қуролланган казакларга, насроний аҳолига, полиция кучларига ҳамда туб аҳолининг оғмачи вакилларига таяниб, ўз сиёсатини собитқадамлик билан амалга ошириб борган ва айна вақтда, туб халқлар орасидаги кайфиятни, хатти-ҳаракатларни назорат қилган. Бундай хавотирликни Фарғона вилоятининг мустамлакачи амалдорлари ҳам яширишмаган. Масалан, Андижон уездининг Қўрғонтепа волости деҳқонлари 1882 йил баҳорида асоссиз ҳажми оширилган хирож, таноб пули ва ўлпон жорий этилишига қарши ғалаён кўтармасдан, муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш ниятида Янги Марғилондан Андижон шаҳрига келган терговчи Дряновга ёзма ариза билан мурожаат қилишган. Деҳқонларнинг 35 вакили қўл қўйган аризада, хусусан, шундай дейилган эди: «Биз учун оғир бўлган хирож, таноб пули ва ўлпон тўловлари белгиланиши муносабати билан барча жамоалар маслаҳатлашиб, ишончли вакилларга тегишли илтимосномалар юборишга аҳд этдик. Агар уезд бошлиғи тўловлар бўйича ҳеч нарса қилмаса, унда ҳарбий губернатор жанобларига, кейин эса ўлканинг бош бошлиғига бу масала бўйича мурожаат қилиш керак бўлади. Борди-ю за-

¹ Қаранг: Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. – М.: АН СССР, 1991. – С. 22.

рур бўлиб қолса, Императорнинг ўзигача етиб боришга ҳаракат қилишга тўғри келади...»¹ Аризада қайд этилишича, Фарғона вилояти бошлиғи уезд деҳқонларининг мурожаатини кўриб чиқиш ўрнига уларнинг вакилларини қамоққа ташлаттирган². Демак, мазкур ариза биринчиси эмас.

Маҳаллий деҳқонларнинг аризаларига, мурожаатларига ҳокимият идоралари ва ҳаттоки туб аҳолига мансуб волост бошқарувчиларидан айримлари ҳам нафақат эътибор бермаган, балки арзгўйларнинг фаолларини жазолашни маъқул кўрган. Бундай амалиёт Туркистоннинг барча деҳқонларига нисбатан қўлланган, лекин Фарғона вилоятининг уездларида деҳқонларнинг ҳатто Россия империяси жорий этган қонунларга, қоидаларга хилоф бўлмаган адолатли талабларига жавобан кўрилган чоралар ҳақиқатан ҳам даҳшатли эди. Бу чоралар меҳнаткаш омманинг ғалаён ва исёнларини фақат вақтинча бартараф қилишга қодир эди. Бироздан кейин деҳқонларнинг норозилиги, ғзаби яна ҳар хил шаклдаги очиқ қаршиликларда намоён бўлар эди.

Айнан Андижон ва Ўш уездларида яшовчи ва шу ҳудудларга кўчиб келаётган рус эркаклари аҳолиси ўлкада биринчи бўлиб ҳарбий идоралар томонидан бердан милтиқлари билан қуроллантирилгани бежиз эмас. Бунга мазкур уездларда деҳқонлар нафақат бошқарув ҳокимиятига ва унинг маҳаллий аҳоли орасидан чиққан гумашталарига, балки умуман русларнинг ҳукмронлигига қарши йирик қўзғолонга тайёргарлик кўришаётгани ҳақидаги гумонлар ва миш-мишлар сабаб сифатида келтирилди. Бундан Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори ўз ихтиёридаги қўшин сонини кўпайтириш ва қанчалик оғир шароитларда минтақани бошқараётганини бўрттириш учун фойдаланиб, 1885 йилда Туркистон генерал-губернаторига аҳвол ташвишли экани тўғрисида тез-тез маълумот юбориб турган. Шулардан бири 1885 йил 28 августда ёзилган ва унда, хусусан, қуйидаги маълум

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 876-иш, 6-варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 876-иш, 7-варақ.

мотлар келтирилган: «Ушбу июнь ойида Андижон ва Ўш уездларида аҳоли орасида қирғиз ва қипчоқлардан иборат қуроли тўдалар тузилаётганлиги ҳамда яқинда Имом Мағди пайдо бўлиши, Россиянинг Афғонистон ва Хитой билан уруши тез орада бошланиши, Бухорода ғалаёнлар кутилаётгани ҳақида гаплар тарқалган... Оқибатда, қароқчилар тўдаси ҳужумидан қўрқувга тушган Султонобод қишлоғи аҳолиси оилаларини панароқ жойларга яширган ва йўлни тўсиб қўйган. Ўш уездининг бошлиғи ва 10 нафар пиёда аскарлар келганидан кейин вазият ўнгланди... Тарқалган ва тарқалаётган миш-мишларни текшириш учун Андижон, Ўш уездларига поручик Громбчевский юборилди. Унга хавотирларнинг, ғалаёнларнинг сабабларини ва аҳолининг норозилигини кимлар қўзғатганини аниқлаш топширилган. Лекин на уезд бошлиқлари, на поручик Громбчевский бу борада ҳеч нарсани аниқлашга муваффақ бўлолмади. Августнинг ўртасигача тўдалар пайдо бўлмади; фақат Хожак номли жойда, Ўш уездининг тоғли ҳудудида бир қароқчилик содир бўлди. Тенгиз бой уруғига мансуб қирғиз 11 августда Ўзган волост бошқарувчисининг ҳовлисига бостириб кириб, қуролини ва отини олиб қочди. Кейинги кунларда каттагина тўда Қатортол қишлоғига ёпирилиб келиб, хонлар даврида йирик маъмурий лавозимларни эгаллаган 93 ёшли Холиқул парвоначи ва Турдиқул Удайчининг уйларига кириб, чолни ҳамда Турдиқул уйда бўлмаганлиги сабабли укасини олиб кетишди. Бу ердан тўда Сўфи қишлоғига борди, лекин қароқчилик қилмади»¹.

1885 йил 17 августда капитан Бряннов 7 нафар казак ва мусулмон йигитлар билан тўда изидан юриб, Асака (Андижон уезди), Тутлуқ (Ўш уезди), Ойим, Қўқон қишлоқдан ўтиб, Янгибоғ қишлоғи яқинида тўдага дуч келди, лекин тўда қочиб улгурди ва Дарвишхон тўрага ёрдам берадиган бир Удайчидан бир қанча йигитни ва от олиб, Сўфи қишлоққа жўнади. Суриштиришлар натижасида аниқланишича, мус-

¹ ЎзР МДА. И - 1 - фонд, 31 - рўйхат, 3 - иш. 1-2-варақлар.

тамлакачиларга ва уларга хизмат қилувчи маҳаллий бошқарувчиларга, қишлоқ оқсоқолларига қарши Андижон ва Ўш уездларида курашаётган тўда 500 кишидан иборат, лекин тўда томонидан гаровга олинган ва бир амаллаб қочган Қорасув волостининг бошқарувчиси тўдада 100 киши борлигини айтган¹.

Капитан Брянновнинг фикрича, мазкур уездлардаги тартибсизликларнинг, деҳқонлар ва чорвадорлар галаёнларининг асосий ташкилотчилари сифатида Қўқонда яшовчи Дарвишхон тўра, Асакада яшовчи Хўжаназар Гўрўгли, унинг укаси Хушвақт Мирза ва ўгли Мирза Искандар, мундуз уруфига мансуб қирғиз Мўмин Пансот (Андижонда яшовчи) ҳамда ўзганлик қирғиз Болу Пансот; барчага маълум қароқчи Аҳмат Удайчининг номи айтилмоқда. Зобит Бряннов галаёнларни уюштирганлар Бозорқўрғон волостида, Тўқмоқ уездига чегарадош тоғларда яширинганини хабар қилган. 23 августгача галаёнларнинг иккинчи даражали иштирокчиларидан 15 нафари қўлга олинган².

Андижон ва Ўш уездларида деҳқонларнинг галаёнлари давом этаётган, ушбу ва бошқа уездлардан вилоят ва ўлка бошлиқларига шикоятлар, аризалар оқими ортиб бораётган бир шароитда Фарғона ҳарбий губернатори 1885 йил 21 октябрда маҳаллий аҳоли мурожаатларига билдирган қуйидаги муносабати диққатга сазовор: «Аксарият илтимосларнинг муаллифлари кўрсатилмаган; рус ҳокимиятидан, гўёки чидаб бўлмайдиган қандай сиқув, қандай таҳқирни халқ бошидан кечираётгани аниқ айтилмаган. Шундай бўлса-да, бундай илтимослар жорий тузум билан ҳеч қачон мураса қилолмайдиган шахслар томонидан уюштирилаётганини билган ҳолда, бундай одамларнинг сони нафақат кўпаймаслиги, балки камая боришига интилишимиз зарур. Вақт ўтиши билан аҳоли рус ҳокимияти унга яратган хавфсизлик қадрига етади. Лекин ҳокимият ҳам аҳолини турли ғайри-

¹ ЎзР МДА. И - 1- фонд, 31- рўйхат, 3 -иш. 2-варақ.

² ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 3-иш, 3-варақ.

қонуний йиғимлардан асраши ва аҳолига адолатли муносабатда бўлиши керак. Айни вақтда умуман маҳаллий аҳоли, айниқса, обрўли одамлар устидан назоратни кучайтириш даркор»¹.

Мустамлакачилик ҳокимияти туб маҳаллий аҳолининг, айниқса, деҳқонларнинг ғалаёнларини, исёнларини бартараф қилиш билан бирга, уларнинг сабабларини эмас, балки ташаббускорларини йўқ қилишга, қатнашчиларини жазолашга осонроқ чора деб қараган. Масалан, 1885 йилдан Андижон, Ўш ва Марғилон уездарида содир бўлган «тартибсизликлар» (расмий ҳужжатларда исёнлар, ғалаёнлар, ҳатто қўзғолонлар шундай номланган) бўйича тергов олиб борган коллеж ассесори Соллогуб 532 варақли жиноий иш ва ўз ҳисоботини 1885 йил 6 декабрда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига тақдим қилди. Ҳисоботда, хусусан, қуйидаги маълумотлар келтирилган: «...16 августда кечқурун Асакада яшовчи қипчоқ Мулла Хўжаназар Додҳо Муҳаммад (матнда – Магомед) Назар Мирзанинг уйида бир қанча волостлардан, Андижон, Ўш, Марғилон шаҳарларидан муайян одамлар йиғилгани ва рус ҳокимиятига қарши кураш режаларини муҳокама қилишгани аниқланди... Қуролланган тўдалардан бирини Марғилон уезди бошлиғининг катта ёрдамчиси капитан Иванов етакчилигидаги йигитлар таъқиб этганда, тўда Асака қишлоғидан Андижон томонига қочди. Қароқчилардан бири отидан қулаб тушди, лекин яширинишга улгурди, оти эса тутилди ва эгаси Бўзариқлик Мулла Охун Муҳаммад Ниёз эканлиги аниқланди. Қочган тўда Мохов-гузар (Андижон уезди) қишлоғилик Дарвешхон тўрага (у деярли 100 кишидан иборат тўдани шакллантиришга муваффақ бўлибди) етиб келди. Бу ердан тўда Ўш уездидаги Тутлуқ қишлоғига, кейин Акбархон тўранинг қўрғончасидан Сегаза қишлоғига ўтиб, 2 отни тортиб олди ва Шаҳрихонсой бўйлаб Жалақудуқ волостига (Ўш уезди) кетди...»²

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10950-иш, 3-(орқаси) - 4-варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 31-рўйхат, 10950-иш, 35-варақ.

Дарвешхон тўра бошчилигидаги 250-300 нафар қуролланган деҳқонлар рус аскарлари билан бўлган бир неча тўқнашувда 3 кишини қурбон берди ва икки гуруҳга бўлиниб, бири Асака томонга, бошқаси Наманган уездидаги тоғларга кетишди. Қўқон, Чуст ва Наманган уездларида йирик тўдалар кўринмади. Айни вақтда, масалан, Ўш уездининг Хонобод волостидаги Сўзоқ қишлоғи деҳқонлари ўта катта тўловларга мажбур қилинаётгани сабабли ғалаён кўтаришган, бироқ улардан ҳеч ким тўдаларга қўшилмаган»¹.

«1885 йил 17 августда Марғилон, Ўш ва Андижон уездларида пайдо бўлган Дарвешхон тўраининг тўдасида бўлганлардан қуйидаги шахслар қўлга олинди: Андижон уездининг Қўрғонтепа волостида яшовчи 1) Худойқул Холиқул Парманачиев; 2) Султон Бердиқулов; 3) Азимқул Алиқулов; 4) Тўрақул Алиқулов; 5) Қўчқор Тиллаев; 6) Тошмат Эшончиев. Булар тўдага зўрлик билан жалб этилганини ва имконият пайдо бўлганда уйларига қайтганини изоҳлаб беришди»². Ҳисоботда Андижон ва Ўш уездлари волостларида яшовчи 54 нафар деҳқон Дарвешхон тўра тўдасининг аъзолари сифатида аниқлангани ҳамда бунга доир ашъвий далиллар Марғилон уезди бошқармасида сақланаётгани қайд этилган»³.

Бундан ташқари, Фарғона вилояти бошқармаси 1885 йил декабрь ойида «тартибсизликлар» содир этган 30 нафар етакчи ва фаолларнинг қидирувини эълон қилган. Рўйхатда биринчилар қаторида Дарвешхон тўра (45 ёшда, бўйи баланд), Аҳрорхон тўра (35 ёшда, ўрта бўйли), Авлиёхон тўра, Маҳмудхон тўра (27 ёшда, ўрта бўйли), Мўмин Пансот ва бошқалар, жумладан, ҳатто 96 ёшли Холиқул Парвоначи ҳам таърифланган⁴. Қидирилаётганлар қўлга олинган ёки олинмагани номаълум, ҳар ҳолда 1880 йилларга оид архив ҳужжатларида бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Туркистон гене-

¹ ЎЗР МДА. И – 19-фонд, 31-рўйхат, 13-иш, 41-варақ.

² ЎЗР МДА. И – 19-фонд, 31-рўйхат, 13-иш, 42-варақ.

³ ЎЗР МДА. И – 19-фонд, 31-рўйхат, 13-иш, иш, 50-варақ.

⁴ ЎЗР МДА. И – 19-фонд, 31-рўйхат, 13-иш, 60-варақ.

рал-губернатори вазифасини бажарувчи Фарғона вилоятининг прокурорига 1888 йил 1 ноябрда «Дарвешхон тўра бошчилигидаги тўдалар Фарғона вилоятида қилган тартибсизликлар юзасидан қўшимча тергов ўтказишни Асака участкаси приставига топшириш зарур»¹ – деб буйруқ берган. Дарвешхон тўра ва унинг укалари ушлангани ва қаттиқ жазолангани умумий тарзда маълум, бироқ бу фожиа қачон содир бўлганини аниқлашнинг иложи бўлмади.

Деҳқонларнинг ва умуман туб аҳолининг аҳволи йил сайин оғирлашиб боришининг сабаби доимо мустамлакачилик тузумининг сиёсати билан боғлиқ бўлгани учун турли норозиликлар, исёнлар, ғалаёнларга замин ҳам ҳар доим бўлган. Шу билан бирга, А.К.Гирс ва кўпгина бошқа рус амалдорлари қайд этганидек, Туркистонда ҳокимият идораларининг хизматчилари, жумладан, маҳаллий аҳолининг вакиллари – волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқоллари, мироблар шахсий манфаатини кўзлаб, порахўрлик ва қаллоблик билан шуғулланиши ҳам туб аҳолининг ғазоби кучайишига сабаб бўлган. А.К.Гирс 1883 йил 7 апрелда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига «Олтинкўл волостининг аҳолиси қишлоқ оқсоқоли Ҳусанбой тўловларни йиғаётганда деҳқонлардан 1028 рубль ортиқча олгани учун улар шикоят қилишганда Андижон уезди бошлиғининг ёрдамчиси арзгўйларнинг кўпини калтаклаган. Мазкур масала бўйича қандай фармойиш берганингиз ҳақида мени хабардор қилишингизни сўрайман»², деб ёзган. Шу каби ҳолатлар, воқеалар кўп бўлган. Масалан, 1886 йил 7 январда Андижон уезди Қўқон қишлоқ волостида яшовчи элликбошилар – Ниёз Носирбоев ва Нур Рўзи Полвонов Фарғона вилоятининг ҳарбий губернаторига махфий шикоят йўллаган. Унда, хусусан, шундай дейилган: «... волост бошқарувчиси Қодирқул Тўрабоев ўз фойдаси, манфаатини кўзлаб ҳамда ғазнага зарар етказган тарзда лавозимини суистеъмол қилиб қуйидаги таъмагирликларни қилди: 1) солиқ ва йиғимлар ту-

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 31-рўйхат, 13-иш, 3-иш, 94-варақ.

² ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 1030-иш, 3-варақ.

файли 1885 йилда тушган пулнинг бир қисмини ўз харажатлари учун олиб қолишни кўзлаб, қишлоқ оқсоқоллари билан тил бириктириб, ҳарбий губернатор жаноби олийларига Хайробод қишлоғи оқсоқоли Муҳаммад Ғози ва Қўқон қишлоғи оқсоқоли Тошмат Хўжақуллар номидан илтимос юборган, лекин жавобни кутмасдан, иккала қишлоқда ҳар бири 1 рублдан 2 рублгача турадиган 40 дона катта ва баланд теракларни қирқтириб олди: ... 4) Қўқон қишлоғида жойлаштирилган рус аскарларини овқатлантиришга гўёки ўз пулини сарфлаганини баҳона қилиб, таъмагирлик билан 6 та қишлоқ аҳолисидан 540 рубль йиғиб олган»¹.

Бундан ташқари, зикр этилган волост бошқарувчиси тўловларнинг ҳар бир 100 рублидан 10 рублни олиб қолган, 1885 йилги ғалаёнлар сабаблари Ўш уездида тергов қилинганда, у 400 рубль харажат қилганини рўкач этиб, шу пулни деҳқонлардан ундиргани ва бошқа қабих ишлар қилгани ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Лекин ҳеч қандай чора кўрилмаганидан кейин ўша элликбошилар 1886 йил 17 ноябрда вилоят ҳарбий губернаторининг номига янги далиллар қўшилган шикоят билан мурожаат қилишган². Бу шикоятни ҳам вилоят ҳарбий губернатори кўриб чиқмаган. Унинг ёрдамчиси генерал-майор Ликошин 1887 йил 10 январда капитан Билинскийга ушбу шикоятни Фарғона вилояти бошқармаси номидан тегишли суриштирув ишлари олиб бориш учун Андижон уезди бошлиғига юборишни топширган.

Табиийки, ҳар томондан ижтимоий сиқувга олинган, қашшоқлашиб бораётган деҳқонлар ўз ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқлари учун курашни давом эттирган, мағлубиятга учраган, лекин курашдан ўзга йўли бўлмаган. 1887 йил 19 августда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори лавозимини вақтинча бажарувчи генерал-майор Мединский барча уезд бошлиқларига махфий нома йўллаган ва унда Андижон уездида қуролланган тўдалар тузилиши мўлжалланаётгани тўғрисида гаплар

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 1067-иш, 4-6-варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 1067-иш, 13-(орқа) варақлар.

тарқалаётгани ҳамда Ойим волостининг Дардоқ қишлоғида яшаган домумла Нусратхон шу йилнинг баҳорида номаълум жойга кетгани тўғрисида ахборот берилади. Волост бошқарувчиси Нуриддинхўжа Андижон уезди капитани Брянговга шу ойнинг 16 кунда келиб қуйидагиларни маълум қилади: «... Яқинда Дардоқ қишлоғида яшовчи Мулла Исмоилқори Марзия ўғлиникига Нусратхонга ёрдамчи бўлиб хизмат қилувчи ўшлик Нурмат Пансот келди ва Нусратхон кузда тўдаларга бошлиқ бўлиб келади, деди. Мулла Исмоилқорига Нусратхон Ўшдаги Шайхлар гузарида яшовчи савдогар баққол Мулла Сулаймонда сақланаётган қиличини олиб, Андижон уездининг Сузоқ қишлоғи яқинидаги Қизил Сангирга етказишини илтимос қилган. Шу қилични Дардоқ қишлоғига олиб келган куни, 15 августда Исмоилқори волост бошқарувчиси томонидан қўлга туширилган. Аҳолини назорат қилиш кучайтирилсин ва ҳар қандай мишмишлар ҳақида менга дарҳол хабар етказилсин»¹.

Мустамлакачи ҳокимият томонидан туб аҳолига, аввало, деҳқонларга қўлланган чоралар, беаёв жазолашлар ҳамда Россия императорининг 1887 йил 16 декабрдаги буйруғига биноан Туркистонда, чўл ўлкасида жамоат тартибини ва бошқарув тизимини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар² халқнинг исёнкор руҳини бартараф қила олмади. Андижон, Ўш ва қисман Марғилон уездларида ғалаёнларсиз, норозилигу намойишларсиз ой бўлган эмас. Айрим вақтларда эса Андижон воқеаларидан ҳам илгари деҳқонлар қўзғолонлар кўтаришган. Масалан, 1886–1888 йилларда Фарғона вилоятида Дарвешхонтўра бошлиқ қуролланган деҳқонлардан ташқари, бошқа қўзғолончилар бўлганлиги Янги Марғилонда 1888 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган вилоят суди мажлисида аниқланди.

Шу муносабат билан 1888 йил 2 октябрда Фарғона вилояти прокурори суд мажлисларида тўла очилмаган факт-

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 243-иш, 14-14-(орқа) варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 31-рўйхат, 3-иш, 86-варақ.

ларни, қўзғолонларда қатнашган етакчилар ва фаолларнинг ролини чуқурроқ тергов қилиш ва тегишли тарзда расмийлаштириш вазифасини Асака участкасининг пристави капитан Жойшевскийга буюради¹.

Фарғона вилоятидаги деҳқонларнинг ижтимоий-сиёсий курашида Бухоро амирлигидан ва бошқа минтақалардан келган ватанпарварлар ҳам қатнашган. Масалан, 1889 йил 29 сентябрда Фарғона вилояти прокурори Туркистон генерал-губернаторига йўллаган махфий маърузасида Бухоро фуқароси Саид Мусахўжа Саидмаъмурхўжа (бошқа исмлари – Саид Муса Саид Маҳмудхўжа ўғли ва Нусратхон) ҳамда Андижон уездининг Дардоқ қишлоғида яшаган Мулла Исмоилқори Муҳаммад Муса ўғли, мулла Рўзи Тўхтахўжа ўғли, Муҳаммад Ниёз Баққол Шамси ўғли, Ашур Муҳаммад уста Муҳаммад Муса ўғли ва шу уезднинг Қизил Тўғон қишлоғида яшаган Қанли уруғига мансуб қирғиз Нурмуҳаммад Пансот (бошқа исми – Нурмат Пансот), Муҳаммад Қуловлар давлатга қарши жиноятлар содир қилишда айбланаётгани ҳақида ёзган ва уларга жазони белгилаш масаласини қўйган².

Туркистон генерал-губернатори мазкур масала муносабати билан империя сенати 5-департаментининг катта прокурорига 1890 йил 13 мартда йўллаган мактубида Муса Рўзи Тўхтахўжа ўғли давлатга қарши жиноятларда қатнашмагани сабабли озод қилиниши, Муҳаммад Муса ўғли, бухоролик Саид Маъмурхўжа ва бошқалар Сибирга умрбод сургун қилиниши лозимлигини билдирган³. Лекин номаълум сабабларга кўра бухоролик Саид Мусахўжа Саид Маъмурхўжа ва Фарғона вилоятида яшовчи Мулла Нишонқори Муҳаммад Муса ўғли, Муҳаммад Ниёз Баққол Шамси ўғли устидан 1893 йил 20 ноябргача вилоят суди ёки ваколатли Сенат томонидан бирор ҳукм чиқарилмаган⁴.

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 34-рўйхат, 707-иш, 86-93-варақлар.

² ЎзР МДА. И - 1-фонд, 34-рўйхат, 707-иш, 1-2-варақлар.

³ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 34-рўйхат, 707-иш, 8-9-варақлар.

⁴ Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. – М.: АН СССР, 1991. – С.11-12.

Россиянинг буғдой етиштирадиган ички губернияларида 1891–1892 йилларда кучли қурғоқчилик бўлгани сабаб юз минглаб қашшоқ рус крестьянлари очликдан қутилиш мақсадида расмий рухсатсиз ва пулсиз Туркистонга кўчиб келган ва маҳаллий аҳоли ҳақ-ҳуқуқларини эътироф этмасдан, қўпол тарзда қулайроқ жойлашиб олишга интилган. Бу эса, табиийки, туб аҳолини, шу жумладан, зиёлиларни кескин норозилик намойиш этишга мажбур қилди. Рус деҳқонларида зироатчиликка кўникма ҳам, хоҳиш ҳам бўлмагани сабаб дон экинларидан ортган ерларни деҳқонларга ижарага беришган. Бундай амалиёт пахта етиштиришни кўпайтиришга халақит қилар эди. Шунинг учун очликдан қочиб келаётган рус аҳолисини Фарғона вилоятида камроқ жойлаштиришга эътибор қаратилди ва 1897 йилдан нафақат шу вилоят, балки бутун Туркистон Россиядан кўчиб келадиган рус аҳолиси учун ёпиқ, деб эълон қилинди¹. Бироқ шунга қарамай, кўчаётганлар оқими деярли камаймаган.

Бундай шароитда Фарғона вилоятида деҳқонларнинг қўзғолонлари бирон йил ҳам тўхтамаган, айниқса, Андижон, Марғилон ва Ўш уездларида мустамлакачиликка қарши кураш XIX асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида тобора кенгайиб ҳамда кескинлашиб борди. Бежиз эмаски, Туркистон – Ўзбекистон тарихида алоҳида ўрин тутган 1898 йилги қўзғолон мазкур минтақада энг юқори чўққига чиқди ва Андижон номи билан муҳрланиб қолди. Ўлкада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чорагида содир бўлган ғалаёнлар, қўзғолонларга бағишланган адабиётлар, тадқиқотлар, анжуманларда айтилиб келинган 1898 йилги Андижон қўзғолони жиддий мунозаралар мавзуси бўлганлиги маълум. Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилганидан кейингина, айниқса, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг фаолиятини та-

¹ Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане. – М.: АН СССР, 1991. – С.11-12.

комиллаштириш ҳақида»¹ги қарорини амалга ошириш жараёнида тарихчи олимлар бу муҳим воқеани чинакам илмий ёндашувлар асосида ҳамда синфий мафкурадан холи тарзда ёрита бошлади.

Шу муносабат билан тадқиқ этилаётган мавзуга алоқадор мулоҳозаларни билдириш жоиздир.

Биринчидан, 1898 йилги қўзғолоннинг номланиши Андижон шаҳри билан боғлиқлиги умуман тўғри, чунки қўзғолончиларнинг жанговар ҳаракатлари айна шу шаҳарда содир бўлган, лекин мазкур қўзғолонда Фарғона вилоятининг барча уездларидан деҳқонлар, руҳонийлар вакиллари қатнашганига алоҳида урғу беришга ҳам асос бор.

Иккинчидан, Туркистон гарчи рус ва умуман насроний аҳоли ҳам кўчириб келтирилса-да, асосан мусулмон аҳоли яшаётган минтақа бўлган.

Учинчидан, XIX асрнинг охирида бу ерда миллий сиёсий партияларни ва бирорта сиёсий шиорни тарғиб қилиш имконияти бўлмагани ҳамда мазлум аҳолини ягона умумий дин бирлаштириб ҳамда мафкурасини белгилаб тургани қўзғолонга даъват этувчи шиор – «газовот» бўлганини изоҳлайди.

Тўртинчидан, 1898 йилги қўзғолон миллатчилик кайфияти, диний жаҳолат билан йўғрилган, деган даъволарга далил сифатида қўзғолонга «жоҳил» Дукчи эшон бошчилик қилгани таъкидланиши муносабати билан айтиш мумкинки, у вақтда аҳолининг, айниқса, деҳқонларнинг қўзғолонига зиёлилар раҳбарлик қилишга тайёр эмас эди.

Бешинчидан, қўзғолон мустамлакачиликка қарши қаратилган бўлиб, миллатчилик руҳидан холи бўлган ва шунинг учун 1898 йил 18 майда Андижон шаҳрида рус фуқароларига қарши ҳеч қандай зўравонлик қилинган эмас.

Олтинчидан, қўзғолон фақат бир минтақада, бошқа минтақалар билан келишилмаган ҳолда тайёрланган ва етарли даражада, айниқса, жанговар маънода тайёр бўлмасдан бош-

¹ Халқ сўзи. 1998, 28 июль.

ланган. Бу, албатта, Дукчи эшон (тўлиқ исми – Муҳаммад Али эшон Матсобир ўғли) ва унинг яқин маслакдошлари йўл қўйган энг катта хатодир.

Шундай бўлса-да, Андижон қўзғолонининг тарихий аҳамияти улкан, чунки у деҳқонлар, бутун халқ истилочиларга қарши қуролли кураш олиб бориши мумкинлигини намоён этиб, туб аҳолининг миллий руҳини кўтаришга хизмат қилди. Айни вақтда, деҳқонлар бундан буён мустамлакачиларнинг ер-сув, солиқ ва бошқа тўловлар билан боғлиқ кўраётган нотўғри чораларига қарши янада фаолроқ курашиш зарурлигини англашди.

Россия империяси ва унинг Туркистондаги мустамлакачилик идоралари расмий ҳужжатларда ҳамда мафкуравий соҳада Андижон қўзғолонининг миқёсини ва аҳамиятини камайтириш мақсадида уни шунчаки бир кунлик исён, тартибсизлик сифатида, иштирокчиларини эса диний хурофотга ботган, уламоларнинг бузғунчи таъсирига тушиб қолган авом одамлар, деб таърифлашга эътибор қаратишган. Аслида бу йирик қўзғолон бўлган ва Андижонда кетмонлар, паншахалар, калтаклар билан «қуролланган» 2 мингга яқин деҳқонлар (фақат айримларигина ов милтиқларига, қиличларга, револьверларга эга бўлган) мунтазам армия қўшинидан бир кунда, 18 майда мағлуб бўлишса-да, мустамлакачиларга қарши қуролланган деҳқонларнинг, чорвадорларнинг ғалаёнлари Фарғона вилоятининг уездларида ва Самарқанд вилоятига қарашли Хўжанд уездида август-сентябрь ойларида ҳам давом этган¹.

Фарғона вилоятининг янги тайинланган ҳарбий губернатори генерал-майор Чайковский 1898 йил июнь ойида Россия императорига юборган ҳисоботида «...ҳозирги вақтда ўлкада сокинлик ҳукм сураётгани ва аҳолида нохуш кайфият йўқлиги ҳақида гувоҳлик беришимдан бахтиёрман. Вилоятнинг турли жойларида бўлиб, ишонч ҳосил қилдимки, эшоннинг қабиҳ ниятлари аҳоли орасида чуқур илдиз

¹ ЎзР МДА. И - 18-фонд, 1-руйхат, 760-иш, 1-варақ.

отишга улгурмагани, тубан ишнинг жоҳил иштирокчилари кўп бўлмагани, маълум даражада, 1898 йил 18 май тартибсизликларидан кейин иккинчи кундаёқ вилоятда тинчлик ўрнатилгани билан тасдиқланмоқда»¹ – деб ёзган эди. Айтиш жоғди генерал Чайковский вилоятдаги вазиятни ортиқча хаспўшлаганини билгани ҳолда туб аҳолининг нафақат фуқаролик ҳаёти, балки руҳий дунёси ҳам назорат остига олиниши зарурлиги ҳақида ўз мулоҳазасини изҳор қилади².

1898 йилги қўзғолон бутун Фарғона вилоятини қамраб олиши, ҳатто қўшни Самарқанд, Ёттисув вилоятларининг бир қанча волостларига тарқалишини на Дукчи эшон ва унинг яқин сафдошлари, на ҳокимият раҳбарлари тасаввур қилишмаган. Аслида туб аҳолида, биринчи навбатда, деҳқонлар ва кўчманчи чорвадорларда мустамлакачилик тузумига, унинг сиёсатига қарши ғазаб, норозилик шунчалик кучли эдики, Андижон, Марғилон, Ўш уездларида ва Андижон шаҳрида 18 май ва ундан кейинги кунлардаги воқеаларнинг акс садоси кенг миқёсли бўлиши табиий эди. Дастлаб Марғилон уездининг Мингтепа волостида Муҳаммад (Мадали) Али эшон бошлиқ 600 деҳқон Андижон гарнизонини забт этиб, замонавий қуроолларга эга бўлишни мўлжаллаб, 1898 йил 17 майда юришни бошлайди. Йўл бўйидаги 8 та қишлоқдан юзлаб деҳқонлар уларга қўшилади ва қўзғолончилар сони 2 минг кишига етади. 18 майда гарнизонга ҳужум уюштириш натижасида 22 аскар ўлдирилади, 18 аскар эса ярадор этилади³. Лекин қалъани эгаллаб бўлмаслиги олдиндан аниқ эди, чунки тўшларга, ҳарбий милтиқларга кетмонлар ва ўроқлар билан қарши чиқиш ақл бовар қилмайдиган тадбир эди.

Шундан кейин «бир томондан, вилоятда мустамлакачилар кўп сонли қўшинларга, барча уездлардаги қуроолланган казакларга ҳамда буюк давлатчилик кайфиятидаги рус

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 2-руйхат, 6326-иш, 1-варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 2-руйхат, 6326-иш, 2-варақ.

³ Касымбеков К.Ф. Из истории народных восстаний в Фергане в конце XIX – начале XX века. –Ташкент: Фан, 1978. – С.56.

аҳолисига таянган ҳолда Андижон қўзғолони қатнашчилари пайига тушиши, уларни қўлга олиш ва жазолаш баробарида уни бостириш билан шуғулланди. Андижон қўзғолони бостирилгач, тез кунда Андижон ва Ўш уездлари чегарасида Фозилбек бошлиқ қарийб 100 қўзғолончи»¹, Яккатут волостида эса 30 га яқин деҳқон беаёв қирғинга учради². Андижон уездининг Асака волостига қарашли Қизилоёқ, Лабгардон, Катта қадам қишлоқларида Исматхўжа Ҳасанхўжа раҳбарлигида қўзғолончиларнинг йирик отряди тузилди, лекин айғоқчилар орқали хабар топган уезд бошлиғи казаклар сотнясини юбориб, деҳқонларни қўлга олди³. Шу уезднинг Сусамир волостида 1898 йил июнь ойида Шодибек бошчилигида жуда кўп чорвадор ва деҳқонлар исён кўтарди. Уни бостириш учун Янги Марғилондан ва Еттисув вилоятининг маъмурий маркази – Верний шаҳридан отлиқ қўшинлар жўнатилди⁴. Бир қатор тўқнашувлардан сўнг ўша ойнинг ўзида Шодибек ва 23 қўзғолончи қўлга олинди. Агар М. Духовскойнинг Еттисув вилояти ҳарбий губернаторига 1898 йил 6 июнда юборган телеграммасидаги Сусамирда қўзғолончилар сони 100 кишини ташкил этиши ҳақидаги хабари рост бўлса, демак, улардан 70 нафардан ортиғи қурбон бўлган.

Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори Чайковскийнинг Николай II га йўллаган ҳисоботида водийдаги воқеалар хаспўшланганига қарамай, Туркистон генерал-губернатори М.Духовской Россия ҳарбий вазири А.Куропаткинга юборган маърузасида ҳақиқий аҳволни яширмасдан, хусусан, шундай ёзган эди: «Гарчанд бу тартибсизлик Фарғонада содир этилган бўлса-да, лекин уни фақат бир ҳудудга молик воқеа ёки қандайдир бир синфнинг иши деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ҳазовотга мойилликни Фарғона ва бош-

¹ Касымбеков К.Ф. Из истории народных восстаний в Фергане в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: Фан, 1978. – С.56.

² ЎзР МДА. И- 723-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 7-8-варақлар.

³ Касымбеков К.Ф. Кўрсатилган асар. – С.58.

⁴ ЎзР МДА. И - 723-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 2-варақ.

қа ҳудудларнинг деярли барча аҳолиси намоиш қилди. Умуман, ҳамма далиллар, гувоҳликлар Фарғонада бўлиб ўтган ғалаёнлар илгари тахмин қилинганидан кўра анча катта минтақани қамраб олгани ҳақида ўйлашга даъват этмоқда»¹.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин. Фарғона водийси, Самарқанд, Еттисув вилоятларининг барча бошқарув, ҳарбий муассасалари Андижон қўзғолонида қатнашганларни қидириб, жазога тортишга биринчи даражали аҳамият беришди.

Фарғона водийсида қўзғолон ва ғалаёнлар юз беришига йўл қўйганликда айбланиб, Фарғона ҳарбий губернатори Повало – Швейковский, Туркистон генерал-губернатори Вревский ва бир қатор бошқа маъмурий, ҳарбий раҳбарлар лавозимидан олинди. Туб аҳолига нисбатан эса ўта шафқатсизлик қилиниб, биринчи навбатда, Андижон қўзғолонининг ташаббускорлари ва фаол иштирокчилари макони бўлган Тожиқ, Мингтепа ва Қашқар қишлоқлари буткул йўқ қилиниб, 1898 йилда уларнинг ўрнида Русское селони барпо этиш ва бу селода 260 та оила 2109 десятина ерга эга бўлиши белгиланганди². Ўша йилда Наманган уездида 436 жондан иборат рус аҳолиси учун 1422 десятиналик майдонда Успенское селоси барпо этилиши, 1899 йилда эса Андижон уездида 449 нафар руслар учун 2171 десятина ерга эга Благовещенское селосини яратиш мўлжалланган эди³.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Андижон қўзғолонига бошчилик қилганларнинг ўлимга, кўп сонли фаол қўзғолончиларнинг эса Сибир сурғунига ҳукм қилиниши, бир қанча қишлоқларнинг аҳолиси адир ва чўлларга мажбуран кўчирилиши билан Фарғона вилоятининг бутун туб аҳолиси ўзига хос «товон» тўлаши ҳам қатъиян белгиланди. 1902

¹ Касымбеков К.Ф. Из истории народных восстаний в Фергане в конце XIX – начале XX века. – Ташкент: Фан, 1978. – С.59.

² Статистический обзор Ферганской области за 1914 г. – Скобелев, 1917. – С.13.

³ Ўша жойда.

йил 25 июлда Россия империясининг ҳарбий вазирлиги подшо Николай II га нома йўллаб, унда император 1898 йил 20 сентябрда «Туркистон генерал-губернаторига келгуси бир ёки икки йилда Андижон тартибсизликларида айбдор бўлган Фарғона вилояти аҳолисидан ғазнага ва хусусий шахсларга тўланадиган 300 минг рубль миқдоридagi қўшимча маҳаллий йиғим ҳақида батафсил мулоҳазаларини тақдим қилишини буюргани ёдга олинган эди»¹. Агар 300 минг рубль зикр этилган харажатлар учун етарли бўлмаса, 1890 йилдан кейинги ҳар йилда 150 минг рублдан оширмаган ҳолда маҳаллий харажатлар учун қўшимча йиғим ўтказиш ҳуқуқи Туркистон генерал-губернаторига берилганини эслатиб, ҳақиқий харажатлар 446 минг 233 рублга тенг бўлишини таъкидлаб, шу пулни вилоятнинг туб аҳолисидан ундиришга рухсат сўралган. Номанинг нусхасида ҳарбий вазир А. Куропаткин «Император 1902 йил 2 августда кўрсатилган миқдордаги қўшимча йиғимни аҳолидан ундиришга розиликни берди», – деб ёзиб қўйган².

Андижон кўзғолонидан кейин нафақат Фарғона вилоятида, балки бутун Туркистон ва чўл ўлкаларида мустамлакачилик бошқарув тузуми янада мустаҳкамланди, махфий полиция тармоғи тузилди ҳамда метрополиядан рус аҳолисини мазкур минтақаларга кўчириш сиёсати кучайтирилди. Бу чоралар ҳам Россия империясига кам кўринди ва юқорида қайд этилганидек, 1903 ҳамда 1910 йилларда Туркистонда туб аҳолидан «ортиқча» ерларни олиш ва Россиянинг қишлоқларидаги аҳолини бу ерларга кўчириш тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Столипин аграр ислохотлари билан боғлиқ охириги қонун ва бошқа чоралар ўлкада, айниқса, қишлоқ ҳудудларида иқтисодий-ижтимоий танглик кескинлашишига сабаб бўлди. Қишлоқлик ва шаҳарлик туб аҳоли аҳолининг оғирлашишига, маълум даражада, Шарқий Туркистондан (ҳозир Шинжон-Уйғур Мухтор райони)

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 32-руйхат, 392-иш, 418-варақ.

² ЎзР МДА. И - 1-фонд, 32-руйхат, 392-иш, 418-(орқа) варақ.

1906–1909 йилларда Фарғона вилоятига 120 мингга яқин мусулмонлар кўчиб келиши ҳам таъсир қилди, чунки уларни жойлаштириш, моддий ёрдам бериш вазифалари маҳаллий аҳоли зиммасига тушар эди.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ўзбек халқининг фуқаролик онгини, мавқеини шакллантиришда мусулмон уламо-лар, диний урф-одатлар ҳал қилувчи рол ўйнаган даврлар аста-секин ортда қолиб, бу борада етакчилик миллат зиёли-ларига ўтаётгани XX аср бошларида тобора кўпроқ сези-либ борди. Аҳмад Дониш, Беҳбудий, Фурқат, Мунавварқо-ри, Фитрат ва кўпгина бошқа зиёлилар илғор гоёларни, дунё-вий билимларни, маърифатни тарғиб этиб, туб аҳолининг онгини, дунёқарашини ривожлантиришда фидойилик ва жасурлик кўрсатди.

Илғор миллат зиёлилари ижтимоий фаолиятининг ижо-бий таъсири натижасида ўлка деҳқонларининг кураши то-бора кенгроқ сиёсий тус касб этаётгани мустамлакачи идо-раларни, амалдорларни ҳамда рус аҳолисини хавотирга сол-ди ва Биринчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг бу хаво-тир янада кучайди. Оқибатда ҳокимият ҳам қишлоқ ҳудуд-ларидаги рус аҳолисининг ҳимоясига эътибор қаратиб, те-гишли чора-тадбирларни кўрган. Фарғона вилояти мисо-лида бу яққол кўринадир эди. Масалан, аҳолини кўчириш бўйи-ча Фарғона райони мудирининг вилоят ҳарбий губернаторига 1914 йил 27 августда юборган хатида Андижон уездидаги рус қишлоқ жамоалари курул сўраётганини билдириб, «ҳар-бий ҳаракатлар давом этадиган давр мобайнида кўчиб кел-ганларга курул беришни зарурий чора»¹, деб ҳисоблаган.

Лекин ўш уездининг бошлиғи қишлоқлардаги рус аҳоли-сининг худди шундай илтимосига қарши фикр билдирди ва Фарғона ҳарбий губернаторига 1914 йил 4 сентябрда ёзган рапортида ўз нуқтаи назарини шундай изҳор қилди: «...менга ишонч билдирилиб топширилган уездда ҳозир маҳаллий аҳоли томонидан қўзғолон кўтарилиши мумкинлиги ҳақида

¹ ЎЗР МДА. И - 19 - фонд, 4 - рўйхат, 175-иш, 33-варақ.

Курбенова Н. Ҳарбий ҳаракатлар давом этадиган давр мобайнида кўчиб келганларга курул беришни зарурий чора»¹, деб ҳисоблаган.
91
Сўраётганини билдириб, «ҳарбий ҳаракатлар давом этадиган давр мобайнида кўчиб келганларга курул беришни зарурий чора»¹, деб ҳисоблаган.
автор, 2014. 91-бет

Керек эмас

Керек эмес

деч қандай гаплар, миш-мишлар йўқ ва шунинг учун айнан шу вақтда рус посёлкаларига қурол тарқатишни лозим деб билмайман, чунки қурол тарқатиш турли гаплар, тахминлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, русларда қурол мавжудлиги маҳаллий аҳоли билан тўқнашувларга сабаб бўлиши мумкин, бу ҳам айниқса, авом рус аҳолиси биринчи бўлиб қурол билан таҳдид қилса рўй бериши мумкин. Иложи бўлса, рус аҳолисига қурол бериш вақтини ўзим, вазиятга қараб белгилашим юзасидан менга ҳуқуқ беришингизни сўрайман»¹.

Шундай мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда Туркистон, хусусан, Фарғона вилояти туб аҳолиси ҳаётига Россиянинг Биринчи жаҳон урушида иштирок этиши ва 1915 йил охири – 1916 йил бошларида жиддий мағлубиятга учраши ўта салбий таъсир қилди. Гап шундаки, 1914 йил охирида туб аҳолидан ҳарбий солиқ ундириш жорий этилди, сўнгра ўлкага метрополиядан дон етказиш қисқартирилиши, 120 мингдан ортиқ немис, поляк, словак, чех, румин, венгер, турк ва бошқа миллатга мансуб ҳарбий асирлар келтирилиши ва уларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш маҳаллий аҳоли зиммасига мажбурий тарзда юклаб қўйилиши чидаб бўлмас аҳволни юзага келтирди.

Фарғона вилоятида бирор йил ҳам тўхтамаган деҳқонларнинг исёнкор ҳаракати энди кучаётган вақтда Николай II яна бир бор Россия раҳбариятининг буюк давлатчилик кайфиятини намойиш қилди. 1916 йил 25 июнда император Сибир, Кавказ, Туркистон ва чўл ўлкаларидаги “ғайри миллатли” 19 дан 43 ёшгача бўлган эркак аҳолини фронтга яқин минтақалардаги ишларга жалб этиш тўғрисидаги фармонга қўл қўйган. Россия ҳарбий вазирлиги тузган режага кўра, Фарғона вилоятидан 50 минг мусулмон эркаклар Россиянинг ғарбий ҳудудларига жўнатилиши мўлжалланган эди. Бироқ диний уламолар, маҳаллий маъмурлар (волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқоллари), зодагон-бойлар оилаларининг

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 31-варақ.

аззолари мажбурий жалб этилишдан озод қилинган. Айни вақтда Туркистон генерал-губернатори А.Куропаткин қайд қилганидек, подшо фармонини бажариш борасида амалдорлар, ҳарбий зобитлар «жирканч қилмишларга, сурбетларча таъмагирликларга йўл қўйишмоқда ва фронт ортига жўнашдан қутилиш учун талаб этиладиган пулни тўлашни хоҳламаган маҳаллий эркакларни қамашгача боришмоқда»¹.

Шу билан бирга, императорнинг фармонини амалга оширишга пухта тайёргарлик кўрилганига қуйидаги ҳужжат асосида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Фарғона вилояти бошқармасининг 1916 йил 4 июлдаги кенгайтирилган мажлисида шу масала муҳокама қилинди. Вилоят бўйича 50 минг нафар эркак чек ташлаш йўли билан танланса, ҳар 5-6 хонадонга бир киши тўғри келиши аниқланди ва туб аҳоли учун ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман ва рус тилларида эълон тарқатишга келишилди. Бироқ Андижон, Ўш ва бошқа уездлардаги кундан-кунга кенгаётган ғалаёнлар умумхалқ қўзғолонига айланиб кетиши билан боғлиқ хавотир туфайли вилоят ҳарбий губернатори фронт ортига жўнатиладиган маҳаллий эркакларнинг рўйхатини тузишни вақтинча тўхтатиш тўғрисида 11 июлда буйруқ берди².

Фарғона вилояти бошқармаси содир бўлаётган “тартибсизлик”ларни таҳлил қилиб қуйидагиларни қайд этди:

1) Ўш уездининг аҳолисини, асосан, қирғизлар ташкил этади. Бу уездда жиддий тартибсизликлар деярли йўқ.

2) Андижон уездида ғалаён иштирокчилари эркакларни жўнатишга йўл қўймасликларини айтиб, акс ҳолда рус ҳарбийларига, полициячиларга қарши курашишларини яширишмади. Андижон шаҳрига яқин қишлоқларда деҳқонлар казакларга ва полициячиларга ташланганидан кейин уларга милтиқлардан ўқ отилди. Натижада, 12 деҳқон яраланди, улардан 4 нафари ўлди, қолганлари касалхонада ётибди, уларни соқчилар қўриқламоқда... «Уезд бошлиғи полковник

¹ ЎзР МДА. И - 1 - фонд, 31- рўйхат, 1100-иш, 102-варақ.

² ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31- рўйхат, 1132-иш, 148-варақ.

Бржезицкий вилоят ҳарбий губернаторидан Далварзин қишлоғи аҳолисини ўлкадан ташқарига кўчиришни, унга тегишли ердан бир қисмини (483 дес.) мусодара қилишни, ўлганларнинг оилаларини ер билан таъминлашни ҳамда қолган ерларга русларни жойлаштириш масаласини кўриб чиқишни сўраган. Бу илтимос қондирилган»¹.

1916 йил 13-14 июлда Мисин волостининг Чувама қишлоғида, Балиқчи волостининг Хўжаобод, Қўштепа, Сарой қишлоқларида ҳокимиятга яқин одамлардан бир қанчаси ўлдирилди, ярадор бўлди. Ўтказилган терговлар натижасида подшонинг 1916 йил 25 июнда қабул қилинган фармонида қаршилиқ кўрсатишда Норин волостининг Қайқи қишлоғида яшовчи ва 1898 йилги қўзғолонда қатнашган Хўжа Муҳаммад Саидахмад эшон (қочиб кетган, қидирилмоқда), Чинобод қишлоғида ғалаён уюштирган, ўзи Тошкент шаҳрида яшовчи (белгилари ва исм-шарифи номаълум), лекин Балиқчи волостининг Сўфи ота қишлоғида ҳовлиси ва ери бор кимса (қидирилмоқда), Хонобод волостининг Найнаван қишлоғидаги яна бир эшон (белгилари ва исм-шарифи аниқланмади), Олимқул волостининг Далварзин қишлоғида яшаган эшон Шамсутдинмирза Сайфутдинов ва унинг икки ўғли (полиция уларни изламоқда) айбдор деб топилган².

Шаҳрихон қишлоғида 11-12 июлда рўй берган деҳқонлар билан мунтазам қўшинда хизмат қилувчи казаклар тўқнашувларида 11 нафар ғалаёнчи отиб ўлдирилди, 30 нафардан ортиғи ярадор бўлди, лекин уларни қўлга олишнинг иложи бўлмади, чунки улар бошқа деҳқонларнинг кўмагида қочишга улгурди, деб ёзган эди ўз ҳисоботида Туркистон райони соқчилик бўлинмаси бошлиғининг ёрдамчиси подполковник Ромалион-Сошальский ўз бошлиғига 1916 йил 20 июлда³.

Андижон уездида деҳқонлар қўзғолони барча қишлоқларни қамраб олгани ва шаҳар аҳолиси ҳам кескин норозилик,

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1132-иш, 150-варақ

² ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1132-иш, 151-варақ

³ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1132-иш, 155-варақ.

қаршилик ҳаракатига қўшилгани ҳақида расмий маълумотлар жуда кўп. Шулардан айримларни келтириш жоиз. Масалан, уезд бошлиғи полковник Бржезицкийнинг ахборотларидан бирида 9-15 июлда уездда ва Андижон шаҳрида қўзғолон қурбонлари рўйхатида Олтинкўл волостининг бошқарувчиси Ҳақимбек Мулла Рўзибеков, унинг ёрдамчиси Темирбой Пайғамбарқулов ва бошқа 9 нафар маҳаллий халқ вакили ўлдирилгани ва 5 нафари ярадор бўлгани, улардан биттаси қозоқ эканлиги қайд этилган¹. Бундан ташқари, шу ахборотда мустамлакачилик бошқарув тизимида хизмат қилган 7 нафар қишлоқ оқсоқолларининг уйлари қўзғолончилар томонидан вайрон қилингани кўрсатилган². Бошқа бир ҳисоботида эса Андижон уездининг бошлиғи Фарғона ҳарбий губернаторига бундай ёзган: «Менинг кузатувчиларим ва участка приставларининг фикрлари маҳаллий аҳоли фронт ортидаги ишларга ишчиларни кўнгилли равишда бериши амримаҳол, деган хулосага келишга мажбур қилади... Олтинкўл волост бошқарувчиси Ҳақимбек мулла Рўзибеков, унинг икки йигити, Қизилоёқлик оқсоқол Йўлдош Ҳасанбоев, бир қанча элликбошилар ўлдирилганидан кейин маҳаллий маъмурият шунчалик қўрқиб қолганки, аҳолини бошқарув ишини ўз қўлига олишга қодир эмас... Фақат русларда ишлаган ёки уларга яқин бўлганлардан бир неча розилик аризалари тушди, лекин деҳқонлардан бундай аризалар тушмаётир. Хўжанд, Марғилон, Қўқон, Андижон, Тошкент шаҳарларидаги ва, айниқса, Жиззахдаги воқеалар биз бундан кейин туб аҳолига ишонмаслигимиз кераклигини кўрсатади»³.

Уш уездларида халқ қўзғолони билан бевосита боғлиқ ҳаракатлар 1916 йил август ойида ҳам давом этган. Бошқарув идоралари айрим ҳолларда вазият тўғрисидаги ахборотни уезддан вилоят раҳбарларига эмас, балки ўлка гене-

¹ ЎзР МДА. И-276-фонд, 1-рўйхат, 904-иш, 44-45-варақлар.

² ЎзР МДА. И-276-фонд, 1-рўйхат, 904-иш, 45-варақлар.

³ ЎзР МДА. И-276-фонд, 1-рўйхат, 904-иш, 92-варақлар.

рал-губернаторига юборишга мажбур бўлган. Масалан, Андижон уездининг бошлиғи 1916 йил 6 августда А.Куропаткинга қишлоқларда ва Андижон шаҳрининг иккинчи қисмида (эски шаҳарда – Н.Қ.) туб аҳолининг исёнлари ҳамон содир бўлаётгани, лекин беаёв бостирилаётганини қайд этиб, июль ойидаги катта «тартибсизликлар» тўғрисида батафсил ҳисобот берган. Ҳисоботда, хусусан, қуйидаги маълумотлар келтирилган:

«1) 9 июлда Андижон шаҳрида, унинг иккинчи қисмида, Гултепа майдонида маҳаллий аҳолининг тартибсизликларини бостириш вақтида тўртинчи Урал казакларининг алоҳида сотняси казаки Кутаевнинг боши тош тегиб ярадор бўлган, маҳаллий аҳолидан эса 3 одам ўлдирилган ва 8 одам яраланган. Етакчилардан 22 нафари қўлга олинди ва тергов ҳокимиятига топширилди.

2) Олтинкўл волостининг Далварзин қишлоғида бошқарувчи ва унинг 2 йигити оломон томонидан ўлдирилди. 21 нафар етакчи қўзғолончи қўлга олинди ва тергов ҳокимиятига топширилди.

3) 11 июлда Мойгир волостининг Чувама қишлоғида бир тўда маҳаллий деҳқонлар элликбоши Қипчоқбой Боймирзаевни ўлдиришди. Етакчиларидан 18 та одам қўлга олинди ва тергов ҳокимиятига берилди.

4) 12 июлда Балиқчи волостининг Холмурод-Қўрғонча қишлоғида элликбоши ўлдирилди, оқсоқол қочишга улгурди. Қўзғолончиларнинг бошлиқларидан 10 нафари ушланди ва тергов ҳокимиятига топширилди»¹. Бундан ташқари, Олтинкўл волостининг Миробод қишлоғида 12 нафар, Балиқчи волостининг Хўжаобод қишлоғида 6 нафар, шу волостнинг Ўрмонбек қишлоғида бир нафар одам «ғайриқонуний» ҳаракатлари учун қўлга олингани ҳамда Андижон-І, Андижон-ІІ темир йўл станцияларини қўзғолончилардан қўриқлаш учун 90 нафар рус аскарлари ажратилгани кўрсатилган².

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-руйхат, 1132-иш, 172-варақ.

² ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-руйхат, 1132-иш, 173-варақ.

Андижон ва Ўш уездларида 1916 йилги қўзғолон билан боғлиқ деҳқонлар ҳаракати шунчалик кучли, оқибати эса шунчалик фожиали бўлганки (айниқса, Николай II фармони ҳам, қўзғолоннинг асосий воқеалари ҳам Рамазон ойига тўғри келгани ҳисобга олинса), чинакам миллатпарвар зиёлилар – Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Асадуллахўжаев, Мустафо Чўқаев ва бошқалар ўлкадаги Россия империясининг қирғинбарот сиёсатига Россия Давлат думасининг эътиборини жалб этишгани бежиз эмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, халқнинг миллий озодлик кураши билан боғлиқ 1898 ва 1916 йиллардаги Андижон, Ўш, Марғилон, Қўқон воқеалари Фарғона вилояти мустамлакачи сиёсатга қарши туришда Туркистоннинг бошқа минтақаларига ибрат бўлди.

Наманган

3.2. Қўқон ва Марғилон уездларида деҳқонларнинг Россия империяси сиёсатига қарши норозилик ҳаракатлари

Фарғона вилояти Туркистон ўлкасининг бошқа вилоятларидан нафақат аҳоли сонининг кўплиги ва зич яшаши, деҳқончилигининг ривожлангани билан, балки бир-бирига яқин жойлашган қишлоқларнинг кўплиги, савдо, маданият, ҳунармандчилик маконлари бўлган йирик шаҳарлари – Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўзган, Ўш, Жалолобод мавжудлиги билан ҳам фарқланар эди. Айни шу хусусият туфайли вилоятдаги бирор уезднинг қайси бир волостида маҳаллий аҳоли диққатга сазовор ёки умумий манфаатларига алоқадор ҳодиса рўй берса, тез орада бутун вилоятда хабар тарқалар эди. Шунинг учун айрим бир қишлоқдаги деҳқонларнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши бирор норозилик чиқиши (исёни, галаёни) қўшни қишлоқлардаги деҳқонларга намуна сифатида таъсир қилар эди. Табиийки, деҳқонлар курашини бостиришга қаратилган ҳарбий, полиция муассасаларининг чора-тадбирлари у ёки бу тарзда бир қанча қишлоқларни, волостларни қамраб олар эди. Бу борада Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездига туташ

бўлган Чуст (1899 йилда Наманган уездининг таркибига киритилди), Наманган уездига туташ бўлган Қўқон ҳамда Марғилон уездлари мустамлакачилар ҳокимияти учун энг ташвишли ва хатарли ҳудудлар ҳисобланган.

Рус қўшинлари Хўжандни эгаллаб олганидан кейин қўқонлик ватанпарварлар, Худоёрхоннинг тутган йўлидан фарқли ўлароқ, мазкур шаҳарни истилочилардан озод қилиш мақсадида бир неча марта ҳужум уюштиришган. Шу муносабат билан Туркистон вилоятининг ҳарбий губернатори ва вилоят қўшинларининг қўмондони генерал-майор Д.И.Романовский Худоёрхонга 1866 йил ёзида юборган хатларидан бирида бундай деб ёзган: «...Сиз юборган одамнингизнинг оғзаки изоҳларидан мен мамнуният билан билдимки, Хўжандни ҳимоя қилишга йиғилган қўқонликлар у ерга Сизнинг розилигингизсиз боришган ҳамда бизга қарши душманлик қилган Рустамбек, Эшбўта ва бошқалар Сизда паноҳ топган экан. ... Сизга ёмонлик эмас, яхшилик тилаганим учун Сиз билан адоватда бўлишни хоҳламайман, лекин душманлик қилишга мажбур бўлишим ҳам мумкин эди. Сиздан хат олганимдан кейин ният қилмоқдаманки, Сиз ўзингиз шундай одамларга қарши керакли чораларни кўрасиз, мен эса қўшинлар билан Хўжанд округидан нарига ўтмайман»¹. Рус генералининг охириги сўзлари қанчалик ёлғон эканини рус қўшинларининг кейинги йиллардаги ҳаракатлари кўрсатди.

Қўқон Марказий Осиёда азалдан йирик шаҳарлар қаторида бўлган ва биринчи навбатда шеърят, адабиёт намоёндаларининг кўплиги, мусиқа санъати ривожлангани билан машҳур эди. XVIII асрдан – XIX асрнинг 70-йилларигача Қўқон хонлиги Бухоро, Хива хонликлари, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Германия ва араб мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқалари юритган. Рус қўшинлари Самарқанд, Хўжанд ва бошқа бир қанча шаҳарларни эгаллаб олганидан кейин бундай алоқалар деярли йўққа чиқарилди. Фарғона

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 34-рўйхат, 1-иш, 12-12-(орқа) варақлар.

водийси босиб олинганидан кейин эса Шарқий Туркистон билан ҳам ҳар қандай муносабатлар узилди.

Водийда Фарғона вилояти таркиб топишида Россия империясининг сиёсий, иқтисодий мақсадлари туб аҳолининг ҳаётий манфаатларига зид бўлган янги ҳокимиятга қаршилик кўрсатишга сабаб бўлди. Шунинг учун айтиш мумкинки, Хўжандни, Қўқонни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ватанпарварлик кураши янги шароитда миллий озодлик маъносини сақлаб қолган ҳолда бошқа шаклларда давом этди. Бу борада Қўқон ва Марғилон уездлари деҳқонларининг мустамлакачилик аграр ва ижтимоий сиёсатига қарши кураши, нуқсонларсиз бўлмаса-да, бутун Туркистон деҳқонлари учун ибратли бўлган, дейиш мумкин.

Қўқон шаҳри собиқ хонликнинг пойтахти ва водийнинг энг йирик маданий-сиёсий маркази бўлгани сабабли, бир томондан, Россия империяси ва мустамлакачилик бошқарув идоралари янги тузилган Фарғона вилоятининг айнан Қўқон ҳамда Марғилон уездларида аҳолига нисбатан алоҳида қаттиққўллик амалиётини жорий этган бўлса, иккинчи томондан, ўз манфаатлари йўлида хонлик даврида ҳам курашган кўп миллатли туб аҳоли ўзга ҳукмдорларнинг иқтисодий-ижтимоий зуғумига, миллий таҳқирлашларига итоаткорлик билан чидашлари мутлақо мумкин эмас эди. Бундан ташқари, узоқ араб мамлакатларида, Афғонистонда, Туркияда муҳожирликда яшовчи туркистонликлар, биринчи навбатда, фарғоналиклар юртдош, диндош аҳолига турли тарзда ҳамдардлигини изҳор қилиб турган.

Айрим вақтларда ўлкадаги, жумладан, Фарғона водийсидаги сиёсий вазиятни, кучлар ниҳоятда тенгсиз эканини яхши билмасдан, гоҳида тасаввур ҳам қилмасдан, турли даъватларни тарғиб қилиш учун бу ерга вакиллари юбориши оқибатида маҳаллий аҳоли орасидан қанча-қанча беҳуда қурбон берилган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, Қўқон хонлиги тугатилгандан кейин тахминан 1877–1878 йилларда водийда «Фарғона халқига имом Маҳдининг ўғитлари» номли араб тилидаги варақа пайдо бўлган. Унда калималар келтирилгандан сўнг, Фарғонага 1304 ҳижрий йилда шар-

қий ҳудуддан ҳазрати Имом Муҳаммад Хажирдан ёки ҳазрати Арслонбобдан одам келади ва ғазовот эълон қилиб, жуда кўп кофирларнинг бошини олади ҳамда мамлакатни мусулмонларга қайтаради. Кейин у одам Амударёга боради ва Имом Маҳди билан бирлашади. Шунинг учун Фарғонанинг мусулмон халқлари беҳабар қолмасдан, мазкур ўғитларга риоя қилган ҳолда иш кўришлари зарур, чунки бу ўғитлар Муҳаммаднинг мўъжизасидир. Бундан ташқари, ушбу йилда бир аломат пайдо бўлади, яъни тутилиш (ой ёки қуёш тутилиши – Н.Қ.) содир бўлади. Одамлар ёқаларини ушлаб, кўзларини келадиган Соиб Хуружга йўналтиришлари керак. Бу Соиб Хуруж келаси оянинг 15 кунда пайдо бўлади. Барча одамлар унинг амрига бўйсуниб, ҳаракат қилишлари зарур... Бундан бошқа нома бўлмайди, дейилган ва Саид Муҳаммад Мусахон ҳамда Саид Муҳаммад Исахон Ғозиларнинг муҳрлари босилгани қайд этилган¹.

Бу номани арабчадан бир қози таржима қилган экан ва унинг матни маълум даражада ўзгартирилган бўлиши мумкин.

Келтирилган номани полиция маҳкамалари вилоят ҳарбий губернаторига етказган ва Қўқон, Марғилон уездларида жуда кўп уламолар, имомлар, мударрислар тергов қилиниб, бир қанчаси ҳибсга олинган. Фарғона вилояти деҳқонларининг норозилигига, дарғазаб бўлишига илгари ҳам сабаблар оз эмас эди. Эндиликда эса мустамлакачилик ўрнатилиши билан водийни Россиянинг қишлоқ хўжалиги хом ашёси манбаига айлантиришга қаратилган аграр ва ижтимоий-сиёсий, хусусан, ер-сув муносабатларини буюк давлатчилик тамойиллари руҳида ўзгартириши, янгидан-янги солиқ, йиғимларнинг жорий этилиши илгаридан аҳолиси зич яшаган ушбу минтақада, айниқса, қишлоқ ҳудудларида вазиятни ниҳоятда кескинлаштирди.

Шунинг учун Фарғона вилояти ўлканинг бошқа вилоятларидан деҳқонларнинг турли шаклдаги норозилик, қарши-

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 34-рўйхат, 243-иш, 22-22-(орқа) варақлар.

лик ҳаракатлари бир ойча ҳам тўхтамагани билан фарқ қилган. Масалан, Етимхон, Дарвешхонтўра бошчилигидаги қўзғолонлар Андижон, Ўш, Марғилон, Қўқон уездларида ва Наманган уездининг шарқий қисмида бостирилмасидан анча олдин, 1877 йил август ойида Қўқон уездининг Бардон, Рапқон қишлоқларининг деҳқонлари Оренбург казаклари қўшинининг сотняси Қўқондан Марғилонга ўтаётганда йўлдаги барча қишлоқларда талон-тарож содир қилгани ва полизларни барбод этганидан ғазабланиб ғалаён кўтарганлар. Ғалаён тинчлантирилди, аммо казаклар ўғирлаган буюмларнинг бир қисмигина эгаларига қайтарилди¹.

Мустамлакачилик, совет давридаги матбуотда ва ижтимоий-сиёсий адабиётда туб аҳолининг, айниқса, деҳқонларнинг исёнлари, ғалаёнлари ва қўзғолонлари норозилик сабабли, лекин стихияли равишда бошланар эди, деб таърифланган. Қўқон, Марғилон ва бошқа уездларда содир бўлган деҳқонларнинг чиқишларига оид ҳужжатлар гувоҳлик қилишича, исёнларга, қўзғолонларга пухта тайёргарлик, ташкилотчилик, етук раҳбарлик, дарҳақиқат, етишмаган ва етарли бўлиши мумкин ҳам эмас эди, чунки бутун ўлкада, бирорта вилоятда миллий-сиёсий уюшма, фирқа йўқ эди.

Бироқ деҳқонларнинг ва умуман туб аҳолининг чиқишлари аниқ сабабларга кўра онгли равишда бошланган ҳамда палалартиш, стихияли характерга эга бўлмаган. Бунга мисоллар кўп.

Масалан, 1878 йил баҳорида Марғилон уездининг бир қанча қишлоқларида деҳқонлар ғалаён қилишдан олдин қўшимча хирож ундиришни тўхтатиш муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга интилишган. Лекин уларнинг талабларига маҳаллий маъмурлар эътибор бермади. Шундан кейин рўй берган катта ғалаёнлар муносабати билан тузилган тергов комиссиясининг раиси майор Ястржебский, бўлим бошлиғи Мартинсон Фарғона вилоятининг ҳарбий губернаторига тақдим этган ҳисоботида «Файзиобод волостидаги

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 34-рўйхат, 10568-иш, 1-2-варақлар

Болтакўл қишлоғининг 47 нафар вакили арз қилишича, асосий аҳоли хирожни тўлаганидан уч ой ўтганидан кейин волост бошқарувчиси Муҳаммад Саид Ашуров яна қўшимча хирож тўлашни талаб қилган ва бу ҳақда уезд бошлиғидан ҳамда Мирзабоши Абдувалидан буйруқ берилганини айтган. Унинг гапларига ишонмаган қишлоқ аҳолиси қўшимча хирожнинг асл сабабини билиш учун Марғилонга боришган. У ерда деҳқонларни Мирзабоши Абдували ва Марғилон шаҳри Сапил-Тўда қисмининг волост бошқарувчиси Ҳамиджонбой Маҳмудхўжаев кутиб олишди ва 1877 йилда бу қишлоқда хирож 1876 йилдагидан камроқ бўлгани учун ўлка генерал-губернатори ва вилоят ҳарбий губернатори буйруғига биноан қўшимча хирож йиғилиши керак, деб ташунтиришган. Уезд бошлиғи капитан Бекчурин ҳам буни тасдиқлаган. Деҳқонлар эса буйруқни ўз кўзлари билан кўришмагунча бир мисқол ҳам тўламаслигини айтишди... ва рус шаҳарга (Янги Марғилон – Н.Қ.) ҳарбий губернаторнинг уйига боришди, лекин у ердан улар ҳайдалди... Комиссиянинг фикрича, бўлиб ўтган воқеалардан кейин Ҳамиджонбойни ва Марғилон шаҳри Сапил-Тўда қисмининг волост бошқарувчисини лавозимида қолдириш ноқулай», дейилган¹. Кўриниб турибдики, деҳқонларнинг арз-додлари эътиборсиз қолди. Шундан кейин деҳқонларда исён кўтаришдан бошқа чора қолмаган.

Марғилон уездининг 11 қишлоғида деҳқонларнинг қаршилик ҳаракатлари бостирилганидан кейин тергов комиссиясининг раҳбарлари Ястржебский ва Мартинсон, уезд бошлиғи капитан Бекчурин, унинг кичик ёрдамчиси поручик Забусов, волост бошқарувчилари деҳқонларга адолатсиз муносабатда бўлгани ҳамда хирож миқдорини белгилашда жиддий нуқсонларга йўл қўйилгани ҳақида вилоят ҳарбий губернаторига 1878 йил 23 майда расмий хабар юборишган. Шу билан бирга, тергов борасида капитан Бекчуринга тегишли мулк Тошкентда яшовчи Абдумўминнинг

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 257-иш, 99-100-варақлар.

уйидан топилгани ҳам хабар қилинди¹. Бекчурин эса бу тўғрисида ҳали жавоб бермаган экан².

Фарғона вилоятида мустамлакачи маъмурият пахтачиликни ривожлантириш билан бирга «ҳарбий-халқ» бошқарувига сарфланаётган харажатларни туб аҳолидан ундирилаётган солиқлар, турли тўловлар ҳисобидан қоплашга жиддий эътибор берган ва бу борада аҳолининг оғир аҳволини эмас, балки фақат ижтимоий кайфиятини ҳисобга олган. Бундай ёндашув ҳам водий босиб олинганидан кейинги дастлабки йиллардагина кузатилган, чунки янги ҳукмдорлар туб аҳоли қўзғолон кўтармаслигига ҳаракат қилган. Масалан, 1879 йил 10 декабрда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант А.К.Абрамов ўз буйруғи билан Марғилон уезди бошлиғи жорий қилган юқори миқдордаги хирожни, хусусан, жўхори ва бошқа кеч пишиб етиладиган экинлардан тўланадиган хирожни бекор қилган ва қишлоқларда бундан кейин солиқларни, хирож тўловларини белгилашда оқсоқолларгина эмас, балки деҳқонлар томонидан сайланган вакиллар ҳам иштирок этиши зарурлигини қайд қилган эди³. Лекин амалда бу шартга риоя қилинган эмас.

Буни Туркистон генерал-губернаторининг девон бошқарувчиси П.Каблуков Фарғона ҳарбий губернаторига 1879 йил 22 декабрда юборган номасида яққол кўриш мумкин. Хатда Марғилон уездининг бошлиғи Алексеев ва унинг ёрдамчиси поручик Забусов лавозимларини суиистеъмол қилаётгани ва туб аҳолига нисбатан жуда кўп адолатсизликларга йўл қўяётгани ҳақида огоҳлантирган эди⁴.

Мисол сифатида биргина далил: 1879 йил декабрь ойида ўша Забусов Марғилонда яшовчи Отабой исмли одам поручикни кўрганда, унга салом бериш учун отидан тушишга улгурмагани учун бу рус зобитига 15 рубль жарима

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 257-иш, 102-(орқа) варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 257-иш, 103-варақ.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 20-23-(орқа) варақлар.

⁴ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 337-иш, 1-варақ.

тўлашга мажбур қилинган¹. Забусовнинг бу қилмиши жазосиз қолмади. Вилоят ҳарбий губернатори Абрамовнинг буйруғига биноан поручик ҳибсга олиниб, жиноят тергов қилинди².

Вилоят, уезд маъмурларининг ўзбошимчалигидан, нотўғри қарорларидан ғазабланган деҳқонлар айрим ҳолларда исён, ғалаён қилмасдан, Туркистон генерал-губернаторига мурожаат этишга ҳам уриниб кўрар эди. Шундан кейин гоҳида юзаки чоралар қўллангани баробарида Тошкентга шикоят етказганлар таъқибга учрагани ҳам маълум. Юқорида Марғилон уездининг бошлиғи капитан Алексеев ва унинг ёрдамчиси поручик Забусовнинг тилга олинган қилмишлари тергов қилинганидан кейин ҳам бу мансабдор зобитлар жинойий фаолиятини давом эттирган ва, хусусан, турли тўловларни асоссиз ошириб, деҳқонлар аҳволини оғирлаштирган. Вилоят бошлиғи генерал-лейтенант Абрамов уларга нисбатан зарур чора кўрмаган.

Уезднинг 10 дан ортиқ қишлоқларидан ва Марғилон шаҳридан сайланган бир гуруҳ одамлар 1880 йил январь ойида Тошкентга бориб генерал-губернатор девонига шикоятларини топширган. Лекин Тошкентдан қайтиб келгач, улардан икки киши ҳибсга олинди. Марғилон уездининг маъмурлари бу деҳқонларни аҳоли орасида ўлка генерал-губернатори гўёки хирож тўловини ҳосилнинг ўндан бир қисмигача камайтириш тўғрисида фармойиш берди, деган миш-мишларни тарқатгани учун қамалган, деб изоҳ беришган³.

Бироқ Марғилон шаҳрининг аҳолиси ва атрофдаги қишлоқларнинг деҳқонлари тинмай 2 ой ғалаён қилишганидан жиддий хавотирланган вилоят ва уезд маъмурияти қамалган деҳқонларни озод қилади. Уезд бошлиғи Алексеев, унинг ёрдамчиси Забусов, собиқ волост бошқарувчиси Фозил Иноқ Бакибаев ва закотчи Муҳаммад Муса Муҳаммад Раҳимов қарийб бир ярим йилдан кейин деҳқонларнинг талаби би-

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 337-иш, 22-варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 337-иш, 43-43-(орқа) варақлар.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 377-иш, 44-45-варақлар.

лан Фарғона вилояти бошқарувининг судига топширилди¹, суд ҳукми эса 1883 йил 1 июлда чиқарилди ва судланганлар 1 минг рублдан – 400 рублгача жарима тўлаши белгиланди².

Рус амалдорлари Туркистон туб аҳолисига нисбатан қилган жиноятлари учун жавобгарликка камдан-кам жалб этилган. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, Россия ҳарбий вазирлигининг 1886 йил 29 январда эълон қилинган буйруғига биноан поручик Забусов ҳарбий унвонидан, ҳуқуқларидан маҳрум этилиб, икки йил яшаш жойидан кетмаслик шарт билан Томск губерниясига жўнатилди³. Қўқон уездининг 6 волости 1879 йилда ҳеч қандай тушунтиришларсиз, фақат мустамлакачи маъмурларнинг маълум сабабларга кўра дейишича, Хўжанд округи, Исфара уезди таркибига ўтказилди. Бу уездда солиқлар, тўловлар ҳажми ҳам, тартиби ҳам Фарғона вилоятидагидан анча фарқли эди. Шу 6 волост аҳолиси Туркистон генерал-губернаторига 1880 йил 12 августда шикоят билан мурожаат қилган ва **биринчидан**, таноб ҳисобидан эмас, балки хирож ҳисобидан тўловлар йиғишни; **иккинчидан**, ўз волостларини Қўқон уездининг таркибига қайтаришни илтимос қилган. Шу шикоят матни остига К.П.Кауфман «Фарғона вилояти ҳарбий губернаторидан мазкур нома қанчалик эътиборга лойиқлиги ҳақида фикрини билдиришини сўрайман», деб ёзган⁴.

Кауфман 1880 йил октябрь ойида Хўжанд округи ва Фарғона вилоятида сафарда бўлиб, ўзининг маҳаллий аҳоли аҳволидан “ташвишланганини” маҳорат билан кўрсатди. Кўп жойларда деҳқонларнинг арзу шикоятларини эшитди, ёзган аризаларини қабул қилди. Лекин генерал-губернатор бирорта ҳам аризани ўзи кўриб чиқмай, барчасини вилоят бошқармасининг амалдори А.Мартинсонга топширди⁵.

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 377-иш, 171-варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 377-иш, 177-178-варақлар.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 377-иш, 181-варақ.

⁴ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 377-иш, 5-5-(орқа) варақлар.

⁵ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 521-иш, 6-(орқа) – 7-(орқа) варақлар.

Оқибатда, вилоятнинг барча уездларида хирож тўловларининг оширилиши, суғориладиган ерлар етишмовчилиги, кўчириб келтирилаётган насроний аҳолининг қўпол муомаласи, мансабдорларнинг порахўрлиги, таъмагирлиги муносабати билан деҳқонларнинг мустамлакачи идораларга ишончи йўқолди ва ариза, шикоятлар билан мурожаати кескин камайди ҳамда исёнлари, ғалаёнлари анча кўпайди, мустамлакачиликка қарши кураш ғояларининг янги тарғиботчилари пайдо бўлди.

Қўқон уездининг бошлиғи 1882 йил 20 июлда вилоят ҳарбий губернаторига хабар қилишича, «1881 йилда Қўқонда қамалган Саид Муҳаммад Солихон Саид Муҳаммад Маллахон қамоқхонадан қочишга уриниб, ўзини Қўқон хони деб эълон қилди ва маҳаллий аҳолининг бир қисми томонидан қўллаб-қувватланди... Ушбу иш, ўйлашимча, шу йилда Шарқий Сибирга сургун қилинган Султон Аҳмадбек Маҳмудхоннинг иши билан боғлиқ. Саид Маҳмуд Солихон ўз фаолиятини Саид Баҳодирхон таҳаллуси остида бошлаган. У ўтган йилнинг чамаси май ойида уездга келган ва ўн ой мобайнида ҳеч қандай тўсиқларсиз Нурсух, Яйпан, Оқмачит, Ёмонжар, Қўш-Қонак, Ўқчи, Суйингал қишлоқларига бориб юрган. Албатта, маҳаллий аҳолининг ёрдамисиз Солихон бу ерда бўлиши мумкин эмас эди, ваҳоланки, 1878 йилдаёқ бизга бўйсундирилган аҳоли бундай унсурларни яширгани ва ҳокимиятга топширмагани учун бутун қишлоқларга ёппасига пуллик жарима солинади, деб огоҳлантирилган эди... Лекин аҳолининг бой, мулкдор қатлами Солихоннинг даъватларини қўллаб-қувватламагани учун унинг зарарли иши кенг миқёсли бўлмади... Бироқ Бешариқ яқинида телеграф симининг узиб олиб кетилиши, Фарғона билан Тошкент ўртасидаги телеграф алоқасини йўқ қилиш мақсади ва Қангли-Қатағон қишлоғида (Найман волости) август ойида топилган қуроллар захираси ўтган йилда бостирилган ғалаёнларни такрорлаш билан боғлиқ. Ҳар йили содир бўлаётган тартибсизликлар тегишли тарзда ва охиригача тергов қилинмаётгани ва туб аҳолига нисбатан қатъий қата-

фон чоралари қўлланилмаётгани аҳолини бизга қарши курашга рағбатлантирмоқда...»¹

Фарғона вилоятида ўлканинг бошқа вилоятларига қараганда мустамлакачи бошқарув идораларининг хизматчилари ва полиция ходимлари сони анча кўп бўлгани учун тегишли харажатлар ҳам кўпроқ эди, лекин улар Россия бюджетидан эмас, балки туб аҳолидан олинадиган солиқлар, йиғимлар билан қопланар эди. Ҳатто ҳарбий қўшинлар ҳам шу йўл билан таъминланган. Бу ҳам ўлка раҳбариятига кам кўринади ва туб аҳолини иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан янада кучлироқ эзиш мақсадида генерал Г.А.Колпаковский (Етгисув вилоятининг ҳарбий губернатори лавозимида хизмат қилган К.П.Кауфман 1882 йил май ойида вафот этгандан кейин Туркистон генерал-губернатори лавозимини вақтинча эгаллаб турган) фақат Фарғона вилоятида шаҳарлик туб аҳолининг ҳар бир хонадонидан 1882 йил июнь ойидан бошлаб ҳар йили 1 рубль 50 тийин миқдорида махсус солиқ жорий этади.

Лекин қашшоқлашган аҳоли бу солиқни тўлашга қодир бўлмагани сабабли 1886 йилда вилоят ҳарбий губернатори генерал-майор Иванов Қўқон уезди бошлиғига аҳолининг мазкур солиқ бўйича ўтган йиллардаги қарзини вақф мулки эгаларидан ундириш тўғрисида буйруқ берган. Уламолар, мутаваллилар бу буйруқ шариатга хилоф эканини ваз қилиб, солиқ тўлашдан воз кечишган. Уларнинг маъмурлар билан музокаралари, баҳслари натижа бермади. Вақф мулки бўлган дўконлар, омборлар, суғориладиган ерлар полиция назорати остига олинганидан кейин Қўқонда бошланган мусулмонларнинг ғалаёнига атрофдаги қишлоқлар аҳолиси ҳам қўшилди. Бир ой давом этган ғалаён бостирилди, унинг ташаббускорлари бир ҳафтани қамоқхонада ўтказди. Ҳарбий губернаторнинг фикрича, вақф мулки эгаларини хонадон солиғини тўлашга кўндириш учун уларнинг 5-6 нафар фаолларини вақтинча Сирдарё вилояти ёки Зарафшон

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 774-иш, 1-2-(орқа) варақлар.

округи шаҳарларига жўнатиш лозим¹. Туркистон генерал-губернатори генерал Ивановнинг бу фикрини маъқуллаб, 1886 йил 18 августда «Тегишли огоҳлантиришлардан кейин ҳокимиятга бўйсунмаганликда айбдор деб топилганларни мен бошқа жойларга кўчиртириб юбораман», – деб жавоб қилган².

Бундай муносабат, табиийки, мусулмон руҳонийларда мустамлакачиликка қарши нафратни янада кучайтирди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ғалаёнлари уламолар томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда Қўқон, Марғилон уездларида 1886–1889 йилларда катта қўзғолонларга айланди. Маъмурий идоралар аслида сиёсий ва ижтимоий мазмунга эга бўлган бу қўзғолонларга жинойий тус бериб, уларни, асосан, Дарвешхоннинг хатти-ҳаракатлари билан боғлашган. Шу қўзғолонлар бостирилганидан кейин ўтказилган тергов ҳужжатлари 5 жилдни ташкил қилади. Тергов натижалари ҳақида Фарғона вилоят прокурори Туркистон бошлиғига 1889 йил 7 июлда юборган ҳисоботида «... тергов жараёнида айбдор сифатида ҳибсга олинганлардан Хушвақт Муҳаммад Назаров, Азимбой Умарамин, Мавлонқул Йўлдошбоев, Холибекқул эшон Омон Карги ва Сотиволди Саримсоқовлар вафот этди (шубҳасизки, улар қийноқлардан ўлган – Н.Қ.), қолган фаол қўзғолончилар қидирилмоқда», – деб ёзган эди³.

Фарғона вилоятида туб аҳолининг аҳволига қайғуриб, ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, водийга Самарқанддан, Бухородан, Сирдарё вилоятидан чин ватанпарварлар ҳам келиб, Россия империясига қарши курашга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Шулардан бири Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган уездларида деярли 2 йил мобайнида ташвиқот ва ташкилотчилик фаолиятини олиб борган бухоролик Саид Мусахўжа Саидмаъмур Ходжин эди⁴.

¹ ЎзР МДА. И - 19 - фонд, 1 - рўйхат, 204 - иш, 8-10 (орқа) varaқлар.

² ЎзР МДА. И - 19 - фонд, 1 - рўйхат, 204 - иш, 11 (орқа) varaқлар.

³ ЎзР МДА. И - 1 - фонд, 31 - рўйхат, 9 - иш. 1-2 varaқлар.

⁴ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 34-рўйхат, 707-иш, 13 varaқ.

У 1892 йил Фарғона вилоятини қамраб олган деҳқонларнинг ғалаёнларини ташкил қилишда фаол қатнашган ва сентябрда полициянинг қўлига тушган эди. Туркистон генерал-губернаторининг девони Россия ички ишлар вазирлигига 1893 йил 16 декабрда берган ахборотига кўра, мазкур жасур одам ҳам тергов жараёнида 1892 йил 26 октябрда ҳалок бўлган¹.

Саидмаъмур Ходжин билан бирга қўлга тушган 18 нафар қўзғолончидан Исмоилқори Маҳмуд Мусаев Сибирга, 6 йиллик каторга ишларига, Маҳмуд Ниёзбаққол Шамсиев Тюмен ўлкасида умрбод яшашга ҳукм қилинди².

Фарғона вилоятида 1890 йилларнинг иккинчи ярмида темир йўл ўтказилиши муносабати билан жуда кўп деҳқон хўжаликлари вайрон бўлди. Гап шундаки, темир йўл қурилиши қойдаларига кўра, темир йўлнинг икки томонида 50 метрлик мутлақо бўш ер (полоса отчуждения) бўлиши шарт. Оқибатда, Қўқон уездининг Исфара уезди (Зарафшон округи) билан чегарасидан Ўш уездининг Қорасув, Жалолобод, Кўкёнғоқ волостларигача бўлган масофада кенглиги 110 метрни ташкил қилувчи суғориладиган ер майдонини темир йўл эгаллаши керак эди. Тўғри, мустамлакачи идоралар деҳқонлардан олинадиган ерлар учун ҳақ тўланишини ҳам белгилаб қўйган эди. Лекин жуда кўп ҳолларда бу борада адолатсизликларга, қаллобликка йўл қўйилди. Масалан, Файзиобод волости Кичик Болтакўл қишлоғининг аҳолиси бир неча бор Марғилон уезди бошлиғига шикоят билан мурожаат қилган, лекин у ҳеч қандай натижа бўлмаганидан кейин 1897 йил 13 майда вилоят ҳарбий губернаторига ариза топширишган³. Бу мансабдор ҳам аризага бефарқлик билан ёндашди ва деҳқонлар генерал-губернатор ҳузуридаги молия идорасига мурожаат қилди.

Мазкур қишлоқ аҳолисининг 6 нафар ишончли вакили «1896 йилнинг бошларида жуда кўп деҳқонларнинг ерлари

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 34-рўйхат, 707-иш, 15-16-варақлар.

² ЎзР МДА. И - 1-фонд, 34-рўйхат, 707-иш, 13-варақ.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 4927-иш, 109-109-(орқа) варақлар.

янги қуриладиган Самарқанд-Андижон темир йўлининг чизигига тўғри келди ва бу ерларда экин етиштириш қатъиянман этилди, лекин бу деҳқонлар ерлари учун пулни ҳам олишгани йўқ. Солиқ тўловларини эса 1896 йил учун тўлаши улардан талаб қилинмоқда... Шикоят қилувчилар ўзларидан тортиб олинган ерлар учун 1897 йилги тўловларни бекор қилишни ва пулларини олишда ёрдам беришингизни сўрашади» – деб ёзишган¹. Марғилон уездининг Тупроққўрғон, Ариқбўйи қишлоқлари аҳолисидан ҳам ана шундай аризалар тушган. Уларни ҳал қилиш масаласини уезд бошлиғи полковник Бряннов вилоят ҳарбий губернаторига ҳавола қилган².

Шундай вазиятда воқеалар ривожини эртами-кечми Андижон, Қўқон ва Марғилон уездларида йирик қўзғолонларга олиб келишини кўрсатмоқда эди. Ҳокимият эса кўп сонли рус қўшинларига, полиция кучларига, соқчилик хизматига ва қуролланган казакларга, «бердан» милтиқларига эга рус қишлоқ аҳолисига ҳамда шаҳарлик насроний аҳолининг буюк давлатчилик, улуғ русчилик кайфиятига берилган қисмига таянган ҳолда туб аҳолининг ҳар қандай қаршилик ҳаракатларини беаёв бостириб келди. Шундай бўлса-да, деҳқонларнинг сабр косаси тўлиб тошди ва 1898 йил 17 майдан 18 майга ўтар кечаси Дукчи эшон бошчилигидаги деярли 2 минг киши Андижон гарнизонини забт этиш билан мустамлакачилик тузумига қарши умумхалқ курашини бошламоқчи бўлган. Қўзғолоннинг бостирилиши муқаррар эди, бироқ унинг нафақат Фарғона вилояти, балки бутун Туркистонда туб аҳолининг миллий онги, миллий руҳига жиддий таъсир қилгани катта аҳамиятга молик бўлди. Бежиз эмаски, шу қўзғолондан кейин ўлкада миллий, сиёсий, маърифий уюшмалар, жамиятлар ташкил топа бошлади.

Оқибатда, Андижон воқеаларидан кейин Фарғона вилоятидаги бошқарув идоралари, полиция ва соқчилар хизмати янада ҳушёр бўлиб, туб аҳолини кузатиш, назорат қилиш

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-руйхат, 4927-иш, 64-варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-руйхат, 60-варақ.

чораларни кучайтирди. Аҳоли эса қўзғолон қонли тарзда бостирилганига, жуда кўп деҳқонлар ва уламолар қатағон қилинганига қарамасдан, узоқ вақтгача руслар ҳокимиятини йўқ қилиш, ғайримиллий тузумдан қутулиш ниятларидан воз кечмади. Масалан, 1900 йил 7 сентябрда Янги Марғилон шаҳрининг полиция бошлиғи Сибирдан Марғилон уездининг Оқтепа қишлоғига кўчиб келган Ҳайдарали Умаралиевни топиб тергов қилганда, у соддалик билан билган, эшитганларини айтиб берган. Маълум бўлишича, Андижон воқеаларидан кейин туб аҳолининг (матнда – сартлар – Н.Қ.) хоҳиш-иродаси туғилди ва русларни ҳайдаш тўғрисида ҳамма жойда гапирилмоқда. Исфара волостининг Чор қишлоғидаги қассоб Абдужабборнинг дўконида, Аҳмад Сачри масжидида одамлар йиғилиб, Россия империясига қарши кураш тўғрисида гаплашишади. Марғилон уездида Олтиариқ волостининг Оқбўйра қишлоғида собиқ волост бошқарувчиси Мамараим Саримсоқ исмли кимса Эшон Андижонда уддалай олмаган ишни биз уддалаймиз, деганини Ҳайдарали ўз қулоғи билан эшитган. Бундан ташқари, у Қалага қишлоғида Карим элликбоши тўдага 15 кишини жалб қилганини, уларнинг орасида икки укаси ва ўғли борлигини, Хўжа масжиддаги Эшондемона атрофида русларга қарши кайфиятдаги кишилар йиғилаётганини ҳамда Ингичка қишлоғида яшовчи Абдували Чаксак Эшондевонани қўллаётганини, пул ва буғдой билан ёрдам бераётганини, Абдувалининг ўғли Усмон оқ отга мингизилганини айтган¹.

Россия ички ишлар вазирлигининг полиция департаменти 1905 йил 5 август Фарғона вилоятидаги вазиятдан ташвишда эканини билдириб, ҳарбий губернаторга ҳазрати Аюб сувлари яқинидаги қишлоқларга эътибор беришини уқтирган².

Фарғона вилоятида XX асрнинг бошларида Россия империяси туб аҳолига нисбатан зўравонлик амалиёти билан

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 7188-иш, 5-6-варақлар.

² ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 8304-иш, 9-варақ.

бирга, ниҳоятда оғир иқтисодий ва ижтимоий чораларни ҳам қўллашга жиддий эътибор берган, чунки шу услублар, бир томондан, қўзғолонлар, ғалаёнларнинг оқибати сифатида аҳолининг ўзи томонидан англаниши ва қабул қилиниши керак эди; иккинчи томондан, аҳолини, айниқса, деҳқонларни кун кечиришдан, тирикчилик ташвишларидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган бир аҳволга туширишга хизмат қилиши лозим эди.

Шунинг учун 1904 йилда бошқарув органлари даволат ер солиғини вилоят бўйича 1,5 баробар, маҳаллий солиқни 2 баробар оширган ҳолда кейинги йилларда турли исёнлар, ғалаёнлар, қўзғолонларда, айниқса, фаол ва мунтазам қатнашган қишлоқлар аҳолисидан мазкур солиқлар 3-3,5 баробар кўп миқдорда олиними белгиланди¹.

Масалан, Марғилон уезди Яккатут волостидаги Хон-Ариқ қишлоғининг деҳқонлари Андижон қўзғолонидан кейин ҳам ғалаёнлар кўтаргани учун уларни моддий жазолаш мақсадида қишлоқ аҳолисидан олинадиган солиқ ва йиғимлар қарийб 4 баробар оширилган². Деҳқонларнинг шикоятлари эса 1906 йилгача қабул қилинмаган эди, қабул қилинган тақдирда ҳам эътиборсиз қолдирилган. Бундай муносабат, албатта, туб аҳоли орасида норозилик, нафрат кучайтишига сабаб бўлган ва мустамлакачиликка қарши бундай кайфият Биринчи жаҳон уруши арафасида ҳамда урушнинг биринчи ойидаёқ нафақат Фарғона вилояти, балки Туркистон раҳбариятида ташвиш ва хавотир туғдирди. Ўлка генерал-губернатори лавозимида вақтинча хизмат қилган генерал-лейтенант Флуг 1914 йил 12 августда вилоятлар бошлиқларига махфий тарзда «...рус аҳолиси ўзи мудофаа қилиши учун кўриладиган чоралар ва шу сабаб аҳолига бериладиган қурол-яроқлар бетайин қўлларга ўтиб кетмаслиги таклифларини тақдим этиш»³ни топширган. Бунга жавобан Фар

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 26721-иш, 11-11-(орқа) варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 26721-иш, 11-11-(орқа) варақлар.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 15-варақ.

ғона вилояти ҳарбий губернатори 25 августда ўлка бошлиғига «... рус посёлкаларида 8-12 нафар эркакдан иборат алоҳида командалар тузиш ва уларни қуроллантириш тўғрисида фармойиш берилди»¹, деб хабар юборган.

Биринчи жаҳон урушида Россия империяси қўшини дастлабки ойларда анча муваффақиятга эришди ва унга таслим бўлган чет эл ҳарбий асирларнинг бир қисми Туркистон ўлкасининг асоси ҳисобланган Сирдарё, Еттисув, Фарғона вилоятларига юборилди, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш туб аҳолидан олинадиган йиғимлар ҳисобидан қопланди. Бундан ташқари, уруш бошланганидан кейин Туркистон ва чўл ўлкаси туб аҳолиси махсус ҳарбий солиқ тўлаши жорий қилинган.

Шулардан аён бўладики, туб аҳолининг илгари ҳам оғир бўлган аҳволи 1914–1915 йилларда чидаб бўлмас даражага етди. Туркистоннинг турли минтақаларида, айниқса, Фарғона вилоятида қамал ҳолати, фавқулодда ҳолат ва бошқа қатъий чоралар жорий этилишига қарамай, содир бўлаётган ғалаёнлар, исёнлар янада кучайиши аниқ эди. Шунинг учун ўлка генерал-губернатори ва вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари Россия императори томонидан 1915 йил 25 июнда имзоланган фармонни амалга оширишга даставвал жуда катта эҳтиёткорлик билан ёндашган. Июнь ойининг охирида бу масала Туркистон раҳбар ходимларининг кенгашида муҳокама қилинди ва, асосан, қуйидаги муаммоларга эътибор қаратилди:

1) туб аҳолининг 19-43 ёшдаги эркакларини ҳарбий фронтга яқин минтақалардаги ишларга сафарбар қилиш тартибини белгилаш ва уни маҳаллий газетада эълон этиш;

2) пахта етиштиришни камайтирмаслик мақсадида ва бу борада Фарғона вилояти етакчи ўринга эгаллигини ҳисобга олиб, вилоятга белгиланган миқдорни биров қисқартириб, пахта етиштирмайдиган Еттисув вилоятидан сафарбар этиладиган ишчиларнинг сонини ошириш;

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-руйхат, 75-иш, 20-варақ.

3) урушнинг дастлабки 2 йилида ҳаракатдаги армияга туркманлардан иборат полк жўнатилгани ва ҳарбий-муҳандислик ташкилоти томонидан фронт яқинидаги ишларга Сирдарё вилоятидан 10 минг киши жалб этилгани сабабли ўлка бошлиғига Туркистондан 250 минг эмас, 200 минг эркакни сафарбар этиш таклифини ҳавола қилиш¹.

Мазкур кенгашнинг ҳужжатлари билан бирга, ўлкадаги туб миллатга мансуб эркаклар сони қарийб 3,5 млн. кишини ташкил этаётгани, жумладан, Фарғона вилоятида 1 млн. 172 минг 142 нафар эркак² мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар генерал-губернаторга тақдим қилинди. Уларга кўра, маҳаллий миллатга тааллуқли эркаклар Андижон уездида – 250 минг 645, Қўқон уездида – 268 минг 895, Наманган* уездида – 260 минг 822³, Ўш уездида – 128 минг 928, Скобелев уездида – 262 минг 852 нафар бўлган⁴.

Охир-оқибатда Фарғона вилоятидан аввал мўлжалланган 77 минг⁵ эмас, балки 50 минг эркак⁶ император фармонига биноан сафарбар қилиниши белгиланди, ўлка бўйича эса 250 минг киши Россияга жўнатилиши керак эди.

Вилоятда мазкур режа амалга оширилишига биринчилардан бўлиб Марғилон ва Қўқон уездлари туб аҳолиси – нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам қаршилиқ билдиришди. Биринчи навбатда 19-31 ёшдаги эркакларни сафарбар қилиш бошланганда энг йирик қўзғолон Эски Марғилон шаҳрида 1916 йил 10 июлда рўй берди ва казаклар, рус қўшини билан жиддий тўқнашувларда икки томондан, айниқса, маҳаллий

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 15-16-(орқа) варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 106-варақ

³ Чуст уездининг ҳудуди 1889 йилда Наманган уездининг таркибига киритилгани сабабли унинг собиқ волостлари бўйича рақамлар келтирилган холос.

⁴ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 104-(орқа) варақ

⁵ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 105-(орқа) - 106 варақлар

⁶ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 16-орқа варақ.

⁷ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 16-орқа варақ.

аҳоли орасидан қурбонлар, ярадорлар кўп бўлди. Қўқон уездида қўзғолонни биринчи бўлиб Аравон волостининг деҳқонлари 8 июлда бошлаб берди, эртасига Шайхлар қишлоғининг имоми Қулмаҳаммад Азизов отга миниб, Бачқир волостининг қишлоқларидаги аҳолига даъват қилди ва жуда кўп одамлар унга қўшилди. Мазкур волостда қўзғолончилардан 20 нафари ҳибсга олинди. Ганжиравон волостидаги деҳқонлар қўзғолонини бостиришга Қўқон уездининг бошлиғи полковник Мединский раҳбарлик қилди ва унинг кўрсатмасига биноан биргина шу волостдан 130 нафар қўзғолончи қамоққа ташланди¹. Россия империяси II давлат думасининг собиқ депутати қўқонлик Солижон рус соқчиларига маҳаллий аҳоли ғазабидан қўрқинини маълум қилган ва оиласи билан шаҳарнинг рус қисмига кўчиб ўтган².

Туркистон соқчилик бўлинмаси бошлиғининг ёрдамчиси подполковник Розамон-Сошальскийнинг 1916 йил 20 июлда ўз бошлиғига юборган расмий ҳисоботида «Фарғона вилоятидаги барча сартларга сабоқ бўлсин учун шу кунларда рўй бераётган қўзғолонлар иштирокчиларининг ерларини мусодара қилиш, ўзларини эса оилалари билан Сибирга умрбод бадарға қилиш лозим деб ҳисоблайман³. ... Умуман Қўқон уездида аҳвол хатарли бўлиб қолмоқда ва айғоқчилар русларга суиқасдлар қилиниши ҳамда темир йўл иншоотларига шикаст етказилиши мумкинлиги ҳақида хабар беришмоқда»⁴, – деб ёзган.

Айни чоғда мазкур подполковник вилоятда волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқолларининг аксарияти, Эски Марғилонда эса шаҳар полицмейстери қўзғолончилар томонидан ўлдирилгани ҳақида ҳарбий губернатор генерал-лейтенант Гиппиусга 15 июлда айтганини ҳам қайд қилган⁵.

¹ ЎЗР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1132-иш, 152-варақ.

² ЎЗР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1132-иш, 153-варақ.

³ ЎЗР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1132-иш, 150-варақ.

⁴ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 153-варақ.

⁵ ЎЗР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1132-иш, 159-160-(орқа) варақ.

Шу билан бирга, мустамлакачи амалдорлар Марғилон, Қўқон, Андижон уездларига қўшимча рус қўшинлари олиб кириш туб аҳоли қўзғолонларини бостиришда катта аҳамиятга эга бўлса-да, аҳоли Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва Жиззах шаҳарларнинг аҳолиси фронт яқинидаги ишларга эркакларнинг кетишига йўл қўядими-йўқми, шуни кутмоқда, деб хулоса қилган. Қўзғолончиларни аёллар қўллаб-қувватлагани, руҳлантиргани ўлканинг ҳамма вилоятларида кузатилгани ҳам расмий ҳужжатларда таъкидланган¹.

Хулоса шундай бўлса-да, бошқа уездлар каби Қўқон ва Марғилон уездлари туб аҳолиси ҳар қанча қаршилиқ кўрсатмасин, бошқарув органлари ҳарбий қўшинлар, полиция кучлари ёрдамида 19-43 ёшдаги эркакларни Россияга жўнашга мажбур қилишган. Лекин туб аҳолининг шу масала билан боғлиқ галаёнлари, қўзғолонлари 1917 йилнинг бошларида ҳам давом этган².

3.3. Наманган уездида Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши норозиликларнинг кучайиши

Рус қўшинлари Фарғона водийсининг ичкарасига кириб бориш режаларида Қўқон, Марғилон ва Андижон шаҳарларидан олдин Наманган шаҳрини эгаллашни кўзлаган. Лекин Черняевнинг ўрнига келган Туркистон вилояти ҳарбий губернатори генерал-майор Д.И.Романовский бундай мақсадни яширгандек бўлиб, 1866 йил июнь ойида Қўқон хони Худоёрхонга юборган хатида «... менинг ишончим комилки, Қўқон Россияга самимий ишонса, бизнинг муносабатларимиз икки томонга ҳам баробар фойдали бўлади³. Сизнинг қўшинларингиз Сирнинг (гап Сирдарё ҳақида – Н.Қ.) ўнг қирғоғига ўтишига ижозат бермаслигингизни илтимос қиламан... Наманганга мутахассисларимиз, асосан, илмий

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1132-иш, 162-варақ.

² ЎзР МДА.И - 19-фонд, 4-рўйхат, 1200-иш, 92-92-(орқа) варақлар

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 34-рўйхат, 16-(орқа) варақ

вазифалар билан боришига қарши бўлмайсиз, деб ўйлайман...»¹ – деб ёзган эди.

Фарғона вилояти тузилганида унинг таркибида Андижон, Ўш, Марғилон (1912 йил май ойидан – Скобелев), Қўқон, Наманган ва Чуст уездлари ташкил этилган эди. Охирги икки уезднинг иқтисодиёти, асосан, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдодан иборат бўлгани сабабли аҳолининг аксари ят қисми қишлоқ ҳудудларида яшаган. Вилоятнинг бошқа уездларига қараганда Наманган ва Чуст уездларида аҳоли турмушида анъанавий одатларга содиқлик ва мусулмон руҳонийлари таъсири кучлироқ бўлган. Айни вақтда, бу уездларда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий, сиёсий фаоллиги сезиларли даражада пастроқ эди. Лекин мустамлакачилик шароитларида туб аҳолининг аҳволи оғирлашиб боргани сари унинг ижтимоий, сиёсий мавқеи ҳам жиддий тарзда ўзгарди.

Рус қўшинлари Наманган шаҳрини, Чустни, Попни ва Нанайни эгаллаганидан кейин бу жойларда тез орада туб аҳоли қўзғолон кўтарган. Бир неча бор қўзғолонлар, ғалаёнлар бостирилган, бироқ улар қайта-қайта содир бўлаверган. Шунинг учун вилоятнинг бошқа уездларида кузатилганидек, Чуст ва Наманган уездларида ҳам соқчилар хизмати, полиция муассасалари маҳаллий зиёлилар, уламолар ва фаол деҳқонларнинг устидан назорат ўрнатишга, хатти-ҳаракатларини кузатишга катта эътибор берган. Масалан, Наманган уездининг бошлиғи майор П.Аверьянов вилоят ҳарбий губернаторига 1877 йил 6 майда юборган ахборотида «1875 йил октябрь ойида бўлган Наманган қўзғолонининг ташвиқотчилари ва раҳбарларидан бири Абдурахмонхўжа Ходжин хон даврида йирик амалдор бўлган. Наманган уездининг ҳудуди забт этилганидан кейин у шу ерда волост бошқарувчиси лавозимида қолган. Қўзғолон бостирилгач, унинг омон қолган иштирокчилари рус ҳокимиятидан авф этишни сўраган ва уларнинг жиноятлари кечирилган. Лекин

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 34-рўйхат, 17-(орқа) варақ.

Абдурахмон Ходжин ҳузуримизга келмади ва Намангандан ғойиб бўлди... Яқинда Тўқмоқ шаҳрида (Еттисув вилоятида – Н.Қ.) яшаётган наманганликлардан ўз юртига қайтишга рухсат беришни сўраб ёзилган аризалар орасида мазкур Абдурахмон Ходжиннинг ҳам аризаси бор. У қўзғолонда узоқ вақт қатнашгани унутилди, деб ўйлаган бўлиши мумкин. Унга нисбатан тегишли чораларни қўллаш керакми ёки қўзғолонда қатнашганини оқибатсиз қолдириш лозим бўладими. Шу масала бўйича қарорингизни билдиришингизни сўрайман»¹, – деб ёзган. Ҳарбий губернатор А.К.Абрамов ушбу ахборотноманинг матни устига «Абдурахмонни жавобгарликка тортмасдан тегишли назорат остига олиш, ҳозирги хатти-ҳаракатларини кузатиш лозим»², деб ёзиб қўйган.

Фарғона водийси босиб олинганидан кейин Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман 1876 йил ноябрь ойида Қўқон, Марғилон, Андижон шаҳарларига қилган сафарига маҳаллий аҳолига ғамхўрлигини кўрсатишга интилан ва шу боисдан вилоятнинг йирик шаҳарларидан, жумладан, Намангандан ҳам келган уламоларнинг аризасини қабул қилган ва диққат билан кўриб чиқишга ваъда берган. Лекин маккор мустамлакачи у аризани Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-майор М.Д.Скобелевга қолдирган. Уламолар ўз аризасида «Собиқ хон шариатга зид тарзда аҳолига нисбатан адолатсизлик, зўравонлик қилгани учун биз ундан юз ўгирдик. Энди оқ подшонинг ҳукмронлиги ўрнатилганидан бери унинг қонуни бизнинг орамизда жорий этилмаётир. Хон давридаги таҳқирлашлар, зуғумлар, ҳақоратлар ҳамон мавжуд, ҳатто кучлироқ бўлди, биз тинчлигимиздан маҳрум бўлдик. Шунинг учун оқ подшонинг қонуни ўрнига шариат қонунларини қолдиришингизни сўраймиз. Орамизда шариат амалда бўлса, биз итоаткор фуқаро бўламиз»³ – дейилган.

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10572-иш, 1-12 варақлар.

² ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10572-иш, 1 варақ.

³ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 1-1 (орқа) варақлар.

Туркистон, хусусан, Фарғона вилояти туб аҳолисига мустамлакачи амалдорлар муносабати нечоғли шовинистик ва босқинчилик характериға эға бўлганини юқорида зикр этилган ариза юзасидан М.Д.Скобелев мулоҳазалари мисолида кўриш мумкин. Унинг ёзишича «Мазкур ариза эътиборға лойиқ эмас, чунки биринчидан, уни ёзганлар қўл қўймаган; иккинчидан, Рус ҳокимиятидан туб халқлар қандай зуғум ва таҳқирларға учрагани кўрсатилмаган. Бу ерда янги тартиб билан муроса қилмайдиган одамлар талаби ифодаланмоқда ва бундайларнинг сони йил сайин камайиб боришиға эришишимиз зарур»¹.

Янги бошқарув тизими, асосан, мустамлакачилик мақсадларига хизмат қилиб, Чуст ва Наманган уездларида ер-сув муносабатларини ўзгартириш пахта етиштиришни ошириш манфаатларини кўзлаб амалға оширилиши, солиқлар миқдорининг кўпайтирилиши деҳқонларнинг норозилигини ҳақли равишда кучайтириб борди ва исёнларға, ғалаёнларға, қўзғолонларға сабаб бўлди. Айрим ҳолларда бошқарув идоралари, полиция маҳкамалари деҳқонларнинг исёнлари сабабини туб миллатли амалдорларнинг ноҳўя қилмишлари билан изоҳлар, айбни волост бошқарувчиларига, қишлоқ оқсоқолларига, солиқ йиғувчиларға тўнкар эди. Масалан, Наманган уезди Чортоқ волостидаги Муғум қишлоғи аҳли 1882 йил апрель бошларида ғалаён кўтарган. Лекин исёнчиларнинг учдан бир қисми солиқ йиғувчи Рафиқ Раҳматулладан норозилигини билдирган, учдан иккиси эса солиқ йиғувчи ҳалол, виждонли эканини, волост бошқарувчиси Мансурбой Девонбегиев қишлоқ аҳолисидан белгилангандан кўра ортиқча солиқ, тўловлар ундиришға одатланганини айтган. 53 нафар деҳқон Наманган шаҳриға келиб, уезд бошлиғининг кичик ёрдамчиси ва бошлиқ уйларига бориб, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида ғазабланиб гапиргани учун 9 суткаға қамалди². Уезд бошлиғи Аверьянов вилоят ҳарбий губерна-

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 1-2 варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш, 17 варақлар.

торининг рухсати билан Мансурбой Девонбегиевни волост бошқарувчиси лавозимидан бўшатди¹. Лекин деҳқонларнинг адолатли талаблари қондирилмади. «Фарғонада, – деб ёзганди ўша давр мухбири, – туб аҳолининг турмуши ва пахта етиштиришнинг ривожлантирилишини кўриб шундай хулосага келдимки, пахта нархини оширадиганлар деҳқонлар эмас, балки халқ «жаллоблар» деб атайдиган даллоллар (гистачи ва аравакашлар)дир. Пахта рақобати учун курашда фирмалар ўз даллоллари орқали деҳқонларга пулни қарзга тарқатади. Фирмалар номидан қарз пулини тарқатган даллоллар пахтани имкон борича арзон баҳода олишга ва уни фирмага қиммат сотишга ҳаракат қилади. Ҳақиқатдан ҳам деҳқонлар пахтани яхши нархда сотади, лекин буни қарз олмаган хўжаликларгина қила олади. Аммо қишлоқларда бундай оилалар кўп бўлмай, пахта баҳосини оширишга таъсир кўрсата олмайди». Маҳаллий аҳолининг ёзиғи эса даллолларнинг ўргимчак инжиларига ўхшаш панжараларига тушиш бўлиб, ундан қутилишнинг ҳеч иложи йўқ².

Фарғона вилоятида 1885 йилда содир бўлган ғалаёнларни тергов қилган Соллогубнинг вилоят ҳарбий губернаторига ўша йил 6 декабрда юборган ҳисоботида айтилишича, Дарвешхон тўранинг қуролли тўдаси сафидан рус аскарлари қўлига тушган 54 нафар йигитдан 15 нафари Наманган уездининг деҳқонлари бўлган ва Дарвешхон тўра қишни ўтказиш ва тўдасини тўлдириш учун Наманган уездидаги тоғларга кетган³. Демак, Андижон, Ўш ва Марғилон уездларидаги деҳқонларнинг қаршилиқ ҳаракатида Наманган уездининг деҳқонлари ҳам қатнашган.

Ўлкада мустамлакачилар томонидан ер-сув муносабатларини ислоҳ қилиш борасида бошқа қишлоқ ҳудудларида бўлганидек, Наманган ва Чуст уездларида фақат метрополиянинг

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 10450-иш., И - 1-фонд, 31-рўйхат, 3-иш, 32-50-варақлар.

² Зиёев Х. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгиси. – Тошкент: Ғофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 187-б.

³ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 3-иш, 32-50-варақлар.

иқтисодий (хом ашё билан таъминлаш) ва ижтимоий (насро-
ний аҳолини Россиядан келтириш) манфаатларини кўзлаган-
лари сабабли деҳқонлар орасида ерсизлар анча кўпайди ҳамда
оқибатда қишлоқларда сиёсий, ижтимоий вазият кескинлаш-
ди. Бунга ҳоқимият органлари Фарғона водийсида ер ва сув-
дан фойдаланишда анъанавий қоидалар, одатлар билан ҳисоб-
лашмасдан, ўзига маъқул тартибни жорий этиши жиддий таъ-
сир кўрсатди. Масалан, Наманган уезди Чортоқ ва Уйчи во-
лостларининг Уйчи, Ерқўрғон, Караскепа, Қизилравот, Шаг-
ди қишлоқларининг деҳқонлари, 7 ой мобайнида турли идо-
раларга шикоятлар билан мурожаат қилиб, ижобий жавоб
олмаганидан кейин 1889 йил август ойида вилоят ҳарбий гу-
бернаторига ариза юборган. Бу аризада деҳқонлар «Биз узоқ
вақтдан бери Худоёрхон берган ҳужжат асосида навбат би-
лан Чортоқсойдан ўтказилган 8 ариқнинг сувидан фойда-
ланганмиз. Лекин 3 та юқоридаги қишлоқ аҳолиси сувдан
навбатсиз фойдаланишни бошлаганидан кейин биз пастдаги
ариқлар сувидан фойдаланишда қийналмоқдамиз. Бийлар бу
муаммо юзасидан кенгашиб, 8 та ариқдаги сувдан фойдала-
нишда эски тартибни сақлашга қарор қилди. Лекин биз ҳамон
сувсиз қолмоқдамиз»¹ деб ёзган. Ариза Наманган уездининг
бошлиғи полковник С.Арванитакига жўнатилганидан 4 ой
ўтгач, 1890 йил 12 январда яна ҳарбий губернаторга мазкур
масалани адолатли ҳал қилиш бўйича кўрсатма беришини
илтимос қилинган². Архив ҳужжатларида келтирилишича,
С.Арванитаки 1890 йил 23 майда ҳарбий губернаторга йўлла-
ган ҳисоботида «Чортоқсой сувидан фойдаланиш қишлоқ-
лар учун эски ҳужжат асосида амалга оширилиши белгилан-
ди ва юқоридагилар сувни навбатсиз олишига йўл қўймас-
ликка келишилди. Акс ҳолда масалан, Қораскан қишлоғида
одамлар микробларга тўла сувни ичишга мажбур бўлган, ёзда
эса июнь охирида дарахтлардан барглар тўкилган»³, – деб
ёзилган.

¹ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 1684-иш, 21-22-варақлар.

² ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 1684-иш, 22-(орқа) - 24-варақлар.

³ ЎЗР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 1684-иш, 22-(орқа), 31-варақ.

Сувдан фойдаланиш масаласи бўйича Чуст уездида ҳам деҳқонлар орасида содир бўлаётган можаролар бошқарув идораларининг ишини бироз кўпайтирса-да, маҳаллий аҳоли яқдил бўлмагани мустамлакачиларни қониқтирар эди. Шунинг учун деҳқонларнинг аризалари, шикоятлари ойлар, йиллар мобайнида кўриб чиқилар эди. Бунга мисоллар жуда кўп. Чуст уездининг Поп волостидаги Гадейтопмас қишлоғи деҳқонлари 1887 йил 13 июлдаги шикоятда «Поп қишлоғининг деҳқонлари Ғовасой сувидан 1840 йилда (1257 ҳижрий йилда) белгиланган тартибни бузиб, халқ судининг қарорини эътироф қилмасдан, ортиқча фойдаланмоқда ва натижада Гадейтопмасда экинлар қуримоқда»¹ деб ёзган. Шикоят 1888 йил 23 сентябрда, яъни бир йилдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин кўриб чиқилди ва 48 йил олдин белгиланган суғориш тартибини текшириш тавсия қилинди². Демак, камида 2 йил Гадейтопмас қишлоғи деҳқонлари экинлардан ҳосил олмаган.

Бундай вазиятда уларнинг исёнлари табиий эди. Гап шундаки, 1888 йил 30 сентябрда Фарғона вилояти бошқаруви Россия императорининг рус ҳокимияти ўлкада ўрнатилгунга қадар чиқарилган сувдан фойдаланишга оид барча ҳуқуқий ҳужжатлар тан олинмаслиги тўғрисидаги Фармонига биноан Гадейтопмас қишлоғининг деҳқонлари тақдим этган 1840 йилги Ғовасой сувидан фойдаланиш ҳақидаги ҳужжат нафақат кучини йўқотди, балки қалбаки, сохта, деб топилди³.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сувдан фойдаланиш масаласи пахтачиликка ихтисослаштирилган вилоятларда мустамлакачилик бошқаруви органларининг ихтиёрида бўлган ва агар бирорта волостда бу борада уезд маъмурияти ўзбошимчалик, келишмовчиликни аниқласа, унда ҳар бир бундай ҳолатни ўлка бошлиғи кўриб чиқиши белгиланган. Масалан, 1885 йил 13 ноябрда Чуст уездининг бошлиғи под-

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 2595-иш, 2-варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 2595-иш, 20-23-варақлар.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 2595-иш, 24-варақ

полковник Арванитаки буйруқ чиқариб, бу ҳақда волост бошқарувчилари, мироблар ҳамда қозиларни хабардор қилган¹. Лекин бу борада 1889 йилда Наманган уездига қўшилган Чуст уездининг қишлоқлари ўртасида жанжаллар, тортишувлар вақти-вақти билан кузатилган ва уларни ҳал қилишда амалдорлар кўп ҳолларда малакасииз ёндашувларга ҳамда ўзбошимчаликка йўл қўйган.

Масалан, Наманган уезди Варзи волостининг Какалик-қўрғон қишлоғида яшовчи Ҳадиллахон тўра Мусахонов ва Валихўжа Эшонов вилоят ҳарбий губернаторига 1889 йил 5 июнда йўллаган шикоятда «Чуст участкасининг полиция нозири Шўркиш қишлоғи аҳолисининг илтимосига кўра «Какалик-қўрғон» номли ариқнинг сувини 8 га эмас, 7 га бўлиш тартибини ўрнатди, натижада бу ариқнинг сувидан 6 қишлоқ аҳли ўз навбатида фойдаланган бўлса, энди биз, яъни Какалик-қўрғонликлар, илгариги 2 кун ўрнига фақат 1 кун сув олмоқдамиз»², дейишган. Шу каби шикоятлар, аризалар Чуст, Шаён, Учқўрғон-волостларининг кўпгина қишлоқларидан уезд, вилоят бошлиқларига 1882–1890 йилларда юборилган, лекин ижобий қарорлар жуда кам бўлганини кўриш мумкин. Масалан, Какалик-қўрғон қишлоғидан (Х.Мусахонов, В.Эшоновлар имзо чеккан) 1889 йил 5 июнда келган шикоят бўйича Фарғона вилоят бошқаруви Наманган уезди бошлиғига 1893 йил 27 августда «Какалик-қўрғони» ариғининг сувини 8 га бўлиш ҳақидаги топшириқлар ижросини тезлаштиришингизни сўраймиз»³, деб навбатдаги топшириқни берган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, у ёки бу қишлоқ деҳқонларининг экинларни суғориш учун сувдан фойдаланиш муддатини, уни қисқарттириш ёки узайтириш масалаларини фақат вилоят ҳарбий губернатори ҳал қилиши белгиланган эди. Шунинг учун Наманган уезди бошлиғи полковник Арванитаки Қирғизқўрғон волостидаги Катта Тошбулоқ, Кичик

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-руйхат, 2685-иш, 20-варақ

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-руйхат, 2685-иш, 18-варақ.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-руйхат, 2595-иш, 29-варақ.

Тошбулоқ, Қиёт, Мулла Кудуқ қишлоқлари аҳолисининг 1891 йил 19 октябрда Янги ариқ сувидан олдинги 2 кун ўрнига 3 кун фойдаланишга рухсат бериш ҳақидаги аризасини ва ўзининг рапортини ҳарбий губернаторга жўнатди¹. Бир ойдан кейин 1891 йил 26 ноябрда, суғориш вақти ўтгач, ҳарбий губернатор қирғизқўрғонлик деҳқонларнинг илтимосига ижобий жавоб берди².

Айни шу Қирғизқўрғон волостининг Катта Тошбулоқ, Кичик Тошбулоқ, Қиёт, Тепақўрғон қишлоқларидан 1880–1889 йилларда хирож, таноб пули ва бошқа солиқ, тўловлар мунтазам равишда ортиқча ундирилаётгани сабаб деҳқонларнинг аҳволи тобора ёмонлашаётгани ҳақида ариза, шикоятлар уезд ва вилоят бошқарувига жуда кўп тушган³.

Нафақат рус амалдорларининг, балки маҳаллий аҳоли орасидан чиққан волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқолларининг хатти-ҳаракатларидан зарар кўрган, азоб чеккан деҳқонлар уларнинг устидан ҳам шикоятлар ёзган, ғалаёнлар, қўзғолонлар пайтида улардан қасдини олган. Мана бунга ўзига хос бир мисол: ариза ёзилган сана кўрсатилмаган, лекин уни рус тилига В.П.Наливкин таржима қилганига кўра, ариза 1882 йилгача ёзилган бўлиши керак. Ариза Поп, Санга, Гадейтопмас, Хўжаобод, Чортоқ, Ўлтурма, Тоди, Килячи қишлоқлари аҳолисидан вилоят ҳарбий губернаторига йўлланган. Аризалар «Волост бошқарувчиси Йўлдош деҳқонларга бедани томларга қўйишга рухсат бермаяпти, дўконлардан озиқ-овқат олиб, пулини тўламайди, одамлардан пул олиб, қарзини қайтармайди. Бу аризани кўриб чиқишингизни сўраймиз. Агар Йўлдош устимизда волост бошқарувчиси бўлиб қоладиган бўлса, унда биз кўчиб ўтишимиз мумкин бўлган жойни белгилашингизни ёки Йўлдошнинг ўрнига бошқа кишини тайинлашингизни сўраймиз. Ихтиёр Сизда»⁴.

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 13178-иш, 1-4-варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 3178-иш, 8-8-(орқа) варақлар.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 510-иш, 1-9-(орқа) варақлар.

⁴ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 819-иш, 6-(орқа) варақ

Чуст уездидаги (1889 йилдан Наманган уездининг Чуст участкаси) Бободархон волостида 1882 йилда оширилган хирожга қарши кўтарилган ғалаёнлар бошқа волостларга ва Наманган уездига ёйилиб, 1883 йилгача давом этди¹. Бироқ бу ғалаёнларнинг ташаббускорлари ва етакчилари тез-тез ўзгариб турган.

Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг таркибий ва жуда муҳим қисми бўлган аграр йўналиш туб аҳолининг аксариятига кўп кулфатлар, азоб-уқубатлар келтирди. Бу борада шаҳарлари оз, саноати паст ривожланган Чуст ва Наманган уездларида ер-сув муносабатларидаги бир томонлама ўзгартиришлар, солиқ ва бошқа тўловларнинг оширилиши, ерсиз деҳқонлар ҳамда чоракорлар сонининг ортиб бориши туб аҳолини турли шакллардаги курашга мажбур қилган. Вазият шунчалик ёмонлашганки, наманганлик деҳқонлардан бир қанчаси 1898 йилги Андижон қўзғолонида қатнашган.

Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, қўзғолондан кейин Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлигига тайинланган генерал-майор Чайковский Россия императорига йўллаган ҳисоботида туб миллатли маъмурлар яқинлашиб келаётган хавф, яъни қўзғолон ҳақида рус маъмуриятини огоҳлантирмади², деб ёзган эди. Ҳарбий губернатор, шунингдек, волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқоллари туб аҳолига мансуб бўлгани сабаб қуйи поғонали полиция ваколатларини улардан олиб, алоҳида қўриқчиларга бериш таклифини баён қилган³. Чайковский император сиёсатини кўкка кўтариб, яқинда Андижонга олиб келинган темир йўл аҳамиятини баҳолаб, «... айниқса, келажакда катта пахта плантацияси бўладиган Фарғона учун унинг аҳамияти беҳад юксак»⁴, деб қайд этган.

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 911-иш, 1-3-(орқа) варақлар.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 1-рўйхат, 4-рўйхат, 175-иш, 25-варақ.

³ ЎзР МДА. И - 19 фонд, 2-рўйхат, 6326-иш, 1-1-(орқа) бб.

⁴ ЎзР МДА. И - 19 фонд, 2-рўйхат, 6326-иш, 1-1-(орқа) бб.

Россия империяси учун 1904–1907 йиллар ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан оғир бўлди: Япония билан урушда мағлубиятга учраши, Ғарбий Оврупо ва АҚШ билан муносабатлари ёмонлашиши, ички сиёсий инқилобий воқеалар, П.Столипин раҳбарлигида аграр ислоҳотлар ўтказишга киришилиши, кўрган ва кўраётган талофатлар ҳамда бошқа эҳтиёжларини метрополия ҳукмрон доиралари мустамлакалар ҳисобига қоплашга интиланган. Бунга жавобан масалан, Туркистонда бу вақтда, XIX асрнинг охиридан фарқли ўлароқ, туб халқларнинг ҳаётида миллий зиёлилар тобора катта таъсирга эга бўлгани туфайли ўлкада мустамлакачиликка, хусусан, Россия империяси аграр сиёсатига қарши кураш анча кенгайди ҳамда кўпроқ сиёсий тус олди.

Ўз навбатида, Россия империяси ва ўлкадаги бошқарув идоралари рус қўшинларига, полицияга таяниб, мустамлакачилик тузумини мустаҳкамлаш ҳамда Россиянинг мақсадларини амалга ошириш учун барча чораларни қўллаган. Масалан, Наманган уезди бошлиғининг лавозимини вақтинча эгалланган капитан Богаевский 1912 йил 1 июнда Нанай волостидаги Булоқбоши, Янгиқўрғон волостидаги Наукент қишлоқларида 8 нафар деҳқонни 20 суткага қамаган. Сабоби – улар сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишган эмиш¹. Шу куни капитан Наукент қишлоғида 4 нафар деҳқонни бировга тегишли сувдан фойдалангани ва миробларни ҳақоратлагани учун 30 суткага қамаган².

Наманган уездида 1912 йилда рус отлиқ қўшинларини таъминлаш мақсадида туб аҳоли ихтиёридаги отлар ва араваларни ҳарбий рўйхатга олиш ўтказилди. Бундан хабар топган Чортоқ волости Булоқ қишлоғининг деҳқонлари кавалерияга яроқли отлари ва араваларини рўйхатга олиш масканига келтирмаган. Бу «жиноят» учун биргина қишлоқдан 64 нафар деҳқон 1912 йил 13 августда капитаннинг шахсий ҳукми билан 20 суткага полицияда қамоқда маҳкум этилди³.

¹ ЎзР МДА. И – 19 фонд, 1-рўйхат, 9493-иш, 96- варақ.

² ЎзР МДА. И – 19 фонд, 1-рўйхат, 9493-иш, 96 -варақ.

³ ЎзР МДА. И – 19 фонд, 1-рўйхат, 9493-иш, 238- варақ.

Бу даврда Фарғона вилоятининг чекка ҳудуди ҳисобланган Наманган уездига русларни кўчириб келтириш ҳам анча кенгайди. Лекин тоғли ва тоғолди жойларда маҳаллий аҳолининг ўзига ер камёб бўлиб турганда, рус аҳолиси қўпол тарзда ўзга ерларни тортиб олиб, суғориладиган деҳқончиликни билмагани ва ўзлаштиришни хоҳламагани учун шу ерларни деҳқонларга ижарага берган. Бундай ҳолат маҳаллий аҳолиси ва келгинди рус аҳолиси ўртасида тўқнашувларга сабаб бўлган, лекин жавобгарликка фақат ёки асосан туб миллатга мансуб аҳоли вакиллари тортилар эди.

48 Бошқарув идоралари эса қишлоқ жойларида рус аҳолисининг хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини мунтазам равишда таъкидлаб турган ва турли чораларни амалга оширган. Биринчи жаҳон уруши бошланган кунларида ҳам ўлканинг бошқа вилоятларидан энг аввал Фарғона вилоятидаги қишлоқ рус аҳолиси ўз хавфсизлиги юзасидан ташвиш билдирган ва ҳокимиятдан қуроли сўраган. Туркистон генерал-губернатори Фарғона вилоятидаги вазият алоҳида эътибор талаб этишини таъкидлаб, 1914 йил 6 августда вилоят ҳарбий губернаторига ҳарбий фронтга кетаётган рус армиясининг айрим қисмларини Андижон, Ўш, Қўқон шаҳарларида қолдириш ва рус, украин, белорус аҳолини тинчлантириш учун эркакларига қуроли беришга рухсат этган¹. 12 августда эса генерал-губернатор вазифасини бажарувчи генерал-лейтенант Флуг барча вилоят бошлиқларига рус аҳолиси зарур бўлган ҳолда ўзини ўзи мудофаа этиши юзасидан таклифларини тақдим этишлари ҳақида фармойиш юборди².

Архив ҳужжатлари гувоҳлик қилишича, дарҳақиқат, Фарғона вилоятида деҳқонларнинг ҳар қандай оммавий ғалаёнларини беаёв бостириш билан бирга, қишлоқ рус аҳолисининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча, бошқа вилоятларда 1914 йилда қўлланилмаган чоралар кўрилди. Масалан, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ҳар бир рус

¹ ЎзР МДА. И – 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 16-варақ.

² ЎзР МДА. И – 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 15-варақ.

посёлкасида 8-12 нафар эркаклардан иборат қуролланган махсус гуруҳларни ташкил қилишни буюрган¹.

Бундан ташқари, масалан, Наманган уездида отлари йўқолган қирғизлар руслардан гумон қилиб айрим рус посёлкаларига кирганлари учун полиция томонидан жазоланган. Вилоят ҳарбий губернатори 1914 йил 20 ноябрда Туркистон бошлиғига Наманган уезди Нанай волостида қирғизлар билан руслар ўртасида бўлган тўқнашувни қирғизлар бошлади ва шаҳарлардан рус қўшинлари кетганидан кейин туб аҳоли ўз ўжарлигини, қўполлигини намоёниш этмакда², – деб ахборот берган.

Мустамлакачиликка қарши кайфият кучаётганини мусулмон руҳонийлари ҳам ўз фаолияти билан ифодалаган. Уларни кузатиб турувчи Туркистон райони соқчилар бўлинмаси мудири полковник Волков 1915 йил 7 июлда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига Наманган уезди Қирғизқўрғон волостининг Катта Тошбулоқ қишлоғидаги «Жоме масжидининг имоми Мирза Маҳмуд Тўйчибоев Россия императори ҳақида дуо қилишдан воз кечган. Имом кофир ҳақида дуо қилмаслиги сабабини изоҳлаб, уни ҳаром деб ҳақоратлагани ҳамда Туркистон ўлкасида мусулмонлар ҳукмронлиги ўрнатилишига оз вақт қолганини айтгани ҳақида тергов ҳисоботини юборган. Айтилган вақтда, Волков бу ҳодиса тасдиқланмаганини ҳам қайд этган. Вилоят бошқаруви мазкур масалани 1916 йил 10 январда муҳокама қилиб, имомга қарши жиноий ишни ёпиш тўғрисида қарор чиқарди³.

Асосан аграр минтақа бўлган Наманган уезди биринчи жаҳон уруши йилларида Фарғона вилоятининг энг қолоқ, мустамлакачи идоралар туб аҳолига беаёв сиёсат ўтказётган уезди эди. Россия императорининг ғарбий фронтга яқин минтақалардаги оғир жисмоний ишларга Туркистоннинг туб аҳолисидан 19–43 ёшдаги эркакларини сафарбар қилиш тўғрисидаги фармони наманганликларни ғазабга келтир-

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 22-варақ

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 175-иш, 42-варақ.

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 92-иш, 3-варақ.

ди. ~~Ғайиундаги~~ Наманган уездида маҳаллий миллатга мансуб эркаклар сони 260 минг 822 кишини ташкил қилган, шулардан 40 минг 102 киши Наманган шаҳрида, 10 минг 756 киши Чуст шаҳрида яшаган.¹ Демак, салкам 210 минг нафар эркаклар уезднинг 14 волостидаги қишлоқларнинг деҳқонлари бўлган.²

Гарчи Фарғона вилоятидан пахта етиштириш ҳажмини сақлаб қолиш зарурлиги туфайли, аввал мўлжалланган 77 минг киши ўрнига 50 минг кишини сафарбар қилиш белгиланган бўлса-да³, туб аҳоли орасидаги ғалаёнлар кучли кўзғолонга айланди. Туркистон райони соқчилик бўлинмаси, полиция маҳкамалари халқ кўзғолони давом этаётган вақтдаёқ турли қишлоқларда фаол кўзғолончиларни, қурбон бўлганлар ва жароҳат олганларнинг сонини аниқлаш ишینی бошлаган ҳамда тезкор ахборот тайёрлашган.

Наманган ва Қўқон уездларидаги кўзғолон бошланишидан охиригача тергов олиб борган подполковник Розалион-Сошальский соқчилик бўлинмаси мудири полковник Волковга тақдим этган батафсил ҳисоботида кўп маълумотлар келтирилган. Подполковник келтирган маълумотларга кўра, 1916 йил июль ойининг биринчи ҳафтасида Қирғизқўрғон, Чортоқ ва бошқа волостларда аҳоли подшонинг фармони бўйича жуда кўп саволларни ўртага қўйди. Наманган уезди бошлиғи полковник Крошков тегишли жавобларни берганидан сўнг аҳолиси маҳаллий миллатга мансуб эркаклар қора ишларга эмас, балки ҳаркатдаги армия сафига жўнатилишини, ишчи бермасдан товон пули тулаш мумкинми ёки йўқми ва шу каби масалаларни аниқлашни талаб қилди. Лекин маъмурларнинг тушунтиришларидан кейин деҳқонлар, уларнинг яқинлари Қўқон, Тошкент, Самарқанд шаҳарларидаги аҳоли нима қилишини кутиб туришини билдирди. Уезднинг энг нотинч Чадоқ участкасида аҳоли полковник Крошковнинг

¹ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 105- варақ.

² ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, (ҳисоб бизники - Н.Қ.).

³ ЎзР МДА. И - 19-фонд, 4-рўйхат, 444-иш, 16-(орқа) варақ.

чақириқларига қулоқ солмасдан, экинларга сув кераклиги ҳақида гапирди.¹

Наманган уездилагаи барча ғалаёнларда жула кўп аёллар олдинги қаторларда бўлган ва улар устки кийимларини йиртиб, дод-вой қилиб, эрлари, ака-укаларини урушга бермай-миз, деб бақиришгани қайд этилган. Тўқнашув натижасида биргина Чадоқда қўзғолончилардан 16 нафари ҳалок бўлди, 38 нафари ярадор бўлди, 16 фаол иштирокчи эса ҳибсга олинди.² 1916 йил 9 июлда Намангандан 12 чақирим наридаги қишлоқда Капа волостининг бошқарувчиси Тожибойхужа Жамолиддинов ўлдирилди ва жўнатиладиган эркакларнинг рўйхати йўқ қилинди³. 14 июлда қўзғолончилар Янгиқўрғон участкасида тайёрланган рўйхатларни миршабдан тортиб олиб, ёқиб ташлаган. Хонобод волостида эса қўзғолончиларга маҳаллий қози бошчилик қилган. Шу куни қўзғолончилар Гадоё волост бошқарувчиси Мулла Ғозийни ўлдиришди⁴.

Ашт қишлоғида 1000 нафардан ортиқ одамлар 17 июлда волост бошқарувчисининг уйига бостириб кириб, унинг укасини, тоғасини ва мирзани ўлдиришди. Кейин қишлоқ оқсоқолини ўлдириб, уйини вайрон қилишди ва оилаларнинг рўйхатини ёқиб юборишди. Намангандан 40 чақирим узоқликда жойлашган Пнук қишлоғида маҳаллий элликбоши ва мирза ўлдирилди, қишлоқ оқсоқоли калтакланди, мулки талон-тарож қилинди. Жарбулоқ қишлоғида волост бошқарувчиси қочиб кетганини билган қўзғолончилар унинг уйи ва дўконларини бузиб ташлашди. 18 июлда Олмос қишлоғида деҳқонлар қишлоқ оқсоқолини масжидга чақиртириб, ундан оилаларнинг рўйхатини олиб, йўқ қилишди.⁵

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, мустамлакачилик тузуми келтирган миллий ва ижтимоий зуғум, аграр

¹ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1132-иш, 155-156 варақлар.

² Ўша асар, 157 варақ.

³ Ўша асар, 157-158 варақлар.

⁴ Ўша асар, 159 варақ.

⁵ ЎзР МДА. И - 1-фонд, 31-рўйхат, 1100-иш, 44 варақ.

сиёсати билан боғлиқ ҳолда ер-сув муносабатларининг ўзгартирилиши, солиқлар, турли тўловларнинг кўпайтирилиши ва миқдорининг оширилиши оқибатида пайдо бўлган қийинчиликларни Наманган уездининг деҳқонлари барча туб аҳоли каби бошидан кечирган, лекин сўзсиз итоатда бўлмасдан имкон қадар курашган. Бу кураш деҳқонлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида бошқарув идораларига – уезддан тортиб ўлка генерал-губернатори девонхонасигача ариза, шикоятлар билан мурожаат этиш, норозилик намойишларини ўтказиш, исёнлар, ғалаёнлар ва бошқа уездларнинг деҳқонлари, туб аҳолиси билан бирдам бўлган ҳолда қўзғолонлар уюштириш шаклида юз берган.

Шу билан бирга, Фарғона вилоятининг Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш уездларидан фарқли ўлароқ, Наманган уезди, асосан, аграр ва туб аҳолининг сиёсий, ижтимоий онги етарли даражада ўсмаган ҳудуд бўлганлиги таъкидлаш лозим. Ҳатто XX асрнинг бошларида Қўқон, Андижон, Марғилон, Ўш шаҳарларида ва Олтиариқ, Ойим, Риштон, Қўрғонтепа, Қува, Чимён волостларида саноат, темир йўл, қурилиш корхоналари, кўп тармоқли ҳунармандчилик вужудга келган; дунёвий билимларни ўқитадиган жалил усулидаги мактаблар, такомиллашган мадрасалар туфайли кўп сонли ўзбек зиёлилари пайдо бўлганда ҳам Наманган уездида бу йўналишлардаги ўзгаришлар унчалик сезиларли бўлган эмас.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Фарғона вилояти туб аҳолисининг ҳудудлараро боғлиқлиги мустамлакачиликка қарши курашда намоён бўлиб, бир уезддаги воқеалар, ҳаракатлар бошқа уездларга ҳам таъсир этмай қолмаган.

ХУЛОСА

Фарғона водийси мисолида деҳқонларнинг Россия империясининг аграр сиёсатига қарши кураши тарихини таҳлил этиш ҳамда воқеликни умумий тарзда тадқиқ этиш натижа-сида қуйидаги хулосалар юзага келди:

Россия империясининг Туркистондаги, хусусан, Фарғона водийсидаги аграр сиёсати фақатгина қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмасдан, ўлканинг саноати, ҳунарманчи-лиги, солиқ тизими, савдо-сотиқ соҳаси ва, ниҳоят, туб аҳолининг мутлақ аксариятини ташкил этувчи деҳқон ва чорвадор аҳолининг ҳаётига таъсир қилган эди.

Мустамлакачилик шароитларида Туркистонда амалга оширилган аграр сиёсат гарчанд аввалдан ишлаб чиқилма-ган бўлса-да, Россия империясида ривожланаётган капита-лизмнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини, эҳтиёжла-рини қондиришга қаратилган эди.

Айни вақтда, аграр сиёсатни ўтказиш борасида яна икки мақсад кўзлангани аниқ эди:

– биринчидан, Россияда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинганидан кейин ички губернияларда пайдо бўлган ор-тиқча қишлоқ аҳолисини янги мустамлакаларга (Туркис-тонга ва чўл ўлкасига) кўчириш ва шу йўл билан ҳам ички ижтимоий муаммони ҳал қилиш, ҳам қўлга киритилган ҳудудларда ҳокимиятнинг ишончли таянчини барпо қилиш;

– иккинчидан, туб қишлоқ аҳолисидан ундириладиган тўловлар маҳаллий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, метро-полиядан келтириладиган буғдой ва саноат буюмларига номутаносиб нархларни жорий қилиш йўли билан олина-диган даромадларни ўлкадаги рус қўшинлари ҳамда поли-циянинг харажатларини қоплаш, шунингдек, бошқарув органларининг фаолиятини таъминлашга сарфлаш.

Мазкур манбалар асосида мавзуни тадқиқ қилиш, авва-ло, империя ҳукуматининг аграр сиёсати ўз моҳияти, мақ-садлари билан ҳамда амалга оширилиш услублари билан туб миллатга мансуб аҳолига, айниқса, деҳқонларга иқтисодий,

ижтимоий ва маънавий қийинчиликларни келтирмаслиги мумкин эмаслигини кўрсатди.

Россия империясининг Марказий Осиёдаги сиёсати, биринчидан, стратегик манфаатлари билан, иккинчидан, Ғарбий Оврупо ва АҚШ билан муносабатлари ёмонлашгани сабабли саноати ривож учун қишлоқ хўжалик ва бошқа хом ашёга эҳтиёжларини қондириш имкониятларига ва ўз маҳсулотларига эса кенг, молиявий жиҳатдан жуда фойдали бозорга эга бўлиш билан белгиланган. Шунга кўра, империя ҳукмрон доиралари, Туркистонни, ~~Афғонистон~~ Фарғона водийсини, метрополия саноати учун пахта толаси, пилла ва бошқа хом ашё манбаига айлантиришни биринчи даражали вазифа деб ҳисоблади. Табиийки, империя ҳукумати-нинг аграр сиёсати ўлкада бир қанча ижобий ўзгаришлар билан бирга, туб қишлоқ аҳолисига кўп азоб-уқубатларни келтирди ва деҳқонларни курашга, ғалаён кўтаришга мажбур қилди.

Фарғона мисолида деҳқонларнинг империя аграр сиёсатига қарши кураши тарихини тадқиқ этиш натижалари бир қатор хулосалар, мулоҳаза, таклиф ва тавсиялар учун асос бўлди. Монографиянинг умумлашма хулосалари қуйидагича:

– Россия империясининг Туркистондаги аграр сиёсати йўналишлари, тамойиллари Фарғона водийсида ҳам амалда бўлган ҳолда бу минтақанинг иқтисодий аҳамиятини яхши англаган ҳамда туб аҳолининг ижтимоий хусусиятлари билан ҳисоблашган ўлка ва Фарғона вилояти «ҳарбий – халқ» ҳокимияти идоралари аграр сиёсатни ўзлари режалаштирган тарзда ўтказиш учун қулай шароитларни барпо қилишда, биринчи навбатда, уезд, волост, қишлоқ даражасида бошқарув идораларини тузишга жиддий аҳамият берди;

– Фарғона вилоятида, ўлканинг бошқа вилоятларидан бирмунча фарқли ўлароқ, қишлоқ туб аҳолисининг кўп сонлигини ва зич жойлашганлигини назарда тутиб, уезд бошқармасида, полиция маҳкамасида соқчилик, айғоқчилик вазифаларини бажариш, волост бошқарувчисига тегишли тартибни сақлаш, кичик исёнлар, ғалаёнларни бартараф қилиш-

да ёрдам бериш учун туб аҳолининг эркакларидан иборат 5 та махсус гуруҳлар ташкил этилган. Қишлоқларда эса бошқарув вазифаларини оқсоқоллар билан бирга миршаблар, мироблар, солиқ йиғувчилар (закотчилар), юзбошилар, элликбошилар, қозилар бажаришган;

– шундай бошқарув тизимига, армия қўшинларига ҳамда метрополиядан келтирилиб жойлаштирилаётган насроний (асосан, православ эътиқодидаги рус) аҳолига таянган ҳолда аграр сиёсатнинг бош йўналишлари бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди;

– бу борада, биринчи навбатда, водийдаги ер-сув муносабатлари Россия империясининг Фарғона вилоятида фаолият юритаётган рус тадбиркорлари ҳамда кўчириб келтирилган рус қишлоқ аҳолисининг манфаатларига мос тарзда ислоҳ қилинди ва маҳаллий деҳқонлар эгаллик қилган ер майдони бир неча баробар камайди, ҳатто вақф ерларининг катта қисми мустамлакачилар ихтиёрига ўтди. Россиянинг Туркистондаги фирмалари, банклари, савдо уюшмалари йирик пахта плантацияларининг эгалари бўлди ва айни вақтда, пахтанинг, пилланинг улгуржи нархларини белгилайдиган чайқовчиларга айланди;

– ер-сув муносабатлари ўзгаларнинг эҳтиёжларига биноан ўзгартирилиши қишлоқларда ижтимоий аҳволни оғирлаштирди, кам ерли ва ерсиз деҳқонларнинг сони ортиб борди. Бу эса мардикорларнинг, чоракорларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, ерга мулкчилик масаласи бирмунча аниқ бўлса-да, Туркистонда, жумладан, суғориладиган деҳқончилиги ривожланган Фарғона вилоятида, сувдан фойдаланиш борасида мустамлакачилик бошқарув идоралари жорий қилган янги тартиб-қоидалар кўпинча турли муаммоларни вужудга келтирди. Сувдан фойдаланиш мавсумида қўшни қишлоқларнинг деҳқонлари ўртасида баҳслар, жиддий тўқнашувлар оддий ҳол бўлиб қолди, қоидаларга кўра эса бирорта қишлоқ аҳолисининг сув масаласи бўйича аризаси, шикоят фақат вилоят ҳарбий губернатори томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлди;

– Туркистонда мустамлакачилик тузуми Россия империясининг минтақани қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашёси манбаига айлантириш мақсадида ер-сув муносабатларини ислоҳ қилиш, аҳолига, айниқса, деҳқонларга нисбатан янги солиқлар, тўловларни жорий қилиш билан бирга, метрополиялик ҳамда хорижий сармоядорларни, саноатчиларни, йирик савдогарларни жалб этиб, ўлканинг улкан имкониятларидан, бойликларидан иложи борича кўпроқ фойдаланиш учун ишлаб чиқариш бўйича етарли шароитларни яратди. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, бу ишларни амалга оширишда мустамлакачиларга туб аҳолининг йирик ер эгалари, саноатчи ва савдогарларнинг бир қисми ҳамкорлик қилди;

– кўрилган чоралар туфайли Россия яқин масофадан, кам чиқим билан келтириладиган пахта толаси, ипак толаси, бошқа хом ашё ишлаб чиқарадиган манбага, мамлакат ичкарасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни рақобатсиз, қиммат нархларда сотишга мослаштирилган катта бозорга эга бўлди ҳамда Туркистон иқтисодиётини тўла назорат қиладиган, бошқарадиган метрополия бўлиб қолди;

– Туркистон, жумладан, Фарғона вилояти иқтисодиёти Россиянинг манфаатларига бўйсундирилган ҳолда ривожлантирилган бўлса-да, салбий оқибатлар билан бирга, ижобий жиҳатларини ҳам таъкидлаш керак. Чунончи, деҳқончиликда темир плуг, бошқа замонавий ускуналарни қўллаш ўзлаштирилгани, ерни ҳайдаш сифати оширилгани, лалми ерлардан экинлар учун фойдаланиш, пахтачиликда, пиллачиликда селекция ишлари, тажриба станцияларининг ташкил этилиши; минерал ўғитларни қўллаш; чорвачиликда отлар, қорамолнинг касал бўлиши олдини олиш, зотини яхшилаш каби янгиликларни қайд этиш мумкин. Бундан ташқари, Туркистон пахтачилигининг ва ипакчилигининг энг йирик базаси бўлган Фарғона вилоятида пахтани тозалаш, ёғ-мой заводларида биринчилардан бўлиб буғ билан ишлайдиган джинлар, пресслар, маҳсулот сифатини аниқловчи лабораториялар пайдо бўлганини тан олиш лозим;

– Россия империясининг Туркистонда ва чўл ўлкасида мустамлакачилик тизимини ўрнатиш, мустаҳкамлаш, иқтисодиётини Россиянинг эҳтиёжларига хизмат қилдириш ҳамда Бухоро, Хива хонликлари устидан протекторатни бўшаштирмаслик, Афғонистон, Эрон, Хитой (Шарқий Туркистон) билан чегараларни қўриқлаш амалиёти забт этилган ҳудудларга метрополиядан насроний (асосан, православ эътиқо-дидаги рус, украин, белорус) аҳолини кўчириш сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Россиянинг Ички ишлар ва-зирлигига бўйсундирилган чўл ўлкасида туб аҳолининг аксарияти кўчманчи турмуш тарзига эга ва нисбатан кам сон-ли бўлгани сабабли Россиядан кўчиб келаётган насроний аҳолини жойлаштириш жиддий муаммоларсиз амалга оширилган. Бундан фарқли ўлароқ, империянинг ҳарбий ва-зирлиги томонидан бошқарилган Туркистон генерал-губерна-торлиги Россиянинг ҳали бирорта бошқа мустамлакасига кўчирилмаган миқдорда рус аҳолисини жойлаштиришга стратегик аҳамият берилган;

– ўлкага насроний аҳолини кўчириш юзасидан 1883 йил-гача расмий қонун, қоидалар бўлмаса-да Россия империяси ва мустамлакачи бошқарув идоралари даставвал ўзига тўқ крестьянларни бўш, фойдаланилмаётган ерларга эмас, бал-ки туб аҳоли яшаётган қишлоқлар яқинида жойлаштириш-га ҳаракат қилган. Деҳқонларнинг ерлари камайиши ва ер-сизлар сонининг кўпайиши, хом ашё ва истеъмол маҳсулот-лари нархларининг номутаносиблиги, солиқлар ва турли тўловларнинг фақат туб маҳаллий аҳолига жорий этилиши ўзбек халқи аксарият қисмининг иқтисодий мавқеини заиф-лаштиришга сабаб бўлиш билан бирга ўлкада, айниқса, Фарғона водийсида Россия империясининг аграр ва ижти-мой сиёсатига қарши курашида муҳим омиллардан бири бўлди;

– Россия империяси Туркистонга насроний аҳолини кўчи-риш сиёсатида туб аҳолини камситиш, таҳқирлаш, Ўрта Осиёлик (бухоролик) яҳудийларга Россияда яшовчи яҳудий-ларга жорий қилинган чеклашларни (ер сотиб олиш, ўрта ва олий таълим ўқув юртларига кириш каби масалаларда)

қўллаш, Хитой ҳукуматидан Шарқий Туркистон мусулмонларининг Еттисув ва Фарғона вилоятларига кўчиб ўтиши учун 1881 йилда 9 млн. тилла рубль олган ҳолда аслида уларни қабул қилиш ва жойлаштиришни туб мусулмон аҳолининг зиммасига юклаш каби ёндашувлар билан бирга, насроний аҳолининг миллатига, диний эътиқодига кўра бериладиган ер майдони, бошқа имтиёзларни қўллаш ёки (масалан, немис аҳолисига, касталикларга, диний бузғунчиларга, сектантларга) қўлламаслик шартларини назорат қилган;

– тадқиқ этилган архив ҳужжатлари, бошқа манбалар гувоҳлик қилишича, ўлкада, жумладан, Фарғона водийсида мустабид тузум ўрнатилаётган вақтдан бошлаб Россия империясидан кейинги муваққат ҳукуматгача бўлган даврда ҳукмрон ҳокимиятнинг бошқарув идоралари, полиция маҳкамалари туб аҳолининг, биринчи навбатда, зиёлиларнинг, уламоларнинг ва деҳқонларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, кузатиш масаласига жиддий аҳамият берган ҳамда бу борада қишлоқларда, шаҳарларнинг даҳаларида маҳаллий аҳоли вакилларининг хизматидан кенг фойдаланган;

– Туркистоннинг мустамлакачилик даври тарихи туб аҳолининг сиёсий, ижтимоий ҳақ-ҳуқуқлари, иқтисодий манфаатлари учун кураши билан таърифланса ҳамда барча исёнларнинг, ғалаёнларнинг, кўзғолонларнинг (1916 йилги кўзғолон бу маънода истисно бўлган) шиорларида, талабларида ўз аксини топса-да, айти вақтда бу миллий-озодлик кураши бўлганлиги шубҳасиздир;

– Туркистон, аynиқса, унинг Фарғона вилояти, асосан, аграр иқтисодиётга эга бўлгани ва туб аҳолисининг аксариятини деҳқонлар, кўчманчи чорвадорлар ташкил қилгани сабабли Россия империяси ва унинг саноати учун аҳамиятли бўлган бу минтақадаги аграр сиёсатга қарши курашнинг қатнашчилари ҳам деҳқонлар бўлган. Ўлканинг Еттисув, Сирдарё, Каспийорти, Самарқанд вилоятларида туб аҳолининг исёнлари, ғалаёнлари ва кўзғолонлари ҳудудий тарқоқ бўлгани учун бир қишлоқ ёки волостда рўй берган қаршилик ҳаракати қўшни қишлоқларда, волостларда тез орада

қўллаб-қувватланмагани ҳолда туб аҳолиси ниҳоятда зич жойлашган Фарғона вилоятида бу маънода манзара анча фарқ қилган. Гап шундаки, Россия саноатини пахта, пилла билан таъминловчи асосий хом ашё манбасига айлантирилган Фарғона вилоятида мустамлакачилик тузумига қарши Етимхон Дарвешхонтўра бошчилигидаги ҳаракатлар охиригача бостирилмасданоқ, Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш уездларида деҳқонларнинг исёнлари, ғалаёнлари 1898 йилги Андижон қўзғолонигача давом этди. Наманган уезди ҳокимият ва полиция, солиқчилар томонидан биров «иҳоталанган» бўлса-да, унинг деҳқонлари Россия империясининг аграр ва ижтимоий сиёсатига қарши курашдан четда қолмади. Наманганлик деҳқонларнинг бир қисми қўшни уездларда содир бўлган йирик ғалаёнларда ва Андижон қўзғолонида иштирок этди;

– Туркистоннинг бошқа қишлоқ жойларидан фарқли ўлароқ, Фарғона вилоятида деҳқонларнинг ҳокимиятга, унинг аграр сиёсатига қарши кураши кўп ҳолларда стихияли бўлса-да, уюшқоқлик, қатъиятлилик юқорироқ бўлган ва бунга мусулмон уламолари ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида миллий зиёлилар ўз ҳиссаларини қўшдилар;

– Фарғона вилоятининг ўзида ҳам туб аҳолининг мустамлакачилик тузумига қарши кураши барча уездларда бир хил фаол бўлган эмас. Бу борада Марғилон (1912 йилдан – Скобелев), Андижон, Қўқон, Ўш уездларининг деҳқонлари энг қизғин ва оммавий тусга эга бўлган ҳамда узоқ давом этган ғалаёнлар, қўзғолонларни бошлагани билан ажралиб турган. Чуст (1889 йилда Наманган уездига қўшилди ва унинг ҳудудлари Чуст, Поп участкалари деб номланди), Исфара уездларида эса кўпинча деҳқонларнинг қисқа муддатли исёнлари, ғалаёнлари бўлган. Лекин бутун Туркистонга сиёсий, маънавий таъсир этган 1898 йилги Андижон қўзғолони Фарғона вилояти деҳқонларининг, барча туб жой аҳолисининг онгига ва ижтимоий-сиёсий мавқеи мустаҳкамланишига жиддий таъсир этди;

– Туркистон, айниқса, Фарғона вилояти деҳқонларининг Россия империяси мустамлакачилигига қарши кураши 1916 йилдаги умумхалқ қўзғололи жараёнида чинакам сиёсий маъно касб этди ва мағлубият билан яқунланган бўлса ҳам энг юксак чўққига кўтарилган эди, деб баҳоланса ҳеч муболаға ёки тарихий мантиққа зид бўлмайди. Чунки айти шу қарийб ярим асрлик кураш чоғида берилган минг-минг қурбонлар, орттирилган тажриба эвазига миллий сиёсий партиялар, уюшмалар пайдо бўлди, Туркистон (Қўқон) Мухторияти барпо қилинди, ундан кейин эса миллий истиқлол учун қуролли ҳаракат авж олди.

Танланган мавзуни тадқиқ этиш давомида ўрганилган архив ҳужжатлари, асосан, мустамлакачи ҳокимиятининг турли идоралари, маҳкамалари томонидан тузилгани, туб аҳолининг аризалари, шикоятларини эса ҳокимият белгилаган хизматчилар рус тилига қанчалик тўғри таржима қилганини аниқлаш деярли мумкин эмаслиги ҳамда Россия империяси ва совет даврларида яратилган асарларнинг аксариятида Туркистон ўлкасининг тарихи, туб аҳолининг ривожланиш даражаси ва мустамлакачиликка қарши кураши бир томонлама ёки камситилиб ёритилгани тадқиқотчидан синчковлик ва масъулиятли ёндашувни тақозо этди.

Шу муносабат билан тадқиқ этилаётган тарихий мавзу қайси даврга оидлигидан қатъи назар, бошқа тарихий масалаларга ҳам алоқадорлигини аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳамма вақт мақсадга мувофиқдир. Масалан, Россия империясининг Туркистонда, жумладан, Фарғона вилоятидаги аграр сиёсати нафақат бу ҳудуддаги ер-сув муносабатлари, қишлоқ жойдаги солиқ-тўловлар тизими билан, балки бошқарув тизимини ўзгартириш, хом ашёни улгуржи харид қилиш тартиби ва маҳаллий саноатдаги, ҳунармандчиликдаги ўзгаришлар ҳамда муҳолиф метрополиядан насроний, асосан, православ эътиқодидаги аҳолини кўчириб келтириш каби масалалар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлгани шубҳасиздир.

Монографияни ёзиш жараёнида қуйидаги тавсия ва таклифлар бериш шу мавзуни яна ҳам тўлиқ ёритишга ёрдам беради, деган умиддамиз:

- мавзуга оид изоҳли атамалар луғатини яратиш;
- Фарғона вилоятининг асосий хом ашё етиштириб беврувчи водий сифатидаги ўрнини илмий-тадқиқотлар доирасига киритиб бориш;
- Россия империяси ҳукмронлиги йилларида Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир ҳужжатлар тўпламини нашр этиш;
- миллий-озодлик ҳаракатларида иштирок этган маҳаллий миллат вакиллари исм-шарифларини топган ҳолда уларни жамлаб, тўплам нашр этиш;
- Мустақиллигимизгача миллий озодлик курашлари, Россия империяси олиб борган мустамлакачилик аграр сиёсатини илмий таҳлил қилган ҳолда илмий-услубий қўлланма яратиш ва оммалаштириш.

Қурбонова Наргиз Насриддинбековнанинг «Чоризмнинг Туркистондаги аграр сиёсати ва унга қарши кураш» номли монографиясида Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик аграр сиёсати, моҳияти, оқибатлари ва унга қарши деҳқонларнинг норозилик ҳаракати Фарғона вилояти мисолида архив ҳужжатлари ва бошқа илмий далиллар асосида тадқиқ қилинган.

Монографиянинг биринчи боби «Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олгандан сўнг Фарғона вилояти қишлоқ хўжалигининг аҳволи» деб номланиб, мазкур бобда Фарғона вилоятининг ташкил топиш тарихи ва бу ерларда мустамлакачилик бошқарув тузумининг шаклланиши, вилоятда ер-сув муносабатлари масалалари таҳлил қилинади.

1876 йил Қўқон хонлиги тугатилиб, маркази Янги Марғилон бўлган Фарғона вилояти барпо этилди ва вилоятда 6 та уезд ташкил қилинди.

Туркистон генерал-губернаторлиги Фарғона водийсининг иқтисодий, ижтимоий имкониятларини империя манфаатларига бўйсундиришга ҳамда туб халқларни итоаткорликда ушлаб туришга интилган ҳолда бошқарув тузумини бир қатор чоратадбирлар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Бу чоратадбирлар қаторида Фарғона вилоятининг Наманган, Ўш, Қўқон, Андижон, Янги Марғилон, Исфара шаҳарларида ҳарбий гарнизон, бу шаҳарларда ва Жалолобод, Асака, Ўзганд, Чуст шаҳарларида ҳибсхоналар, Янги Марғилонда, Қўқонда, Наманганда ва Ўшда 4 та қамоқхона барпо қилинди. Шаҳарларда полиция муассасалари, уезд марказларида қуриқчилар хизмати вакилларининг идоралари, қишлоқларда миршаблар хизмати ташкил этилиб, қишлоқ жойларга кўчиб келтирилган европа миллатига мансуб аҳолининг (немислар истисно қилинган) вояга етган эркакларининг ҳар бирига милтиқ, 10 дона патрон берилган.

Фарғона водийсида мустамлакачилик ҳукмронлигини ўрнатган Россия империяси минтақа қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларни, зиддиятларни бартараф қилишга эмас, балки унинг имкониятларини, салоҳиятини Россиянинг капиталистик ривожланиш йўлига ўтган озиқ-овқат ва бошқа саноат соҳаларининг пахта толасига, ипак, тери, жун, мева ва сабзавот маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилган эди.

Монографиянинг «Фарғона вилоятида Россия империясининг аграр сиёсатини амалга оширишнинг оқибатлари» деб номланган иккинчи бобида аҳолини кўчириш сиёсатининг Фарғона вилоятида амалга оширилиши ва унинг оқибатлари, вилоятни Россиянинг хом ашё базасига айлантириш амалиёти ва деҳқонлар аҳолининг оғирлашиши таҳлил этилади.

Россиянинг Марказий Осиёга интилиши бу бепоён ҳудудга метрополиядан «ортиқча» аграр аҳолини кўчириш зарурияти билан ҳам белгиланган. Яна таъкидлаш лозимки, Россия аграр империянинг ички губернияларидан XIX асрнинг 50-йилларидаёқ Оролбўйига, Каспийортига, Оқмачитга, Еттисувга Урал ва Сибир казакларини ҳамда минглаб рус деҳқонларини кўчирди.

Россия императори 1881 йил 10 июлда аҳолини кўчиришга дахлдор илк ҳужжатни – «Крестьянларни ғазнага тааллуқли бўш ерларга кўчириш ҳақидаги муваққат қоидалар»ни имзолади. Бу қоидаларга кўра ва яқин келажакда ўлкага рус аҳолисини янада кўпроқ кўчиб келишини назарда тутиб, империя ҳукумати ва Туркистон генерал-губернатори оиладаги эркакларнинг ҳар бирига 10 десятинадан ер, маълум миқдорда моддий ёрдам беришга қарор қилди.

1889 йилга келиб ўлкада ерсиз ва кам ерли деҳқонлар, тadbиркорларнинг сони шу қадар ортиб кетдики, Россия империяси 1889 йил 13 июлда қишлоқ аҳолисининг давлат ерларига келиб ўрнашишини назорат этувчи қонунни эълон қилишга мажбур бўлди. Шундан сўнг бир муддат тўхтаган кўчириш сиёсати 1892 йилги Тошкент, 1898 йилги Андижон қўзғолонларидан кейин яна кучайиб кетди. Натижада, аҳолини кўчириш идораларининг моддий ёрдами туфайли Туркистонга кўчиб келган русларнинг сони ўзбошимчалик қилиб келганларнинг сонидан атиги 2-3 баробар ортиқ, айрим йилларда эса камроқ бўлган. Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Самарқанд, Каспийорти, Фарғона вилоятларида кўчиб келганларга маҳаллий аҳолидан тортиб олинган 6000 десятина ер ажратиб берилган.

Монографиянинг «Фарғона вилоятида Россия империясининг мустамлакачилик аграр сиёсатига қарши кураш» деб номланган учинчи бобида Андижон ва Ўш уездлари деҳқонларининг ғалаёнлари, Қўқон ва Марғилон, шунингдек, Наманган уездида туб аҳолининг Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши норо-

зиликларининг кучайиши манбалар асосида илмий жиҳатдан таҳлил қилинди.

Фарғона водийсининг туб маҳаллий аҳолиси мусулмон уламо­лар, зиёлилар иштирокида мустамлакачилик ҳокимиятига, унинг буюк давлатчилик сиёсати­га қаршилигини турли шакл­ларда намойиш этди. Бу борада аҳоли энг аввал ўз миллий анъа­наларини, эътиқодини, қадриятларини сақлаб қолишга, ҳимоя қилишга интилангани қайд этиш муҳим.

Муаллиф хулосаси: Туркистон деҳқонларининг мустамлака­чилик руҳидаги аграр сиёсатга қарши кураши ўзбек халқи тари­ҳида алоҳида аҳамиятга эга.

В монографии Курбановой Наргиз Насриддинбековны «Аграрная политика царизма в Туркестане и борьба против неё» на основе архивных документов и других научных доказательств исследована колониальная аграрная политика Российской империи в Туркестане, её сущность, последствия, и проанализировано движение недовольства дехкан против данной политики на примере Ферганской области.

В первой главе монографии «Положение сельского населения Ферганской области после завоевания Кокандского ханства Российской империей» анализируется образование Ферганской области и формирование на её землях колониальной системы управления, рассматриваются вопросы земельно-водных отношений в области.

В 1876 году было разгромлено Кокандское ханство и образована Ферганская область с центром в городе Новый Маргелан, в область входили 6 уездов.

Туркестанское генерал-губернаторство, стремясь подчинить экономические и социальные возможности Ферганской области интересам империи и держать коренное население в повиновении, различными мерами пыталось укрепить систему управления. Среди данных мер было возведение военных гарнизонов в таких городах Ферганской области, как Наманган, Ош, Коканд, Андижан, Новый Маргелан и Исфара, строительство в данных городах, а также Джалалабаде, Асаке, Узгене и Чусте арестных домов и постройка тюрем в Новом Маргелане, Коканде, Намангане и Оше. В городах была налажена работа полицейских учреждений, в уездных центрах – представителей службы урядников, в сёлах – организована служба полицейских, каждому совершеннолетнему мужчине из переехавших в сельскую местность представителей европейских национальностей (кроме немцев) были переданы ружья и по 10 патронов.

Российская империя, установившая колониальную власть в Ферганской долине, стремилась не ликвидировать проблемы, имеющиеся у сельского населения региона, а использовать его возможности, потенциал для удовлетворения потребностей России, переходящей на капиталистический путь развития, в хлопке-сырце, шёлке, коже, шерсти, фруктах и овощах для лёгкой, продовольственной и других отраслей промышленности.

Во второй главе монографии «Последствия внедрения аграрной политики Российской империи в Ферганской области» анализируются внедрение переселенческой политики в Ферганской области и его последствия, а также практика превращения области в сырьевую базу России и осложнение положения дехкан.

Следует отметить, что стремление России в Центральную Азию диктовалось необходимостью переселения «избыточного» аграрного населения из метрополии на эти огромные территории, и из внутренних губерний аграрной империи во внешние губернии – в Приаралье, Закаспийскую область, Ак Мечеть, Семиречье начиная с 50-х годов XIX века были переселены казаки с Урала и Сибири и тысячи русских крестьян.

Российский император 10 июля 1881 года подписал первый документ, касающийся переселенческой политики – «Временные правила переселения крестьян на свободные казённые земли». Согласно данным правилам в ближайшем будущем предусматривалось дальнейшее переселение русского населения в край, имперское правительство и генерал-губернатор Туркестана постановили давать на каждого мужчину семьи по одной десятине земли и обеспечить определённой материальной помощью.

К 1889 году количество безземельных и малоземельных крестьян в крае возросло до такой степени, что Российская империя 13 июля 1889 года приняла закон, контролирующий приток сельского населения на государственные земли. Затем переселенческая политика на короткий срок приостановилась, однако после восстаний 1892 года в Ташкенте и 1898 года в Андижане приток русского населения вновь возрос. В результате благодаря материальной помощи переселенческих учреждений количество переселённых в Туркестан русских превысило количество прибывших самостоятельно в 2-3 раза, в некоторые годы этот показатель снижался. Для прибывших в Сырдарьинскую, Самаркандскую, Закаспийскую, Ферганскую области у местного населения изымалось по 6000 десятин земли.

В третьей графе монографии «Борьба против колониальной аграрной политики Российской империи в Ферганской области» на основе источников с научной точки зрения проанализированы восстания дехкан в Андижанском и Ошском уездах, а также усиление недовольства крестьян колониальной политикой России в Кожандском, Маргеланском и Наманганском уездах.

Противостояние коренного населения колониальной политике с участием мусульманских улема, образованных людей, их выступления против великодержавного шовинизма представлены в разных формах. В этой связи важно отметить стремление населения прежде всего к сохранению национальной духовной жизни, социального руководства, защите от внешнего влияния.

Заключение автора: Дехкане Туркестана внесли свои предложения в историю борьбы против колониальной аграрной политики империи.

Kurbanova Nargiz Nasridinbekovna's monograph «An agrarian policy of tsarism in Turkistan and fight against it».

In the monograph on the basis of archival documents and other scientific proofs the colonial agrarian policy of the Russian Empire in Turkestan, its essence, consequences is investigated, and discontent movement of peasants against this policy on the example of the Fergana area is analysed.

In chapter I of the monograph «The State of Country People of the Fergana Area after Gain of the Kokan Khanate by the Russian Empire» formation of the Fergana area and formation on its lands of a colonial control system is analyzed, questions of the land and water relations in area are considered.

In 1876 the Kokan khanate was crushed and the Fergana area with the center in the city New Margilan is formed, the area included 6 districts.

Turkistan general governorship, seeking to subordinate economic and social opportunities of the Fergana area to interests of the empire and to keep indigenous people in obedience, various measures tried to strengthen a control system. Among these measures there was a construction of military garrisons in such cities of the Fergana area, as Namangan, Osh, Kokan, Andizhan, New Margilan and Isfara, construction in these cities, and also in Jalal-Abad, Asaka, Uzgen and Chust arrest houses and construction of prisons in New Margilan, Kokan, Namangan and Osh. In the cities work of police establishments was adjusted, in the district centers – representatives of service of village constable, in villages – the service of the police officers is organized, from the representatives who have moved to rural areas of the European nationalities (except Germans) guns and on 10 cartridges were given to each full age man.

The Russian Empire which has established the colonial power in Fergana Valley, sought not to liquidate the problems which are available for country people of the region, and to use its opportunities, potential for satisfaction of needs of Russia passing to a capitalist way of development, in cotton raw, silk, leather, wool, fruit and vegetables for textile, food and other industries.

In chapter II of the monograph «Consequences of Introduction of an Agrarian Policy of the Russian Empire in the Fergana Area» are analyzed introduction of resettlement policy in the Fergana area and its consequences, and also practice of transformation of area in a source of raw materials of Russia and complication of peasants' situation.

It should be noted that the aspiration of Russia to Central Asia was dictated by need of resettlement of the «excess» agrarian population from the mother country on these huge territories, and from internal provinces agrarian empire to external provinces – in Priaralye, Zakaspiysky area, Akmechet, Semirechye since 1950s of the XIX century moved Kazaks from the Urals and Siberia and one thousand Russian peasants.

The Russian emperor signed on July 10, 1881 the first document concerning resettlement policy - «Provisional rules of resettlement of peasants on free state lands». According to these rules further resettlement of Russian people to the region in the near future was provided, the imperial government and the governor general of Turkestan decided to give on each man of a family on one dessiatina of the earth and to provide with a certain financial support.

